

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
(I-қисм)	
ДУРАДГОРЛИК ИШЛАРИ	
I-БОБ. ЁФОЧЛАРГА ҚҮЛДА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	
1-§ Ёғочга ишлов бериш устахонаси.	4
2-§ Ёғочнинг одамлар учун аҳамияти.....	5
3-§. Иш ўрни.....	9
4-§ Ёғочнинг тузилиши.....	13
5 -§ Ёғоч турлари.....	19
6 -§. Ёғочнинг умумий хоссалари.....	24
7-§. Ёғочнинг сифатини аниқлаш.....	27
8-§. Ёғочнинг нуқсонлари.....	31
9-§. Ёғочнинг ишлатилиш соҳалари.....	33
10-§. Дурадгорликда ишлатиладиган ёғочлар.....	37
11-§. Фанер.....	39
II-БОБ. ДУРАДГОРЛИК АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ.	
12-§ Дурадгорлик дастгохи.....	41
13-§ Ўлчаш ва режалаш асбоблари.....	43
14-§ Арралар.....	46
15-§. Дурадгорлик болғалари ва ёғоч тўқмоқлар.....	51
16-§. Дурадгорлик исканалари.....	52
17-§. Дурадгорлик рандалари ва уларни ишга созлаш.....	55
18-§. Дискли электр арралар.....	61
19-§. Электр рандалар.....	68
20-§. Электр ўйгич.....	70
21-§. Электр пармалаш қўл машиналари.....	73
III-БОБ. МАШИНАЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМЛАРИ.	
22-§. Ўқувчиларни машинашунослик элементлари билан таништириш.....	76
23-§. Машиналарнинг асосий деталлари.....	80
24-§. Винтли механизм.....	84
25-§. Узатмалар хақида тушунчалар.....	86
(II -Қисм)	
ЁФОЧЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	
IV-БОБ. СТАНОКЛАР	
26-§. Станоклар асосий элементларининг характеристикалари.....	92
27-§. Ёғочга ишлов бериш токарлик станоклари.....	93
28-§. Диск аррали универсал Ц6-2 станоги.....	95
29-§. Дискли станокнинг иш органалри ва суриш механизлари. Арра вали.....	100
30-§. Шпиндили пастга жойлашган фрезалаш станоклари.....	106
31-§. Фрезалар.....	110
32-§. Пармалаш станоги.	113
33-§. Жилвирлаш станоги.....	116
34-§. Чархлаш станоги.....	117

V-БОБ. МАХСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

35-§. Ёғочдан уй-рўзғор буюлари тайёрлаш.....	119
36-§. Ёғоч деталларини бириттириш.....	121
37-§. Михлар билан бириттириш.....	130
38-§. Ёғочни пардозлаш.....	132
Ёғочга ишлов бериш технологияси юзасидан тақвимий-мавзуй режанинг жорий ва оралиқ назоратларига йўналтирилган саволлар ҳамда амалий мазмунлари.....	140
Фойдаланилган адабиётлар.....	164

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг кейинги иқтисодий ва маданий тараққиёти олий ўқув юртларимиз олдига қўйган вазифаларининг нечоғлик муваффақият билан бажарилиши кўп жихатдан боғлиқ. Чунки олий педагогик ўқув юртлари талабаларини меҳнатга, ижтимоий ҳаётга тайёрлашдек улкан вазифаларни бажариш, мактабларда меҳнат дарсини ўтиш маданиятига асос солади, ўз касбига мухаббат уйгота бориб, билим, кўникума ва малакаларини ҳосил қиласди.

“Таълим тўғрисида қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да уқтириб ўтилгандек, талабаларга замонавий политехник таълим, меҳнат тарбиясини бериш, касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш, уларнинг билим ва касбий маҳоратини ҳосил қилиш мухимдир. Бунинг учун мактабларда меҳнат дарсларини ташкил қилиш учун аввало педагогика олий юртларида яхши жихозланган ўқув жихозлари, лаборатория ва ўқув устахоналарини ташкил этишни ва улардан унумли фойдаланишни ўргатиш керак бўлади. Бўлғуси меҳнат дарсидан дарс берувчи ўқитувчи, олий ўқув юртларида олган тажрибаси, билим ва кўникумларига суюнган холда дарс берадилар.

Хозирги вақтда иш меҳнат дарсида таълим бериш учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар етишмайди. Шуларни назарда тутиб олий педагогик ўқув юртларида малакали меҳнат ўқитувчисини тайёрлаш учун “Касб таълими практикуми” дарсининг бир қисми бўлган “Дурадгорлик” дарсидан ўқув қўлланма тайёрлашга шарт қилдик. Кўлланма 5142000-“Меҳнат таълими” ихтисослиги бўйича ўқув режаси ва дастурига асосида ёзилиб, муаллифлар кўп йиллик ўқув устахоналарида олиб борган кўп йиллик тажрибаларига таянади.

Кўлланма икки қисмдан, яъни I-қисмида ёғочларга қўлда ишлов бериш технологияси, II-қисмида ёғочларга механик ишлов бериш технологиясидан иборат бўлиб, асосан педагогика олий ўқув юртларининг “Меҳнат” мутахассисликлари талабаларига мўлжалланган. Ушбу қўлланмадан касб-хунар колледжларининг “Дурадгорлик” ва “Ёғочларга ишлов бериш” мутахассисликларидаги ўқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

(І-қисм)
ДУРАДГОРЛИК ИШЛАРИ

I-БОБ.

ЁГОЧЛАРГА ҚҰЛДА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-§ Ёочга ишлов бериш устахонаси.

Макабанинг ёғочга ишлов бериш үқув устахонасида үкувчиларга ёғочга ишлов бериш касбларида құлланиладиган замонавий иш усулларини ўргатиш машғулотлари олиб борилади. Устахонада ҳар бир үқувчи учун алоҳида иш дастгоҳи ўрнатиласы. (1а,б расм). Устахонанинг ўз ички қоидалари бўлиб, уларга тўлик, риоя қилиш шарт. Устахонага ҳар бир үқувчи керакли үқув қуроллари: қалам дафтар, чизғич, ўчирғич ва шу кабилар билан келиши ва уни ишга тайёрлаши керак. Устахонада асбобларни ўқитувчининг рухсатисиз жойидан олиш ва ишлатиш мумким эмас. Ўқитувчи тошпириқни тушунтириб бўлгандан сўнг унинг рухсати билан амалий ишларни бажаришга киришилади. Иш жараёнида ҳар бир асбобдан хавсиз фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб қилинади. Иш вақтида бошқа үкувчиларга халақит бермаслик, асбобларга зарар етказмаслик, материаллардан фойдаланиш лозим. Дарс тугагач, ҳар бир үқувчи ўз иш жойини йиғиширади, асбобларни тозалаб ўз ўрнига қўяди ва тайёрланган буюмни ўқитувчига топширади. Иш кийимларини тозалайди, қўлларини ювади. Ўкувчилар ўқитувчи рухсат бергандан сўнг устахонадан чиқадилар. Навбатчи үкувчилар устахонадаги чангларни латта билан артиб тозалайдилар, дераза дарчасини очиб хонани шамоллатадилар.

Ҳар бир үқувчи устахонада қўидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши керак.

Иш кийимларини (халат, комбинезон ва бошқаларни) тўғри кийиш.

Иш жойида тартибни сақлаш, асбобларнинг ишга яроқлилигини текшириш, яроқсиз асбоблардан тўғри фойдаланиш.

Ўқитувчи рухсат бергандан кейин ишни бошлиш.

Иш вақтида асбоблардан тўғри фойдаланиш, бошқа үкувчиларга халақит бермаслик, материалларни тежаб сарфлаш.

Дарс тугагач асбобларни тозалаб ўз ўрнига қўйиш.

Иш жойидаги қиринди ва бошқа чиқиндиларни маҳсус чўтка билан тозалаш.

Жарохатланиш ёки шикастланиш рўй берган холларда дархол ўқитувчига маълум қилиш.

Мазкур саволларга биноан үкувчилар учун тестлар тузинг.

1. Устахонада қандай хавсизлик қоидаларига риоя қилиш керак.

2. Иш жойини кўздан кечириш ва уни ишга тайёрлаш тартибини айтинг?

3. Нима учун яроқсиз асбоблардан фойдаланиш мумкин эмас.

2-§ Ёғочнинг одамлар учун аҳамияти.

Ёғоч одамлар учун турли мақсадлар учун фойдаланиладиган асосий таъбий материаллардан хисобланади. Ёғочдан жуда қадим замонлардан буён турар жойлар қуришда, турли меҳнат қуроллари, рўзгор буюмлар ва шу кабилар ясашда, ҳамда қаттиқ ёқилғи тури сифатида фойдаланилмоқда. Шу билан бирга ёғоч қоғоз, картон тайёрлаш турли қисмлар ва бошқа кимёвий моддалар олиш ҳамда айрим дори-дармонлар олиш учун ҳам асосий материал хисобланади.

Ёғоч чиқиндисиз материал ҳисобланади. Чунки улардан турли нарсалар ясаш учун арралаш, йўниш, қирқиши, рандалаш ва бошқа усулларда ишлов бериш жараёнида ҳосил бўладиган пойрахалар, қиринди, қипик ва бошқа майда бўлаклардан иборат чиқиндиларга махсус машиналарда тегишли ишлов бериб, елим аралаштириб турли шакл ва ўлчамларда пресслаб қуритиш орқали ёғоч–қипикили материаллар тайёрланади. Улар ҳам турли буюмлар тайёрлашда табиий ёғоч ўрнида ишлатилади. Ёғоч махсулотларидан доимо фойдаланишга кўнишиб кетганмиз. Булар иморатларнинг эшик, деразалар, стол, стул, сандиқлар, яхши хил асбоб – ускуналар, қоғоз қаламлар ва бошқалардан иборат. Ёғоч материаллари турли дараҳтлардан олинади. Ёғоч олиш учун турли сифатлардаги ёғоч берадиган дараҳтларни экиб, тпарвариш қилиб ўстирилади. Ҳар бир дараҳт тури ўзига хос сифатларга эга ёғоч ҳосил қиласи. Дараҳтларни турларга ажратишда мевали ёки мевасизлиги, тез ёки секин ўсиши, яъни қанча йилда ишга яроқли ёғоч бериши ҳамда қандай сифатли ёғоч бериши ҳисобга олинади. Ёғочнинг сифати деганда унинг қаттиқ-юмшоқлиги, оғир-енгиллиги, турли таъсирларга чидамлилиги, яъни ундан тайёрланган махсулотнинг узоқ вақт ишга яроқли холда сақланиши, турли асбоблар билан ишлов беришга қулайлиги, қандай мақсадлар учун фойдаланиш мумкинлиги тушунилади.

Бундан ташқари дарахтларнинг ўсиш шакли ва баргининг тузилишига қараб ҳам фарқланади. Бунда дарахтларнинг тик ўсиб, тўғри ясси баргли ёки игна баргли, доим яшил ёки кузда баргини тўқадиган турларга ажратилади. Ёғоч берувчи дарахт турлари кўп бўлиб, улар ер юзини турли қисмларига тарқалган. Ўзбекистонда ўсадиган дарахт турларидан ҳар турли сифатларга эга ёғочлар олиш мумкин, булар терак, тол, арча, ёнғоқ, қайроғоч, чинор, нок, тут, ўрик, эман, қарағай, липа ва бошқалардан иборат.

Саксавул ёғочи асосан ўтинга ишлатилади. Керакли ёғочларни етиштириш учун ҳар бир дарахт турини экиш ва парвариш қилиб ўстириш қоидаларини ўрганганд мутахассислар меҳнат қилишади. Ўстириб етиштирган дарахтни кесиш, уларни керакли жойларга ташиб келтириш ва зарур ўлчамдаги тахталар, тўсинлар, рейкалар шаклида арралаш ишларини бажаришда бир қанча турдаги машина-механизм ва станоклардан фойдаланилади. Уларнинг хар бирини тегишли мутахассислар бошқаради. Улар ўрмон кесувчилар, тракторчилар, шафёрлар, юк ташиш, ортиш механизмлари хайдовчилардир.

Тахта тилиш арралаш станокларини бошқарувчилар ҳамда бошқа мухандис-техник ходимлардан иборат. Уларнинг меҳнатлари натижасида турли ўлчамдаги тахталар, тўсинлар, рейкалар ҳам да фанерлар тайёрланади. Булар ярим тайёр ёғоч махсулотлари деб аталади. Бунда асосий иш жараёни ёғоч гулларни бўйига, кўндалангига, арралаш ва рандалаш ҳамда фанер тайёрашдан иборат бўлади. Ёғочсозлик саноати соҳасида турли касб эгалари хизмат қиласилар. Ёғочдан махсулот тайёрлаш касбларининг турлари кўп бўлиб, уларни дурадгорлик деган умумий ном билан айтилади. Хар бир дурадгор устасининг касби унинг тайёрлайдиган махсулотига асосан номланади. Масалан иморатсоз, эшиксоз, ёғоч ўймакори, мебелчи, сандиқчи, дастгохсоз, аравасоз, эгарчи, кемасоз, қошиқчи ва бошқалар.

Ёғоч тайёр қурилиш материали бўлиб, у халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг кўламда ишлатилади. Ёғоч дурадгорликда

ишлилладиган асосий материал хисобланади. Ундан қурилиш ва иншоатларда, автомобилсозликда, вагонсозликда, кемасозликда, химия ва кўмир саноатида, қоғоз-целлюлоза, саноатида, фанер, мебел, спорт инвентарлари, гугурт тайёрлашда ва бошқа соҳаларда фойдаланилади.

Ёғочнинг кенг қўламда ишилдишига сабаб унинг техник хоссаларининг юқорилигидадир. Ёғочни ишлаш осон, вазни енгил, пухталиги юқори, иссиқлик ва электрни ёмон ўтказади, кислота ва ишқорлар таъсирида тез емирилмайди, кўпчилик ёғочларнинг ташки кўриниши чиройли бўлиб, пухта елимланувчи бўлади ва яхши пардозланади. Аммо ёғочнинг айrim камчиликлари ҳам бор: температура, намлик ўзгариши натижасида ёғоч қуриб тоб ташлайди, нам тотиб шишади, эшилиб-тобланади, ёрилади ва хоказо.

Ёғочнинг пухталиги, катталиги ва бошқа механик хоссалари, металлардаги сингари, турли йўналишда турличадир, ёғочнинг механик хоссалари нам таъсирида кескин камаяди. Ёғоч осон алангаланади, чиришга, хашоратларнинг емиришига қаршилик кўрсата олмайди. Бундан ташқари ёғочда айrim нуқсонлар ҳам бўлади, булар ёғоч сифатининг пасайишига олиб келади.

Ҳозирги кунда ёғоч ишлаш корхоналарида табиий ёғоч ўрнини олодиган янги тур ёғоч материаллар ишлаб чиқарилмоқда. Ёғоч ишлаш корхоналарида ҳосл бўладиган чиқиидилардан: appa тупони ва пайрахаларни пресслаш йўли билам тайёрланаётган ёғоч материаллар табиий ёғочларда учрайдиган хар қандай нуқсонлардан, камчиликлардаш холи, пухталик жихатдан устун бўлиб, айrim холларда металл ўрнини ҳам олмоқда (прессланган ёғоч маториаллардан хатто подшипник ва машина деталлари тайёрланади). Саноатда ишлаб чиқилаётган айrim прессланган ёғоч материллар қурилишда, мебел корхоналарида кенг ишилди.

Ишлаб чиқаришда хар қандай буюм тайёрлашда материалдан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш, тайёрланган буюмнинг сифатини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ишилладиган материалнинг турини, хусусиятини, унга ишлов бериш технологиясини

билиш талаб этилади.

Шунга кўра ўқувчиларни халқ хужалигини турли соҳаларида ишлатиладиган ёғоч материалларинг тузилиши, турлари, хоссалари, уларга ишлов бериш усуллари билан таништириб ўтамиз.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тузинг.

1. Ёғочдан қандай мақсадларда фойдаланилади?
2. Ёғоч чиқиндиларидан нималар тайёрланади?
3. Асосий ёғоч маҳсулотлари қайсилари?
4. Ёғоч берувчм дараҳт турлари қайсилари?
5. Ўзбекистонда ўсадиган ёғоч берувчи дараҳт турларини айтинг.
6. Ярим тайёр ёғоч маҳсулотлари қайсилар?
7. Ёғочдан маҳсулотлар тайёрлаш касблари қайсилар?

Мазкур топширикқа биноан ўқувчилар учун амалий иш ишлаб чиқинг?

Ўзингиз яшаётган худудда ўсадиган ёғоч берувчи дараҳт турларини аниқланг, уларни кўпайтириши ва парвариши қилиши қоидаларини ўрганинг.

3-§. Иш ўрни.

Ўқувчи иш ўрни ҳар қандай вахтсиз ҳодисанинг олдини олишга қаратилган ҳолда ташкил қилиниши керак.


Ҳар бир иш ўрни ўриндиқлар билан жиҳозланган бўлиши зарур.

Иш ўрни маҳсус мосламалар: тумбочка, сурилувчи қути, шкаф, асбоб учун стеллаж, ҳимоя кузойнаги, чизмалар ва ҳ.к. билан жиҳозланиши, уларнинг иш ўрнидан ташқарига чиқиб турмаслиги таъминланиши керак.

Иш ўрни ва йўлакларни материал, намуна, буюм ёки чиқитлар билан тўсиб қўйишга рухсат этилмайди.


Ўқув юрти раҳвари, устахона мудири, меҳнат таълими ўқитувчилари, шунингдек амалиёт ўташ жойидаги ишлаб чиқариш булинмаси раҳварлари ўқувчиларнинг соз, ишчи ҳолатидаги асбоблар билан таъминланиши, иш усулларини тўғри важариши учун масъулдир.

Асбоблар ускуна ёнидаги сақланиши мумкин бўлган қути, шкаф, машина конструкциясида кўзда тутилган ҳолда унинг ички қисмида маҳсус жойда сақланиши керак.



1-расм, а. Дурадгорлик ўкув устахоналарида иш ўринларининг тахминий жойланиш режаси:

7- ўқитувчининг иш ўрни; 2 — қўл ювгич; 3 — аптечка, 4 — асбоб-ускуна ва материаллар жовони; 5—кунда, 6—дастгоҳлар; 7—девор соати; 8-ўкув-кўргазма куроллари жовони; 9-бўёқчилик столи; 10, 11, 12, 13, 14— фрезерлаш, пармалаш, ёғоч ишлаш токарлик станоклари, рандалаш, арралаш станоклари; 15—чарх; 16— материаллар токчаси.



1-расм, б. Дурадгорлик ўкув устахоналарида иш ўринларининг тахминий жойланиш режаси:

1—кунда; 2—дастгоҳлар; 3-универсаль арралаш-рандалаш станоги; 4— пармалаш станоги; 5—ёғоч-токарлик станоги; 6—чарх; 7 —ўқитувчининг иш ўрни; 8 — қўл ювгич; 9 —

аптечка; 10 — асбоб-ускуна ва материаллар жовони; 11 — девор соати.

Верстакларда жойлаштирилган исказа ўқлари ўзаро масофаси бир метрни ташкил қилган ҳолда ўрнатилади. Верстак эни 0,75 м дан кичик бўлмаслиги, ўқувчиларни турли учқунлардан сақлаш учун бошқалардан тўсиб турувчи сим тўрдан тусиқлар ўрнатилиши керак.

Исканалар буюмни ишончли тутиб тура олиши, уларнинг сиқиб турувчи қисми деформацияланмаган бўлиши талаб қилинади.

Болға, кувалда ва бошқалар мухраси текис бўлиши, чукурча ёки ёрилган жойлари бўлмаслиги, мустаҳкам тутқичга эга бўлиши керак.

Болға ва кувалда тутқичлари қаттиқ, қайишқоқ ёғоч турларидан ишланади.

Юмшоқ, мўрт ёғочдан ишланган тутқичлардан фойдаланиш таъкиқланади.

Болға ва кувалда силлик, овал кесимли, тутиб туриладиган томони йуғонлашиб борадиган шаклда бўлиши керак. Тутқич юзаси силлик, текис бўлиши, ёриқ ва пайраҳалари бўлмаслиги керак.

Эгов, стамеска, appa ва бошқа шу каби асбоблар кейинги қисмига ёрилиб кетишининг олдини олувчи металлар ҳалқали тутқичлар ўрнатилади.

Тутқич узунлиги асбоб ўлчамига мос келиши таъминланади.

Асбоб оғирлиги ва улчами унда ишловчи ўқувчининг ёш хусусиятларига мос бўлиши лозим.

Қайд этилган асбоблардан тутқичи бўлмаган, носоз бўлган ҳолда фойдаланиш таъкиқланади.

Металга ишлов беришда учқундан сақланиш учун ҳимоя кўзойнаклари тақилади. Ишлаб чиқариш усталари ҳимоя кўзойнакларидан фойдаланишни назорат қилишлари керак.

Арралар туғри керилган ва чархланган бўлиши керак. Appa тутқичлари мустаҳкам ўрнатилган, силлиқлаб тозаланган бўлиши керак.

Рандалаш асбоблари текис, силлиқлаб тозаланган колодкаларга эга бўлиши керак.

Колодканинг кейинги қисми тумтоқланган тутқичи силлиқланган бўлиши керак. Рандалаш асбоби йуниш қисми тўғри чархланган, ёғоч колодкага мустаҳкам ва зич ўрнатилган бўлиши, ёрилган жойлари ва чукурчалари

бўлмаслиги керак.

Гайка калитлари гайка ва болт каллаклари ўлчамига тўғри келиши, ёрилган жойлари ва чуқурчалари бўлмаслиги керак.

Калитларни турли мосламалар билан узайтириш мумкин эмас.

Қўлда ташиладиган юк билан ишлашга машғулот вақтининг 3/1 қисми сарфланганда унинг оғирлиги меҳнат қонунчилигига кура: 15 ёшдаги ўғил болалар - 8,2 кг

Ўқув устахоналарининг табиий ва сунъий ёритилиш даражаси мактаб ва мактаб-касб хунар коллежлари учун белгиланган талабга жавоб бериши лозим. Ўқув хоналарида ёруғлик чап томондан тушиши, ўқув-ишлаб чиқариш хона иш ўринлари эса технологик талаб асосида ташкил қилиниши лозим.

Ёғоч ва металлга ишлов бериш устахонасида горизонтал юзаларнинг полдан 0,8 м валандликдаги сатхда ёритилганлик люминесцент лампа учун - 300 лк, чуғланма лампа, учун 150 лк, тикув устахонасида люминесцент лампа учун - 400 лк, чуғланма лампа, учун 200 лк, ўқув устахона, йўлакларда (полда) 100 лк ва 50 лк бўлиши лозим.

Эшик ва бошқа ёруғлик ўтказувчи туйнукларни буюм, ускуна, материал ва бошқалар билан тўсиб қуиши таъқиқланади.

Дераза ёнида буюм ва материалларнинг жойлаштирилиши устахонанинг табиий ёритилишига халақит бермаслиги керак.

Устахонадаги ускуналар иш ўрнини ёруғликдан тўсиб қўймайдиган қилиб ўрнатилади.

Дераза ойналари йилда камида икки марта тозалаб турилиши, тутун, дуд ва чанг кўпроқ чиқадиган хоналарда уларнинг ифлосланишига қараб йилига камида 4 марта тозаланиши лозим.

Устахона бинонинг қайси қаватида жойлашишидан қатъий назар дераза ойналарини ювишга ўқувчиларни жалб қилиш таъқиқланади..

Ойналар дераза ромида мустаҳкам ўрнатилган бўлиши ва тушиб кетишнинг олди олинган бўлиши керак.

Дарахтларнинг ўсиб кетган шохлари ойнани тўсиб қуймаслиги учун улар ўқувбиносидан камида 10 м масофада ўтқазилади. Бино яқинида ўсаётган

дараҳтлар ҳар йили ваҳор фаслида бутаб турилади.

Сунъий ёритиш умумий ёки комбинациялашган (умумий ва маҳаллий) бўлиши мумкин. Фақат маҳаллий ёритиш билан чекланишга йўл қуилмайди.

Умумий ёритиш лампалари полдан камида 3 м валандликда жойлаштирилади.

Маҳаллий ёритиш ускуналари қуввати 1000 ваттдан ошмаслиги ва 36 вольтдан юқори бўлмаган кучланишда ишлаши лозим.

Ишдан чиқсан ёриткич ёки ўтказгичлар шу вақтнинг ўзида алмаштирилиши ёки созланиши лозим. Лампа, ўтказгич, сақлагичларни алмаштириш электромонтёр томонидан важарилади. Бу ишларни важариш ўқувчиларга топширилмайди.

Ёритиш ускуналарнинг электрқисми электр ускуналарни ўрнатиш қоидаларига жавоб бериши талаб қилинади.

Ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ва ёрдамчи хоналар ҳаво алмаштириш ва иситиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак. Ҳаво алмаштириш табиий, механик ёки аралаш бўлиши мумкин, у санитария меъёрида кўзда тутилган ҳаво алмашинуви, ҳарорат ва ҳаво таркибини таъминлаб бериши лозим.

Метал ва ёғочга ишлов бериш устахоналарида ҳаво алмашинуви 1 кишига $20 \text{ м}^3/\text{соат}$ ни ташкил қилиши керак. Чанг ажралиб чиқиши билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнлар (электр чарх, пардозлаш дастгохи) унинг чиқиб кетиши ёки тутиб қолинишини таъминловчи мосламалар билан таъминланади.

Ҳаво алмаштириш ускуналари ҳамма вақт ишчи ҳолатда бўлиши, уларни ишлатиш учун жавобгар шахсларнинг доимий назоратида бўлиши лозим.

Ҳаво алмаштириш ускуналари режали равишда таъмирлаб, ростлаб турилиши, даврий санитария ва техник синовдан ўтказилиб, ишларнинг варчаси маҳсус дафтарда қайд этиб борилади.

Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида металл радиаторли марказий иситиш тармоғидан фойдаланиш тавсия этилади.

Иситиш ҳароратининг бир меъёрда бўлиши, ростлаб туриш имкониятининг бўлиши, умумий тармоқقا улаш ёки узиш ускуналарининг ишчи ҳолатда

бўлиши талаб қилинади.

Ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш устахоналарини иситиш мақсадида вақтингчалик чуян печлар ёки техник талабларга жавоб бермайдиган бошқа ускуналардан фойдаланиш таъқиқланади.


Металга ишлов бериш устахонада оптимал температура $15\text{-}16^0$ С, ёғочга ишлов бериш устахонада $14\text{-}15^0$ С бўлиши лозим.

Эшиклар мажбурий ёпилишни таъминловчи мослама (пружина, пневматик қурилма ва б.)га эга бўлиши керак.

Ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш устахона деразалари ҳаво алмаштирадиган қурилмалар мавжуд бўлишидан қатъий назар алоҳида очиладиган дарча ёки бош а шамоллатиш қурилмасига эга бўлиши керак.

4-§ Ёғочнинг тузилиши.


Ёғоч деб дарахтнинг танаси, бутоқлари, новдалари ва илбизларининг асосий қисмини ҳосил қилувчи қисмига айтилади. (2-расм). Дарахтнинг ёғоч ҳосил қилувчи танаси ўзак, ёғочлик тола, пўстлоқдан иборат бўлади. Ёғоч дарахтнинг сув ва унда эриган минерал тузлари ўтказувчи мураккаб тўқимасидан иборат. Бу тўқималар тупроққа илдизлар орқали олинган моддаларни дарахт танаси орқали баргларга ҳамда баргларда ҳосил бўлган моддаларни дарахтнинг бошқа моддаларига етказиб беради.



2-расм. Ўсиб турган дараҳт қисмлари.

а) ўсиб турган дараҳт, б) 13-ёшли дараҳт танасининг шаклланиш схемаси.

Шу билан бирга ёғоч тўқималари ўзида тегишли моддаларни тўплаб ўсиб боради. Ёғочнинг ўсиши унинг кўндаланг қисмидаги йиллик халқаларидан кўринади. (3-расм).



3-расм. Тананинг кўндаланг қирқими.

Бу халқалар сони шу ёғочнинг ёшини билдиради. Хар бир дaraohтнинг ёғочи унинг оғирлигини кўтариб туриш, турли таъсирларга чидамлилигини таъминлаш вазифаларини ҳам бажаради. Дaraohтнинг танаси, бутоқлари, шоҳлари, новдалари ва илдизи унинг ёғоч қисмини ташкил қиласи. Дaraohтнинг танаси унинг асосий йўғон ёғоч қисми бўлиб, илдизлар билан барглар орасидаги модда алмашинувини таъминлаш ҳамда дaraohтнинг ердан устки қисмини кўтариб туриш вазифаларини бажаради. Бутоқлар дaraohт танасининг турли томонларга қараб ўсиб чиққан қисмлардан иборат. Шоҳлар бутоқларнинг турли томонларга қараб ўсиб чиққан қисми бўлиб, улар ўсиш новдалари билан тугалланади. Новдалар ва шоҳларда дaraohт барглари ва мевалар ўсади. Илдизлар дaraohтнинг тупроқ орқали озиқланишини ҳамда ерга мустахкам ўрнашишини таъминлайди.

Ёғочгозлик ишларида асосан дaraohтнинг танасини ҳосил Қилувчи қисмидан фойдаланилади. Дaraohтнинг илдизлари ва айрим шоҳларидан қизиқарли шаклдаги безак буюмлар ясашда фойдаланилади. Айрим дaraohtlарнинг эгилувчан ва тўғри ўсан новдалари саватчиликда ва бошқа буюмлар ясашда ишлатилади. Турли дaraohtlарнинг илдиз қисмидан бадиий ҳайкаллар ясашда кўп фойдаланилади.

Ёғочли ўсимликларни бутасимон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг танаси ер сатхидан бошлаб кўп сонли ён шоҳлари ҳосил қилиб ўсади ва йўғон ёғочли тана ҳосил қилмайди. Буларга ирғай, тўранғи, дўлана, четан лигустурум (жонли девор ҳосил қилувчи ўсимликлар) ва бошқалар киради. Уларнинг новда ва шоҳларидан турли буюмлар ясашда фойдаланилади.

Маълумки, барча турдаги ёғоч - тахта материаллар дaraohтдан олинади. Шунинг учун ўқувчиларга дaraohт тузилиши, унинг қисмлари билан таништириб, улардан қандай материал олинади ва қандай мақсадларда ишлатилиши ҳақида тушунча бериш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай ўсиб турган дaraohт уч қисмдан: илдиз, тана ва шоҳлардан

иборатдир. (2-расм). Илдиз дарахтнинг ўсиши учун керак бўладиган асосий қисмлардан биридир. Илдиз ўз шакли, катта-кичиклиги, сони ва ерга жойлашишига қараб турли дарахтларда турлича бўлади. Шунга қарамасдан барча дарахтларнинг илдизида асосий томирлар бўлиб, улар кўпинча асосий-ўқ томирлардан иборат бўлади, улар тананинг давомини ташкил этади. Бундан кўринадики, қалин экилган дарахтларнинг ўқ томони ривлжланган бўлади. Сийрак ва якка тартибда ўсган даратларнинг илдизи ерга тик кетмасдан ер бетини қоплаб тарқалади. Чунки якка ва сийрак ўсган дарахтлар шамол таъсирида ўз мувозанатини сақлаш мақсадида паст бўйли, илдизи ер бетини қоплаб тарвақайлаб ўсади.

Дарахт илдизида ўқ томирлар, ён томирлар шунингдек ришта томирлар бўлади. Ришта томирларда майда кўзга кўринмас капиляр найчалар бўлиб, улар орқали ердан олинган ва дарахтнинг ўсиши учун керак бўладиган сув ва озуқа моддалари сўриб олинади. Илдиз орқали олинган озуқа моддалари тана орқали шохларга ўтади.

Дарахтнинг ўқ томири тўғри ва катта бўлиб, улардан кўпинча ёғоч ишлаш токарлик станоклари учун материал сифатида фойдаланилади.

Пўстлоқ-ташқи ва ички қатламдан иборат бўлиб, тана хажмининг 6-25% ча қисмини ташкил этади. Пўстлоқнинг ташқи қисми пўк қатlam, деб аталадиган қаттиқ қатламдан иборат. У ёғочни ҳар хил ташқи таъсиrlардан: иссиқ-совуқдан, механик таъсиrlардан, зааркунанда хашоратлардан сақлайди. Пўстлоқнинг ички қисми луб қатлами дейилади. Луб кўзга кўринмайдиган майда толалардан иборат.

Пўстлоқнинг қалинлиги тананинг турли қисмида турлича бўлади. У тананинг уч қисмида юпқа бўлиб, патга тушган сайин қалинлашиб боради. Бундан ташқари дарахтларнинг пўстлоғи ташқи кўриниш жихатдан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Ёш дарахтларнинг пўстлоғи силлиқ ва юмшоқ бўлади, тана йўғонлаша борган сайин пўстлоқ ёрилиб дағаллашади ва катталиги орта боради.

Ҳар қандай дарахтнинг пўстлоғи ташқи тузилиши билан бир қаторда ранги билан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Дарахтларнинг пўстлоғи оқ тусдан

тўқ-жигар рангача ўзгаради.

Крим ва Кавказда, узоқ Шарқ ва Сахалинда ўсадиган пробкали эман дараҳтининг пўстлоғи қалин бўлиб, улардан пробкалар, иссиқлик изоляцион плиталар тайёрланади.

Камбий- Камбий луб билан ёғоч орасига жойлашган майин ва ширали қатлам бўлиб, утирик хужайралардан иборат.

Камбийни қуролланмаган кўз билан ажрата олиш қийин. Уни баҳорда танадан пўстлоқни шилиб олиш билан кўриш мумкин. Бу вақтда камбий хужайраларининг бузилиши натижасида ширали, шиллиқ парда-суюқлик ажралиб чиқади.

Камбий луб орқали шоҳдан келувчи озуқа билан озиқланади. Дараҳтнинг ўсиши камбий хужайраларининг иккига бўлиниши орқали рўй беради. Улардан бири камбиаль ажралиб чиқувчи хужайраларнинг кўп қисми ёғочликка ўтиб, пўстлоққа оз миқдордагина ўтади. Бунинг натижасида ёғочнинг ўсишига қараганда рўй бериб, ёғоч ва пўстлоқнинг хажми пропорционал равишда ўсмайди. Бу эса дараҳтнинг ёши орта борган сайин пўстлоқнинг пўк қатлами ning ёрилишига сабаб бўлади.

Камбий ўсаётган дараҳт учун ҳаётий манба ҳисобланади.

Ёғочлик – тананинг ёғочлик қисми пўстлоқ ости, мағиз ва ўзакдан ташкил топган. (3-расм). Камбий хужайраларининг ривожланиши эрта баҳорда астасекин бошланиб, ёзда тезлашади, кузда сусая боради. Камбий хужайраларининг бу хилда ривожланиши натижасида йиллик халқалар ҳосил бўлади. Чунки баҳор фаслида камбий хужайраларининг тананинг ёғочлик қисмига ўтадиган миқдори кўп бўлиб, улар йирик ва юпқа пўстлоқли бўладилар. Натижада ёғочликнинг баҳор фаслида ҳосил бўлган қисмида ғовак тўқима активлиги сусаяди, хужайралар майдалашиб, қалин пўстлоқли бўла боради ва зичлиги ортади. Оқибатда ёз фаслида ҳосил бўлган ёғочнинг қаттиқлиги юқори бўлади. Ёғочликка ўтган камбий хужайраларининг зичлиги кам бўлган қисми очроқ тусга эга бўлади, зичлиги ортиқ бўлган қисмининг ранги қорамтири бўлади. Бу ҳол дараҳтнинг усиш даврида ҳар йили такрорланиб, ўз навбатида йиллик халқаларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Ёғочнинг кўндаланг қирқими

бўйича қараганда йиллик халқалар айлана шаклида, радиал қирқими бўйича тўғри чизиқлар кўринишида ва тангенталь қирқими бўйича қараганда учи шох томонга қараган бурчаклар шаклида кўринади. Дарахтнинг ёши орта борган сайин эски йиллик халқаларнинг зичлиги ва қаттиқлиги орта боради. (З-расм). Пустлоққа яқин жойлашган йиллик халқаларнинг зичлиги кам, ғовак бўлиб, у орқали илдиздан олинган озуқа моддалар пастдан юқорига қараб кўтарилади.. агар магзининг ранги пўстлоқ ости қатламининг рангидай фарқ қилмаса дарахт етилган хисобланади.

Ўзак - танани кўндаланг қирқими бўйича караганда унинг ўртасидан силлиқ доирани кўриш мумкин. Бу ўзак бўлади. Ўзак нозик, тез чирийдиган бўлади. Чириш узакдан бошланса, пўстлоққача тарқалиб дарахтни пўк қилишгача олиб келади. Ўзак ғовак хужайралардан иборат бўлиб, у бутун тана буйлаб ўтади. Ўзакдан пустлоққа қарб ўзак нурлари ўтади.

Пустлоқдаги озуқа моддалари ўзак нурлари орққали тананинг ички қатламига ўтади. Ўзак нурлари ҳамма дарахт турларида бўлиб, шакли ва жойланишларига кўра улар бир — биридаи фарқ қиласди. Ўзак нурларини тананинг хар қандай қирқими бўйича кўриш мумкин. Бирламчи деб аталувчи ўзак нурлари ўзакдан бошланиб, пўстлоққа қадар давом этади, иккиламчи доб аталувчи ўзак нурлари ўзакдан турлича масофада бошланиб, пўстлоққа қадар етиб боради. Ўзак нурларининг эни 0,005:1 мм атрофида бўлади. Радиаль қиркимда ўзакдан пўстлоққа томон йуналган энсиз чизиқлар кўринишида, тангенталь қирким бўйича узик — узик чизиқлар кўринишида, кўндаланг қиркимда радиус бўйича йўналган чизиқлар кўринишига эга бўлади.

Мазкур саволларга ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғоч деб нимага айтилади?
2. Дарахтнинг қайси қисмларида ёғоч ҳосил булади?
3. Дарахтнинг ёғоч тўқималари қандай вазифаларни бажаради?
4. Ёғочнинг кўндаланг халқаларидан нималарни биласиз?

5. Дарахтнинр илдизидан нималар тайёрланади?

6. Бутасимон ўсимликлар ёғочидан нималар тайёрланади?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.


1. Айрим дарахтларнинг умумий шаклини ва алохida қисмларининг қандай шаклда ўсишини аниқланг?

2. Турли дарахтларга тегишли кўндаланг ҳалқаларни кузатиб, уларнинг нималарни билдиришини аниқланг.

5 - § Ёғоч турлари

Ёғоч турлари улар олинадиган дарахтларга қараб фарқланади. Ҳар бир дарахтнинг ёғочи бир — бирига нисбатан қаттиқ — юмшоқлиги, оғир — енгиллиги, зичлиги, турли таъсирларга чидамлилиги, ишлов беришга қуайлиги, кўриниши, ранги ва бошқа белгилар билан фарқланади. Ёғоч олинадиган дарахтлар игна баргли ва япроқли (баргли) турларга ажратилади. Игна баргли дарахтларга қарагай, пихта, тилоғач, арча, кедр, сари, тис киради. Бу дарахтларнинг ҳар бири ўз навбатида бир неча турларга бўлинади. Масалан, дунёда қарағайнинг 100 га яқин тури, пихтанинг 40 га яқин тури, тилоғочнинг 20 дан ортиқ тури, арчанинг 45 га яқин тури, кедрнинг 4 тури, сарвнинг 20 га яқин тури, тиснинг 10 яқин тури маълум.

Қарағай, пихта, тилоғоч кабилардан асосан турли ўлчамлардаги тахталар, тўсинлар, рейкалар тайёрланади. Бундай ёғоч материаллардан иморатлорнинг зарур қисмларини ясаш, эшик ва деразалар ҳамда бошқалар турли ёғоч буюмлар тайёрлашда фойдаланилади.



4-расм. Ёғоч турлари ва текстураси.

Игна баргли қарағай ва пихта юмшоқ қолғанлари қаттиқ ёғоч беради. Япроқли дараҳтлар ҳам юмшоқ, қаттиқ ёки мұрт ёғоч ҳосил қиласы. Улардан иморатсозликда ва турли буюмлар ясашда фойдаланилади. Масалан, теракнинг бир тури бўлган тоғтерак ёғочидан гугурт, чанғи, бўчкалар тайёрлашда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Япроқли дараҳтларнииг қаттиқ ёғоч берувчи турларидан Ўзбекистонда ёнғок, нок, тут, қайрағоч, ўрик, шафтоли, заранг, жўка, бук, акация ва бошқалар ҳам да мұрт ёғоч берувчи турларидан чинор, эман кабилар ўсади. Улар мебель ва бошқа буюмлар ясашда, улар ёғоч ўймакорликда ишлатилади.

Ҳар қандай ёғочнинг ишлатилиши унинг физик ва механик хоссаларига, ишлатилиш шароитига, миқдорига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Техниканинг тараққий этиши натижасида ёғоч материаллардан фойдаланиш соҳасида доимий ўзгаришлар рўй бермоқда. Яқин кунларда ҳам ёғоч асосий қурилиш материали хисобланади. Қурилиш ва иншоатларда йиғма темир бетон конструкцияларнинг ишлатилиши ёғочга бўлган эхтиёжни анча камайтиради. Шунга қарамасдан, ёғоч целлюлоза саноатида хозирги вактда асосий материал хисобланади.

Шунингдек айрим ёғочларнинг хўжалик аҳам ияти ортиб бормоқда. Оқ қайнин яқин йилларгача факат ўтин сифатида ишлатилиб келинган бўлса, хозирги кунда фанер ишлаб чиқариш корхоналарида ва саноатнинг бошқа соҳаларида қимматбаҳо материал хисобланади.

Ҳам ма ёғочлар улар олинадиган дараҳтларнинг турига қараб баргли ва нина баргли группаларга бўлинади.

Қурилишларда кўпинча нина баргли қарағай, арча, пухта, кедр каби дараҳтлардан олинган ёғочлар ишлатилади.

Бир қатор афзалликларига кўра нина баргли дараҳтлардан олинган ёғочлар қурилиш ва дурадгорлик ишларида асосий материал хисобланади. Унинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: нина баргли ёғочларнинг таркибида смолали моддалар бўлгани учун хизмат муддати узок бўлади, чиримайди. Нина баргли ўрмонлар баргли ўрмонларга қараганда кўп, нина баргли ёғочлар баргли дараҳтлар ёғочларига қараганда

енгил бўлгани учун бир жойдан иккинчи жойга ташиш осон. Нина баргли дараҳт ёғочлари баргли дараҳт ёғочларидан юмшоқ бўлгани учун уларга ишлов бериш осон.

Нина баргли дараҳтларнинг танаси тўғри, силлиқ бўлиб, улардан яхши сифатли хода тайёрланади.

Қурилиш ва дурадгорлик ишларида нина баргли дараҳт ёғочлари билан бир қаторда баъзи баргли дараҳт ёғочлари ҳам ишлатилади. Масалан эман, шумтол, аргувон, терак, чинор, зирк на бошқалар. Эман дараҳтининг зичлиги ортириқ, пухта ва қаттиқ чиройли текстурали, нам таъсирига чидамлилиги билан бошқа ёғочлардан ажralиб туради.

Ўсиб турган дараҳтларнинг турини уларнинг пустлоғига, шохларнинг тузилишига ва баргларига қараб фарқлаш мумкин. Қурилиш ва дурадгорликда ишлатиладигап холда, тўсин ва тахта холидаги ёғоч материалларнинг турини уларнинг рангига, таъбий гулига, хидига, товланишига қараб аниқланади.


Куйидаги қурилиш ва дурадгорликда ишлатиладиган баъзи баргли ва нина баргли ёғочларнинг турлари, ташқи белгилари ва хоссалари билан танишиб ўтамиз. (5-расм)

ҚАРАҒАЙ-(сосна) Қарағайнинг пўстлоғи қалин, тўқ жигар ранг, ёғочли оқ — қизғич рангли, тўғри қатlamли, енгил, пухта, смолали бўлиб, намга чидамли, йиллик халқаларини аниқ қўриш мумкин.

АРЧА -Арча дараҳтининг пустлоғи қалин, қорамтири кул ранг бўлиб, ёғачи сербутоқ бўлганлиги учун ишлаш қийин. Майин қатlamли бўлгани учун ўзак нурлари кўринмайди. Кам смолали, нам таъсирига чидамсиз. Арча қурилишда, цељлюоза— қофоз саноатида, оддий мобеллар, тарралар тайёрлашда ишлатилади.

ТИЛОГОЧ- Тилоғочнинг пўстлоғи қалин, қорамтири — сарғиш рангли бўлади. Ёғочи майин қатlamли, йиллик халқалари аниқ билинадиган, қизғиши жигар ранг, қарағайга қараганда пухта бўлади. Ортиқча смолали бўлгани учун ишлаш қийин. Уни гидротехник иншоатларда, ер ости қурилишларида, шпал тайёрлашда фойдаланилади. Қурилиш ва

вагонсозликада эман ёғочининг ўрнида ишлатса бўлади.



Оқ қарағай

Эман

Финик


5^A-расм. Ёғоч турлари

ОҚ ҚАРАҒАЙ — (пихта). Оқ қарадай пўстлоғи юпқа, силлик кул ранг товланади. Ёғочи оқиш, билинар — билинмас қорамтири дагал юмшоқ енгил бўлиб, осон ишланади. Ундан кўпипча қофоз саноатида ва тарралар тайёрлашда фойдаланилади.

КЕДР — Кедрнинг пўстлоғи қалин, чатнаган, қўнғир тусли. Ёғочи енгил, юмшоқ, осон ишланади, рангли ва табиий гулли чиройли, йиллик халқалари барча қирқимлардан аниқ кўринади. Ундан курилишда, дурадгорликда қарағай ва арча билан бир қаторда фойдаланилади, қалам тайёрланади.

ЗИРК — (ольха) Қора зиркнинг пўстлоғи қорамтири тусли, қалин, чатлангап бўлиб оқ зиркнинг пўстлоғи тиник ва силлик, бўлади. Ёғочи оқиш, очик хавода тезда қизариб кетади, тез қурийди: юмшоқ, енгил бўлади, осон ишланади, намга чидамли, йиллик халқалари аниқ бўлинниб туради. Зирк ёғоч бўёқни яхши олади, уни қизил ёғоч, ёнғоқ бейзи тезоб

билин заранга ўхшатиб ишлаш осон. Зиркнинг катта камчилии уни тез қурт ейишидир. Ундан арzon мебеллар, фанер ва тарралар тайёрланади.



Шамшод

Арғувон

Қайин

5^Б-расм. Ёғоч турлари.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғоч турлари қайси белгилари билан фарқланади?
2. Нина баргли дараҳтлар қайсилари?
3. Юмшоқ ёғочли нина баргли дараҳтлар қайсилари?
4. Япроқли дараҳтлардан қайсиларининг ёғочи юмшоқ?
5. Қаттиқ ёки мўрт ёғочлардан иималар ясаш мумкин?

Мазкур топширикқа биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Махаллий дарахтларнинг ёғочларидаи нималар ясаш мумкинлигини аниқланг?

6 - §. Ёғочнинг умумий хоссалари.

Ёғоч дарахтни ҳосил қилувчи асосий материал бўлиб, дарахт танасидаги сув ва бошқа моддаларни керакли йўналишларда ўтказиб туриш хусусиятига эга, ҳам да узига тушаётган оғирликни кўтариб туриш вазифасини бажаради. Дарахт кесилгандан кейин ёғоч тукималари орасидаги сув харорат таъсирида ташқарига чиқиш натижасида ёғоч Қурий бошлайди. Бунда сув ёғочнинг ҳамма тўқималари орасидан бир текисда ва бир хил вақт оралиқларида чиқиб турса, ёғоч танаси ёрилмасдан қурийди. Агар аксинча ёғочнинг бирор қисмидаги тўқималари орасидан сув кўпроқ, бошқа қисмидан эса камроқ ташқариго чиқа бошласа ҳамда бундан ташқари, ёғочнинг турли қисмларидаги сув ташқарига бир вақтда чиқмаса, ёғоч танаси бир текис қуримайди. Бунинг натижасида ёғоч танасида ёриқлар пайдо бўлиши, ёғочнинг буралиш ёки букилиш ходисалари келиб чиқади. (6-расм).



6-расм. Ёғочнинг ёрилиши.

Бундай холларнинг олдини олиш учун ёғочни тўғри қутиши қоидаларига риоя қилинади. Бунинг учун хўл ёғочни тўғри холатда керакли оғирликдаги юк билан бостириб қуиши ва унинг сиртига хаво оқими бир текисда тегадиган бўлишини таъминлаш ҳам да тўлик қуригинча шундай холатда сақлаш керак.

Бундан ташқари агар ёғочни бирор буюмни ясаш учун керакли шаклда етарли холатга келтириш лозим бўлса, хўл ёғочни керакли шаклини ҳосил қилган холатга келтириб, тегишли оғирликдаги юк билан бостириб ёки тегишли мосламалар билан махкам унинг сиртига хаво оқими бир текисда бўлишини таъминлаб, қуриганча шундай холатда сақланади.

Сув, тупроқ ҳаво ва бошва муҳитлардаги заарли микроорганизмлар ёғочнинг сирти ёки оралиқ туқималарига тушса, уларнинг таъсиридан ёғоч чирий бошлайди. Шунинг олдини олиш учун ёхғочни қуруқ ҳолда сақлаш унга айрим химиявий моддалар шимдириш орқали чидамлилигини ошириш ёки ёғоч сиртини алифлаш, локлаш ҳамда турли буёқлар билан бўяш каби усувлар қўлланилади. Ёғочга ушбу кўп усувларда ишлов бериш мумкинлигидан иборат. Ёғоч турли кучлар таъсирида эгилиш ва сиииш хусусиятига эга. Бунинг олдини олиш учун ёғочга қандай кучли таъсир қилиши мумкинлигини олдиндан хисобга олинади ва етарли даражада қалин ёки йўғон ҳам да шу мақсадда энг чидамли ёғоч турини танланади.

Ёғоч ишқаланишга яхши чидамли эмас. Шунинг учун турли асбоб-ускуналарнинг ишқаланишига учраб ишлайдиган қисмларини ёғочдан кўра чидамлироқ бўлган бошқа материаллардан тайёрланади. Қаттиқ ёғоч турларидан бири бўлган қайрағочдан арава ғилдирагининг гупчаш ва бошқа қисмлари ясалади. Ёғочнинг қаттиқлиги унга бошқа қаттиқ жисмнинг ботишига қаршилик кўрсатиши даражаси билан белгиланади. Ёғочнинг қаттиқлигини аниқлашнинг энг оддий усули унга мих қоқиб кўришдан иборат. Оддий михни қайрағоч, эман, шамшод, нок, акация каби қаттиқ ёғочларга қоқиб бўлмайди, тол, терак, қарағай каби юмшоқ ёғочларга эса асосан қоқилади.

Ҳамма ёғоч турлари яхши ёнадиган материал хисобланади. Шунинг

учун ёғочдан тайёрланган махсулотларни ёнғиндан сақлаш чоралари кўрилади. Устахонада ёнғин чиқишига қарши барча талабларни вақти билан бажариб бориш шарт.

5-Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғочнинг ёрилмасдан қуриши нимага боғлик?
2. Нима учун ёғоч буралиб ёки букилиб қолади?
3. Ёғочни тўғри қуритиш учун нима қилиш керак?
4. Ёғоч нима таъсирида чирийди?
5. Ёғочни чиришдан сақлаш усуллари қайсилар?
- б. Ёғочни турли кучларга чидамли бўлиши нималарга боғлик?
7. Ёғочни ёнғиндан сақлаш қоидаларини айтинг?

Мазкур. Топшириққа биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Ҳар хил ёғочларнинг бир-бирига нисбатан фарқини, мих қоқиши, арралаш, сув симдириш ва бошқа усулларда аниқланг.

7-§. Ёғочнинг сифатини аниқлаш.

Ёғочнинг сифатини кузатиш ва синаб қўриш усуллари билан аниқланади. Кузатиш орқали ёғоч олинадиган дaraohтнинг танаси ва бутоқлари қанчалик тўғри, бир текис йўғонликда эканлиги ҳамда соғломлиги аниқланади. Кўп дaraohтларнинг танасидан энг асосий ёғоч олинади. Дaraohтнинг ёғоч олинадиган қисмлари қанчалик тўғри, узун ва текис йўғонликда ҳам да соғлом бўлса, шунчалик юқори сифатли бўлади. Бунда ёғоч танасидан ёнга бутоқ ва шохлар кўп ўsgan бўлса, бунда ёғочнинг пўст жойлари кўп бўлиши натижасида ёғоч сифати пасаяди. Танаси букилиб ёки буралиб ўsgan, тўғри ёки калта бўлган дaraohтнинг ёғочи керакли мақсадларда фойдаланиш учун япроқсизлиги сабабли паст сифатли хисобланади. Шу билан бирга бу дaraohтларнинг ёғочи хар турли майдабуюмлар ясаш учун қулай бўлган холда шундай мақсадларга япроқли даражадаги сифатли ёғоч деб хисобланади.

Кузатиш усуллари ёғочнинг сифатини белгилашдаги энг асосий кўрсаткич

ундан тайёрланмоқчи бўлган буюм катталигига мос бўлган соғлом қисми бо ёки йўқлигини аниқлашдан иборат. Ёғочнинг кўндаланг ва бўйлама қисмларини кузатиш орқали унинг ички қисмлари чиримаганлига ёки бошқа турдаги заарланишга учрамаганлига, ҳам да ранги ва гулдорлиги қандай эканлиги аниқланади.

Синаб кўриш усули билан ёғочнинг қаттиқ-юмшоқлиги, зичлиги, ҳамда хар турли ташқи таъсирларга чидамлилиги аниқланади.

Ёғочнинг қаттиқлигини унга ўзидан қаттиқ буюмларнинг учини, тифини, қиррасини маълум миқдордаги кучлар билан ботириб кўриш орқали, аниқланади. Бунда хар бир мақсад учун ишлатиладиган энг қулай қаттиқликдаги ёғоч сифатли хисобланади.

Ёғочнинг қанча оғирликни эгилмасдан кўтариб тура олишини, ундан иморатлар, кўприклар ва шу кабилар қуришда асосан тажриба йўли билан ҳамда тегишли ҳисоб-китоблар орқали аниқланади. Бундай тажриба ва ҳисоб китоблар асосида хар бир мақсад учун қандай йўғонликдаги ва узунликдаги ёғочни ишлатиш кераклиги аниқланади.

Ёғочнинг ва ёғоч материалларининг қуриши жараёнида букилиб, буралиб кетиши уларнинг ишига яроқлилигини ҳамда сифатини пасайтириб юборади. Бунинг олдини олиш учун ёғочни қуритиш қоидаларига тўлиқ риоя қилиш лозим.

Булардан ташқари ёғочнинг сифатини унинг зах ва намлигига, сувда ва заарли микроорганизмларга ҳамда ёғочни кемирувчи қуртларга чидамлилик даражаси билан ҳам белгиланади.

Ёдғочнинг шундай заарли таъсирларга чидамлилигини ошириш учун унга хар турли химиявий ҳамда таъбиий моддалар шимдирилади, уни локланади, бўялади.

Дурадгорлик ўқув устахоналаридаги машғулотларда нам ёғочлардан буюмлар ясаш тавсия этилмайди. Шунинг учун уларни дастлаб қуритиш лозим. Аммо ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёғочлар маълум даражада нам бўлади. Сув ёғоч хужайраларининг деворчалари орқали сингиб, уларнинг ичи ва ораларига жойлашади. Хужайра деворчаларига шимилгани сув гигоскопия

сув, хужайраларнинг ичи ва орасига синган сув эркин томчи деб аталади.

Ёғочнинг намлиги лаборатория шароитида асосан икки усулда унинг нам ва қуритилган холдаги оралигини ўлчаш ёки намликни ўлчайдиган асбоб-электр нам ўлчагич ёрдамида аниқланади.

Ёғоч намлигини тортиш йўли билан аниқлаш учун тахта ёки гулларнинг учидан 0,5 см қисми кесиб ташланади, қолган қисмидан 10-15 мм қалинликда бутоқсиз ва бирон нуқсонсиз намуна арралаб олинади. Уни тозалаб техник тарозида 20 мг аниқлик билан тортилади. Сўнг қуритиш шкафида 100-105⁰ с температурада қуритилади. Намуна биринчи марта олти соатдан сўнг тортиб қуритилади, ундан кейинги тортишлар хар 2 соатдан такрорланади. Қуритиш намунанинг оғирлиги ўзгармай қолгунча давом этади. Ёғочнинг намлиги ундаги сув миқдорининг мутлоқ қуруқ ёғоч оралиғига ёки зичлигига нисбатан орқали аниқланиб, фоизларда ифодаланадиган катталиқдир.

Ёғоч намлигин аниқлашнинг иккинчи усулидан фойдаланиб, ёғоч намлиги нам ўлчагич ёрдамида қисқа вақт ичida аниқланади.

Асбобнинг ишлаш принципи ёғочнинг элект ўтказувчанлигига асосланади. Ёғочнинг намлиги қанча юқори бўлса, у электр токини шунча яхши ўтказади. Мутлоқ қуруқ ёғоч электр токини ўтказмайди.

Ёғоч қуритилганда аввал ундаги эркин сув, кейин гигроскопик сув буғланади. Ёғочлар таъбий ва суний усулларда масалан очиқ хавода, илдизда, ёпиқ хоналарда, маҳсус жихозланган камераларда қиздирилган хаво билан қуритилади. Очиқ хавода қуритиш усули қуритилиши лозим бўлган ёғоч материални очиқ хавода тўғри сақлашдан иборат бўлиб, бунда ёғоч хаво таъсирида секин-аста қурийди.

Дарахтни илдизи билан қуритишда унинг пастки қисмидаги пўстлоғи периметри бўйлаб кесиб қўйилади. Пўстлоқ орқали шоҳ ва баргларга озиқ моддалар ўтмай қолиши натижасида дарахт қурийди.

Ёғочни таъбий ва сунъий усулда қуритиш қуйидаги принципга асосланган. Қуритилаётган ёғоч атрофидан, ораларидан эсан иссиқ қуруқ ёки шамоллатиш вақтида эсан қиздирилган хаво ёки ёғоч таркибидағи намликни олиб кетади. Хаво оқими қанча қучли бўлса, ёғоч шунча тез қурийди.

Ёғочларни қуритишда қуритиш режими катта аҳам иятга эга, температурани, намлиқ ва хаво оқимини бошқариш билан ёғочнинг ёрилмасдан, тоб ташламасдан кўришни таъминлаш мумкин.

Ёғоч материалларини таъбий ҳолда қуритиш ва сақлаш ГОСТ га муофиқ бажарилади. Таъбий қуритишда ёғочлар тўғри ҳолда сақланади. Бунда:

1. Ёғоч сақланадиган жой майдонининг атрофи ва усти нишаб бўлиб, ёғин - сочин сувлври тўпланмаслиги керак.
2. Ёғоч материаллари тагида ва атрофида пойраха, арра тупони, чириган тараша, ёки дарахт пўстлоғи ва ахлат бўлмаслиги керак.
3. Ёғоч сақланадиган омбор ёки иморатлар майдонидан камида 50 м узокликда бўлиб, панжара ёки сим тўсиқ билан ўралган бўлиши лозим.
4. Ёғоч материаллар махсус пойдеворга ўрнатилган тагликка тахланиши зарур. Уларнинг шу тарзда тахланган тури штабель деб аталади.
5. Штабеллар остига кўйиладиган ёғоч таглик антисептик моддалар билан бўлиши керак.

Тагликлар штапелларнинг тури, ўлчамларига қараб тайёрланиб, баландлиги 50 см дан кам бўлмаслиги керак.

Баргли дарахтлар ёғочларидан тайёрланган тахта материаллар штапелларга 1,5 — 2 м, баландлиги 8-11 м тахланади. Тахталар орасига паст сифатли тахталардан қистирма-кўйиб кетилади. Тахталар орасига кўйиладитан пона штабель ости тўсинининг устига бир йўналишда тик жойлаштирилиб борилади.

Баргли катталик дарахт ёғочларидан тайёрланган тахталар штабелга 5—10 см тахланади. Штабелнинг баландлиги, таглигининг кенглигига қараб, 6 м дан ошмаслиги керак.

Тахталарнинг ёғин — сочин, қуёш таъсиридан сақлаш мақсадида штабелларнинг усти паст сортли тахталар билан нишаб қилиб ёпилади. Тахта кўпинча сиртига қараганда ичидан тез ёрилади. Шунинг учун таъбиий йўл билан қуритишда ёрилишнинг олдини олиш мақсадида тахталарнинг кўндаланг қирқимиға охак, лой, махсус эритма чапланади

ёки суртиб қоғоз ёки мато ёпиштирилади. Шунингдек, тахталарни тахлашда юқори қаватдаги тахталар пастки қаватдагиларга соя берадиган қилиб тахланади. Таъбий қуритиш материалларининг қалин —юпқалигига, ёғоч турига, намлигига, температурасига, йил фасллариға қараб 7 кундан 7б кунгача, баъзан йил бўйи давом этади.

Ёғочларни таъбиий холда қуритиш энг оддий осон ва арzon усулидир. Ўкув устахонасида ишлатиладиган ёғоч материаллари ҳам кўпинча таъбиий усулда қуритилади. Бунинг учун қуритиладиган ёғоч материаллар мактаб шароитига қараб бостирмаларда, омбор, чордоқларда маҳсус тагликлар устига қўйиб сақланади. Қиши фаслида ёғоч материаллар тезроқ қуриш учун улардан кераги қирқиб олиниб, ўкув устахоналарида сақланади, баъзан иситиш тармоғидаги батареялар устига ёки печкалар ёнига териб қўйилади. Ёғочларни суний қуритиш камераларда олиб борилади. Бу усулда қуритиладиган материал камерага териб тахланади ва иссиқ хаво юборилади. Камерада қуритиш таъбиий қуритишга қараганда қатор афзалликларга эга.

Камерада ёғоч жуда қисқа вақт ичида қурийди ва катта майдонлар бўлишини талаб этмайди. Камерада ёғочни хохлаган намликкача қуритиш мумкин. Камерада температуранинг юқори бўлиши туфайли чиритувчи замбуруғлар ривожланмайди.

Камерада қуритилишни аниқ бошқариш мумкинлиги сабабли ёрилиш ва тоб ташлашнинг олдини олиш мумкин. Температуранинг юқори бўлиши натижасида нина баргли ёғочнинг смоласи қотиб қолиб, у кейинчалик буюм сиртига чиқмайди. Кўп ёқилғи ва камера қуритишнинг камчилиги хисобланади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғочнинг сифатини қандай усуллар билан аниқланади?
2. Ёғоч олинадиган дарахтни кузатишда нималарга эътибор бериш керак?
3. Ёғочнинг каттиқлигини қандай синаб кўрилади?
4. Ёғочнинг ранги ва гулдорлиги қандай аниқланади?

5. Ёғочнинг заарли таъсирларга чидамлилигини ошириш учун нималар қилинади?


Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Ўзингиз танлаган бирор дараҳтнинг турли қисмиларидан олиш мумкинлигини белгиланг.
2. Айрим иморатлардаги ёғочларнинг қандай шароит туфайли узок йиллар хизмат қилаётганини аниқланг.

8-§. Ёғочнинг нуқсонлари.

Ёғочнинг нуқсонлари унга зааркунандалари етказадиган, ёғочни қуритиш ва сақлаш даврида хар хил бўладиган ҳамда таъбиий нуқсонларга бўлинади. Ёғоч зааркунандалари ўсиб турган дараҳтларга ва ёғоч буюмларга зарар етказувчи ёғоч замбуруғлари, ёғочхўр қўнғизлар ҳамда ёғоч кемиравчи қўнғизлардан иборат.

Ёғоч замбуруғлари дараҳтларнинг ёғоч қисмини айниқса ўзагини ҳамда турли ёғоч қурилмаларини чиритади. Улар ёғоч танасини турли жойларига зарар етказиш натижасида ҳосил бўлган ўзгаришлар 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Ёғочнинг холатига қараб кўзларнинг хиллари.

а- оқиши соғлом кўз, б-корамтир соғлом кўз, в-чирий бошлаган кўз, г-чириган

кўз, д-пўкак кўз.

Булар ёғоч пўстлоқ ости қисмининг чириши ва табиий рангининг ўзгариши ёғочда сохта ўзак, бурамаликлар, ғуддалар ҳосил бўлиши, йиллик халқалар ораларининг чириши иатижасида уларнинг ранги ўзгариши ва қалинлиги нотекислашуви, ўзак ва унинг тевараги чириши, ёғочнинг турли қисмларида кулранглик, қўкариш, сарғайиш қизиллик, қўнғирлик, ҳар турли ҳол - ҳол доғлар ҳосил бўлиши кабилардир.

Ёғочхўр қўнғизлар ўсимликларнинг поя ва шохларнинг новдаларида, пўстлоғи орасида яшайди. Танаси узунчоқ шаклда, 3 - 80 мм гача узунликда, шохлари яхши ривожланган, танаси ва устки қанотлари қаттиқ қисм билан қопланган, ранги ҳар хил. Ер юзасида 2000 га яқин тури бўлиб, марказий осиёда 165 тур бор. Улардан катта дуб ёғочхўр қунғизи дуб дараҳтларига, шахар ёғочхўр қунғизи тол, терак, қайроғоч, олма ва бошқа дараҳтларга, саксовул ёғочхўр қунғизи саксовулга зарар етказади.

Ёғоч кемирувчи қўнғизлар асосан қуруқ дараҳт ва ёғоч буюмларида яшайди. Ер юзида 1000 га яқин тури бўлиб, марказий осиёда асосан нон ёғоч кемирап қунғизи кўп тарқалган. У қизил қунғиз рангда катталиги 2 - 3 мм бўлиб, юмшоқ, ёғоч буюмла китоблар ҳам да ун ва бошқа озиқ - овқат маҳсулотларига зарар келтиради.

Ёғочнинг ушбу зааркунандаларида қарши турли химиявий моддалар ёрдамида курашилади.

Ёғоч ва ёғоч материалларни қуритиш ва сақлаш даврида ҳосил бўладиган нуқсонларга унинг нотўғри қуритилиши натижасида эгилиши, буралиши, ёрилиш ҳамда қуруқ ва шамолатиладиган жойда сақламаслик натижасида чириш, ёғоч замбуруғлари ёғочхўр ва ёғоч кемирап қўнғизлардан химоя қилмаслик натижасида келиб чиқадиган шикасланишидан иборат. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш учун ёғоч ва ёғоч материалларини қуритиш, сақлаш зааркунандаларидан химоя қилиш қоидаларида риоя қилиш лозим.

Булардаи ташқари ёғочнинг табиий нуқсонларига дараҳтнинг ўсиш давридаги эгрилиги, буралганлиги ҳам да ёғочнинг бутоқ ва шохлар ўсиб чиқсан жойларидаги танаси ичида ҳосил бўлган ўсимталар, ёғоч танаси йуғонлигининг бир текис эмаслиги кабилар киради. Бундай нуқсонларнинг

олдини олиш учун дарахтни ўз вақтида, тўғри парвариш қилиб бориш керак.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғоч нуқсонлари қайси турларга бўлинади?
2. Ёғоч зааркунандалари қайсилар?
3. Ёғочнинг таъбий нуқсонлари қайсилар?
4. Ёғочни нуқсонларининг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Ўзингиз кузатган дарахтлар ва ёғоч буюмлардаги ёғоч нуқсонларининг сабабларини аниқланг.

9-§. Ёғочнинг ишлатилиш соҳалари.

Ёғоч турли соҳаларда ишлатиладиган қимматли таъбий материал хисобланади. Бу соҳалардан асосийлари қурилиш, мебель, асобоб — усқуналар, мосламалар, уй — рўзгор буюмлари, турли халқ хунармандлиги ва амалий безак санъати буюмлари ясаш, гугурт, қофоз — картон ҳам да кимёвий моддалар ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар хисобланади.






8-расм. Ёғоч тахталар.

Қурилишда ёғоч иморатларининг ёғоч қисмлар, поли, деворлари, устунлар синчлари, томи, эшик, деразалари кабилар тайёрланади, Буларни тайёрлаш учун турли қалинлик ва узунликдаги тахталар, түсингилар ва бошқа ёғоч материаллари ишлатилади. Бу ёғочлар турли ноқулай шароитларда ҳамда оғирликларни кўтариб туришга чидамли бўлиши лозим. Қурилишда шундай талаблар мос сифатларга эга ёғоч турлари ишлатилади ҳамда бу ёғочларнинг чидамлилигини ошириш учун зарур холларда турли моддалар билан ишлов берилади. Мебел турлари стол, стул, шкаф, китоб жавони, диван, кресло, трюмо, крават, курси, хонтахта, тумбочка, табуретка, партаси, чизмачилик столи ва шу кабилардан иборат. Мебел тайёрлашда хар хил турдаги ёғоч материаллар ишлатилади. Улар турли дараҳтлардан олинган хар хил рангдаги ва гуллардаги турлича ёғочлардан тайёрланган тахталар, фанер ва бошқалардан иборат. Шу кабилар бирга ёғоч чиқиндиларидан тайёрланган тахталар ҳам ишлатилади.

Асбоб –ускуналар ва мосламалар тайёрлашда керакли мустахкамликка эга бўлган хар хил ёғочлар ишлатилади. Булар болға, теша, болта, кетмон ва бошқа асбобларнинг дасталари, ранда кундалари, нарвон, гилам тўкиш дастгохи, дурадгорлик дастгохи, қўлда турли газламалар тўкиш дастгохи, чархпалак, аравалар, қайик, кемалар ва шу кабилардан иборат.



9-расм. Ёғочнинг ишлатилиш соҳалари.

Уй-рўзгор буюмлар тайёрлашда ҳам ёғочдан фойдаланилади. Бу буюмлар учун кўпроқ юмшоқ ёғочлар ишлатилади. Булар сабзавотлар тўғраш, гўшт тўғраш, қийма чопиш тахталари, ўқлов, жўва, қошиқ, қозон қопқоғи, бочкалар, элак гардишлари, ёғоч идиш-товоқлари, донлар янчиш учун ўғир, сутдан сариёғ ажрайтиб олиш учун мосламаси ва бошқалардан иборат.

Халқ хунармандчилиги буюмлари тайёрлашда хар хил сифатдаги ёғочлардан фойдаланилади. Бунда юмшоқ ёғочлар кўпроқ ишлатилади. Ёғочга ишлов бериш бўйича халқ хунармандчилиги соҳаси бир қанча касбларни ўз ичига олади. Булар иморатсоз, эшиксоз, кемасоз, қайиқсоз, бешикчи сандиқчи, эгарчи, қошиқчи, ёғоч ўймакорлиги, мусиқа асбоблари ясовчи, саватчи ва бошқалар.

Амалий безак санъатининг ёғочдан буюмлар тайёрлаш соҳасида ёғочга ишлов бериш билан боғлиқ касблар усталари меҳнат қиласидар. Бундай буюмларни шаклига ва безаклариги турли усулларда бадиий ишлов берилади. Булар бадиий шаклдаги ва ўймакорлик нақшлари билан безатилган ииморат қисмлари, эшик, дарвозалар, курси, сандиқ, хонтахта, шкаф, стол, стул, кутичалар, панжара, ўйинчоқлар, ёдгорликлар ва бошқалардан иборат. Бу буюмларнинг хар бири учун тегишли сифатдаги ёғочлар ишлатилади.

Мусиқа асбоблари: рубоб, дутор, танбур, ғижжак, чанг, ноғора, гардиши, ноғора чўпи, гитара, скрипка, пианино ва шу кабиларнинг ёғоч қисмини ясаш учун алохида шароитларда тайёрлаб, ишлов берилади. Бунда ишлатиладиган ёғочнинг бир хил зичликка эга эканлигини ва тегишли жарангдорлик хусусиятларига

алохига эътибор берилади. Булардан ташқари ёғочнинг айрим турлар гугурт ва қоғоз-картон махсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам да турли кимёвий моддалар олишда ҳам ишлатилиди.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғоч қандай материал хисобланади?
2. Ёғоч ишлатиладиган асосий соҳалар қайсилар?
3. Курилишда ёғочдан нималар ясалади?
4. Мебель тайёрлашда қандай ёғоч материаллар ишлатилиди?
5. Ёғочдан қайси асбоб- усқуналар ва мосламалар тайёрланади.
6. Ёғочдан қайси уй-рўзгор буюми тайёрланади?
7. Ёғочга ишлов бериш бўйича халқ хунармандчилик касблари қайсилар?
8. Ёғочдан қандай амалий безак санъати буюмлар тайёрланади?
9. Мусиқа асбоблари тайёрланадиган ёғоч қандай сифатларга эга бўлиши керак?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Ёғоч ишлатиладиган асосий соҳалар ва уларда буюмлар рўйхатини тузинг.

10 - §. Дурадгорликда ишлатиладиган ёғочлар.

Дурадгорлик ишларида хар хил турдаги ёғочлар ишлатилиди. Ёғочдан фойдаланишдан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришиш учун қулай бўлган ёғоч турини тўғри танлаш талаб қилинади. Бунда энг аввало ёғочнинг мустахкамлиги, сўнг унинг ўзига хос хусусиятлари хисобга олинади. Ёғочнинг мустахкамлиги унга таъсир этадиган оғирлик, тебраниш, бураш, сикиш, чўзиш, ва бошқа кучларга ҳам да ёғоч зааркундаларига, ҳавонинг намлигига, захлигига, сувга, қуёш нурларига, турли харорат ва бошқа таъсирларга чидамлилиги билан белгиланади.

Ушбу таъсирга турли дараҳтларнинг ёғочлари турли даражада чидаш беради. Шу билан бирга ёғочнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда унинг

қаттиқ-юмшоқлиги, оғир ёки енгиллиги, унга турли асбоблар билан ишлов бериш қулайлиги, ҳамда рангли гулдорлиги, ялтироқлиги ва кўриниши қанчалик чиройлилиги каби сифатлари ҳам хисобга олинади.

Ёғоч турларини фарқлашни ўрганиш учун аввало ёғоч берувчи дараҳтларнинг ўзини яхши таниб олиш қерак. Бунинг учун хар бир дараҳт турининг умумий шакли, барглари ва пўстлоқларининг ранги ва шаклини ҳамда бошқа белгиларини қайси дараҳтга тегишли эканлигини ўрганиш лозим. (4 ва 5^{АБ}-расмлар). Бунинг учун ёғочнинг ташқи кўриниши, оғир-енгиллиги, қаттиқ-юмшоқлиги айриш ёғочларнинг хиди ҳам хисобга олинади. Ёғочнинг ташқи кўринишини кузатишда унинг умумий ранги ҳам да ёғоч тўқималари ва йирик халқалар ҳосил қилган чизиқлари ва шаклларининг ранги, тарамаларининг йўналиши ва шакли, зич ёки сийраклиги, ёғочнинг сержило ёки жилосиз ва бошқа белгиларига эътибор бериш шарт. Айрим ёғоч турларига хос асосий белгилар қуидагилар:

Чинор ёғочининг ўзак қисмида сарғиши-кулрангча бўлиб, яққол кўринадиган хол-холлари бор. Қаттиқ ёғоч бўлгани учун кесиш, қирқиши қийин, лекин пардозлангандан сўнг жуда чиройли кўринади. Чинор 1000 йилгача яшайди.

Тол ёғочи асосан оқ рангда, баъзан сарғиши тусда, тарамалари деярли сезилмайди. Енгил ва юмшоқ ёғоч. Ўзига хос жилога эга. Турли усулларда ишлов бериш учун қулай. Тол 30 йил, баъзан 75-100 йилгача яшайди.

Ёнғок ҳар хил тусдаги йирик эгри-буғри йўлли тарамаларга эга, йиллик халқалари бўйлаб бир текис тарқалган қора холчалари ва чизиқлари бор. Яшилсимон-кулранг қизғиши жигар ранггача бўлган кўп тусларда товланади. Ёғочи зич ва қаттиқ. Ишлов бериш, пардозлашга қулай. Ёнғок дараҳти 400 йилгача яшайди.

Тут тўқ сариқдан оқгача ҳамда қизғиши-қўнғир тусдаги асосан бир текис тарамаларга эга. Сержило ёғоч. Қаттиқ ва зич, лекин ишлоб бериш ва пардозлашга қулай. Тут дараҳти 400 йилгача яшайди.

Арча қизғиши – жигарранг ва сарғиши тусдаги текис тарамалар ҳосил қиласидиган сержило ёғоч. Қаттиқ ва мустахкам, лекин ишлов бериш ва

пардозлаш қулай. Арча 2000 йилгача яшайди.

Терак оқ, баъзан салгина сарғиши –яшилсимон тусда, юмшоқ, енгил, силлиқ, ва жилоли ёғоч. Ишлов бериш ва пардозлаш қулай. Терак 60-70 йил яшайди.

Қайрағоч қизғиши –жигарранг бўлиб, яшилсимон ёки бинафшасимон тусларга эга, йиллик қатамлари тўлқинсимон, жойига ўхшаган сержило кўринади. Йирик тарамлар ҳосил қиласди. Қаттиқ зич ва мустахкам ёғоч. Ишлов бериш қулай.

Эман (дуб) сарғиши-жигаррангача бўлиб, қулрангсимон ёки яшилсимон тусларга эга. Йиллик қатламлари яққол кўзга ташланади. Йирик тарамлар ҳосил қиласди. Қаттиқ мўрт ёғоч. Ишлов бериш қийин. Эман дарахти 2000 йилгача яшайди.

Нок қизғиши-жигарранг, тарамлари ва чизиқлари кам сезилади. Бир текис зичликка эга, қаттиқ ва силлиқ ёғоч. Ишлов бериш қулай. Нок 150-300 йилгача яшайди.

Қарағай тўқ сариқдан –оқ сариққача трамли яққол кўринадиган юмшоқ ва енгил ёғоч. Ишлов бериш қулай. Қарағай дарахти 700-1000 йилгача яшайди.

Шамшод оч сариқ рангли ва тарамли. Жуда қаттиқ ва ишлов бериш қийин. Шамшод дарахти 3000 йилгача яшайди.

Ўрик қизғиши рангдаги сержило ёғоч. Тармлари яққол кўринади қаттиқ ва зич, ишлов бериш қийин. Тарамлари кам се зиласди. Ўртача қаттиқ ва зич ёғоч. Ишлов бериш учун қулай. 15-20 йилгача яшайди.

Ўзбекистондаси ўсадиган бошқа дарахтларнинг ёғочлари ҳам ўзига хос хусусиятларига эга ва улардан тегишли хусусиятларини хисобга олган холда фойдаланилади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғочнинг мустахкамлигини белгилашда нималар хисобга олиниши керак?
2. Ёғочнинг ўзига хос хусусиятлари қайсилар?
3. Дарахтларни қайси белгиларига қараб танлаб олинади?
4. Ёғоч материалларининг қайси дарахтга тегишли эканлигини

аниқлашда нималар хисобга олинади?

5. Ўзингиз ўрганган дараҳт ёғочи қандай белгиларга эга?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Ўзингиз учратган дараҳтларнинг асосий белгиларини аниқланг.

2. Махаллий ёғочлага хос асосий белгиларни аниқланг.

11-§. Фанер.

Фанер ёки фанера деб юпқа қилиб шилинган ёғоч қатламларининг бир неча қаватини бир—бирига елимлаб тайёрланган ёғоч материалларини айтилади.

Фанер учун юпқа ёғоч қатламларини икки хил усулда тайёрланади. Биринчи усулда ёғоч ғўланинг думалоқ юзидан айлантириб шилиш орқали ва иккинчи усулида ё-очнинг текис юзидан шилиш орқали тайёрланади. Фанер тайёрлашда хар бир қатламни ёғоч толалари йўналишида бир-бирига нисбатан кўндаланег елимланади.

Фанер қайин, қайрағоч, қарағай, қора қойин ва бошқа дараҳтларнинг ғўла ёғочларидан тайёрланади. Тайёр фанернинг қалинлиги 1 дан 19 мм гача бўлади. Қалинлиги 12 мм дан ортиқ фанерни фанер тахта деб аталади.

Фанер қурилишда автомобилсозлик, вагонсозлик, кемасозлик, самалётсозлик, мебел тайёлаш ва бошқа соҳаларда ишлатилади. Махсус усулларда ишлов бериш орқали ўтга ва сувга чидамли ҳам да бошқа сифатларга эга бўлган фанер турлари тайёрланади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Фанер нима?

2. Фанер қатламлари қандай усулларда тайёрланади?

3. Фанер қатламлари бир-бирига нисбатан қандай холатда елимланади?

4. Тайёр фанернинг қалинлиги қандай бўлади?

5. Фанер қайси сохаларда ишлатилади?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Ўзингиз учратган фанер турларинининг асосий хусусиятларини аниqlанг.

П-БОБ.


ДУРАДГОРЛИК АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ.

12-§ Дурадгорлик дастгохи.

Дурадгорлик ишларини бажариш да фойдаланиладиган махсус дастгохлар ҳар турли бўлиб, улар ишлов берилаётган ёғоч материалларини керакли холатда махкам тутиб туриш учун хизмат қиласди.

Мактаб устахонасидаги дурадгорлик дастгохи нинг асосий қисми унинг оёқларига ўрнатилган ва керакли баландликда махкамланадиган иш столидан иборат бўлиб, у столда тегишли катталиқдаги ёғоч материалларини ишлов бериш учун керакли холатда махкам ўрнатиш учун тешиклар очилади. Столнинг чукурлаштирилган қисмдан ишлатиладиган асбоблар ва материалларни қўйиш учун фойдаланилади. Дурадгорлик дастгохининг исканжасида винтли механизмдан фойдаланилади. Исканжа ишлов бериладиган детални керакли холатда махкам ўрнатиш ҳам да бўшатиб олиш учун ишлатилади. Дурадгорлик дастгохи столнинг баландлиги унда ишлаётган

одамнинг бўйига мос бўлиши керак.



10-расм. Дурадгорлик дастгохи.

1-иш столи, 2,3-қисқичлар, 4-оёқни қўтариш-тушуриш мосламаси.

Ўзининг ишлайдиган дастгох столининг баландлигига тўғри белгилаш учун дастгох олдида гавдангизни тик тутган холда қўлингизни дастгох столининг юзига қараб тик пастга узатинг ва қўлингиз кафтини букиб, унинг тўлиқ юзига тегадиган баландликни белгиланг. Шу баландликда ўрнатилган дастгох столи сизнинг ишларингиз учун энг тўғри ва қулай хисобланади.

Дастгохга ишлов берилаётган материални тўғри ўрнатиш ва маҳкамлаш қоидаларига риоя қилмаган холда бажариладиган ишлар яхши сифатли бўлмайди ҳам да ишловчи ва унинг атрофидаги одамлар учун хавфли бўлади. Шу билан бирга ишлатилаётган асбобларга ҳам ортиқча зарар етади.

Дастгохда фойдаланишда унинг исканжаларини жуда қаттиқ сиқиши керак эмас. Дастгох столини кесиш, чопиш, арралаш, болға билан ортиқча зарба бериш ва бошқа зарарли таъсирлардан сақлаш лозим. Дастгох столи устида асбобларни улардан фойдаланишга қулай холатда жойлаштириш лозим.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Дурадгорлик дастгохи қандай мақсадда хизмат қиласи?
2. Дурадгорлик дастгохи қайси қисмлардан иборат?

3. Дастрох столининг бир қисми нима учун чукурлаштирилган?
4. Дастрох столининг баландлиги қандай усулда белгиланади?
5. Дастроҳда материални тўғри ўрнатиш ва маҳкамлаш қоидаларига риоя қилиш нима учун зарур?
6. Дастроҳнинг яхши сақланиши нималарга боғлиқ?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Дурадгорлик дастроҳидан тўғри фойдаланиш усулларини машқ қилинг.

13-§ Ўлчаш ва режалаш асбоблари.

Ёғочдан турли буюмлар тайёрлаш ва бошқа ишларни бажариш учун ёғоч материалларни ўлчаш ва режалаш керак бўлади. Бунинг учун маҳсус асбоблардан фойдаланилади.

Ўлчаш деб ёғоч материалдинг ўлчамларини ва шаклини аниқлашни айтилади. Бу асбобларга чизғичлар, матр, рулетка, гўниялар, хаткаш транспорти ва ўлчов андозалари киради.

Чизғичлар ёғоч, металл, пластмасса ёки бошқа материаллардан бир неча сантиметрдан бир метргача узунликда миллиметрларга бўлинган холда тайёрланади. Улар миллиметргача аниқликда ўлчаш, керакли тўғри чизиқлар чизиш ва ёғоч қирраларининг тўғри чизиқ шаклида эканлигини текшириш учун


ишлатилади.




а-чизғич



б-рулетметр



в-бурчак чизғич (гўния)



г-хаткаш

д-штангенциркул

11-расм. Ўлчаш ва режалаш асбоблари.

Узунлиги бир метр чизиқларни метр деб аталади. Улар ҳам шундай мақсадларда ишлатилади. Буклама метр уни олиб юриш ва сақлаш қулай бўлиши учун буқланадиган қилиб ясалади.

Рулетлар бир неча метр узунликдаги метал ва бошқа материалдан фойдаланилган сантиметр ва миллиметрларга бўлинган тасмадан иборат. Улар бир неча метргача бўлган узунликларни аниқ ишлаш учун ишлатилади.

Гўниялар ёғоч ёки бошқа материалдан фойдаланилади. Улар тўғри бурчакларни ўлчаш, белгилаш, чизиб ва текшириб кўриш учун ишлатилади.(10-расм) Шу билан бирга бошқа бурчаклар учун мослаштирилган гўниялар ҳам ишлатилади.

Ўлчов андазалари бир хил буюмни кўплаб тайёрлашда қўлланилади. Ўлчов андазаси бир хил узунликни кўп марта ўлчаш учун керакли катталиқда тайёрланган рейка, таёқча ёки шу кабилардан иборат. Шу мақсадда тайёр буюм намунасидан ҳам фойдаланиш керак.

Режалар деб тайёрланадиган буюмнинг керакли ўлчамлардаги шаклларини ёғоч материалларига чизишни айтилади. Режалаш учун юқорида айтилган ўлчаш асбоблари билан бирга хаткаш, қалам, ҳар турли режалаш андозаларидан фойдаланилади.

Хаткаш ёғочнинг белгиланган қиррасига таянган холда унга параллел чизиқлар чизиш учун ишлатиладиган мослама у кунда унинг тешикларига ўрнатиладиган рейкалар ўзига урнатиладиган бир ёки бир неча мих ёки қаламлардан иборат бўлади.

Хаткаш ёрдамида бир вақтда бир неча параллел чизиқлар чизиш мумкин.

Паргар (циркул) турли айланалар, айланана ёйлари чизиш ҳам да узунликларни ўлчаш учун ишлатилади. У металл, ёғоч ёки пластмассадан тайёрланган, умумий ўққа ўрнатиладиган иккита оёқдан иборат. Чизувчи паргар оёқларидан биринчи учига игна иккинчисининг учига қалам ўрнатилади. Ўлчагич паргарнинг иккала оёғи учига игна ўрнатилади.

Ўлчаш ва режалаш ишларида кора ёки бошқа рангдаги юмшоқ

қаламлардан фойдаланилади.

Режалаш андозалари картон, қоғоз, фанер, метал, пластмасса, ёғоч кабилардан зарур шаклларда тайёрланади. Улар турли бурчаклар, айланалар, айлана ёйлари, қўпбурчаклар, эгри чизиқли шакллар андозаларидан иборат бўлади. Улар керакли шаклини ишлатилаётган ёғоч материал устига қўйиб чизиб олиш ёки бошқа ишлар бажариш учун қўлланилади. Шу мақсадда баъзан тайёр буюм наъмунасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Режалаш тайёр буюмининг ўзи, унинг техник расми, эскизи ёки чизмасига қараб бажарилиши мумкин.

Тайёр буюмнинг ўзига қараб режалашда шу буюмнинг ҳар бир детали қандай шаклда ва ўлчамларда эканлигини аниқланади, сўнг шу ўлчамдаги ўлчамларни ёғоч материалга тегишли режалаш асбоблари ёрдамида кўчириб чизилади.

Бунда айрим деталнинг ўзидан андоза сифатида фойдаланиб чизиш ҳам мумкин.

Буюмнинг техник расми, эскизи ёки чизмаси асосида уларда кўрсатиладиган ўлчамларга мувофик равишда тегишли деталларнинг шакллари ёғоч материалига чизилади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ўлчаш нима?
2. Ўлчаш асбоблари қайсилар ?
3. Режалаш нима?
4. Режалаш асбоблари қайсилар?
5. Чизиқлар нима учун ишлатилади?
6. Ўлчов андозалари нима учун ишлатилади?
7. Режалаш андозалари нима учун ишлатилади?
8. Хаткаш нима учун ишлатилади?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрлаш.

Ўлчаш ва рандалаш асбоблари ишлатишни машқ қилинг.


14-§ Аппалар

Ёғоч материалларидан буюмлар тайёрлашда ёғочни турли йўналишларда қирқишиш ишларини бажариш керак бўлади. Бунда ёғочни кўндалангига, бўйига, хар хил қияликда ҳам турли эгри чизиқлар бўйлаб қирқилади. Бу ишлар асосан ҳар турли аппалар ёрдамида аппалаш орқали бажарилади. Бу аппалар тузилишига кўра қўл кучи ишлатиладиган, электр ва занжирли аппаларга бўлинади. Ёғочдан бошқа материалларни аппалаш учун маҳсус аппалар ишлатилади.

Ёғоч учун қўл кучи билан ишлатиладиган аппалар киши ишлатиладиган қўл арра (даста арра) лар ҳамда икки киши биргаликда ишлатиладиган саржин (ғўлабўр) аппалар ва тахтабур аппаларга бўлинади. Ушбу барча аппаларнинг хиллари кўп бўлиб, уларнинг асосий қисми пўлатдан тайёрланадиган арра танаси хисобланади. Арра танасининг узун томонидаги бир ёнидан арра чиқарилади. Арра танасининг узунлигига кўра узун ва қисқа, қалинлигига кўра қалин ва юпқа, кенглигига кўра кенг, тор, ингичка ва қил арра турларига бўлинади. Тишнинг тузилишига кўра бир томонга аппалайдиган, икки томонга аппалайдиган ҳамда тишининг катталигига кўра йирик, ўрта, майда тишлар аппаларга ажратилади. Бир арра тури ўзи мослаштирилган аниқлик ва сифатига эга бўлган аппалаш ишларини бажаришга хизмат қиласи.

Уларнинг айримлари мамлакатимизнинг турли жойларида бир неча хил маҳаллий номлари билан ҳам номланади.

Булардан қўл аппаларининг турлари кўп бўлиб, улар танаси ва унга бириктирилган ёғоч, пластмасса ёки металл дастадан иборат. Улар бир-биридан танасининг узунлиги, қалинлиги ҳамда тишлари билан фарқланади. Уларнинг тиши ўртача катталикда бўлади. Қўл аппаларнинг тишлари қанчалик майда ва танаси калта бўлса, шунчалик нозик ва юқори аниқланадиган аралаш ишлари бажарилади. Шундай ишларда фойдаланиладиган аппаларни чок арра, калта арра, туртма арра деб аталади. Бу аппалар фанер ва ёғочдан шаклдор буюмлар аралаш учун ишлатилади. Бу аппаларни даст арра, шадабўр арра деб ҳам аталади.



12-расм. Аппа турлари.

а-дастарра, б-фүлворарра, в-бурчарра.

Қўл арраларнинг бурчарра, бурама ёй аппа деб аталадиган ҳамда бошқа турлари ҳам бор.

Бурчарралар танаси юпқа бўлиб, тор из ҳосил қилиш орқали аниқ арралаш ишларини бажариш учун хизмат қиласди. Шу билан бирга арралаш учун камроқ куч сарфлаш имконини беради. Уларни ишлатиш вақтида юпқа танасини таранг тутиб туриш учун маҳсус мосламадан фойдаланилади. Шундай мосламага ўрнатилган бурчарранинг тузилиши аппа танаси, 2 та қулоқ, 2 та даста, 1 та керги чилвир ва буров таёқчасидан иборат.

Бу аррани ишлатиш вақтида танаси таранг тутиб туриш учун чилвир орасидан ўтказилган буров таёқчасини айлантириб чилвири таранглаш керак. Бур арраларни кашакли аппа, ёй аппа деб ҳам аталади.

Бурилма ёй арралар тақасимон тутқичга маҳкамланади юпқа энсиз ва калта аппа танасидан иборат ихчам қўлларра бўлиб, фанер, юпқа тахта ва бошқа материаллардан шаклдор буюмлар арралаш учун ишлатилади. Бундай арралар танасининг қалинлиги 0,6-1,25 мм эни 2-10 мм, узунлиги 200-350 мм гача

бўлади. Бурилма арраларнинг лобзик ёки қил арра деб ҳам аталади.

Саржин арра ёғоч ғўлаларини 2 киши бўлиб арралаш учун ишлатилади. Бу арраларнинг танаси узун ва кенг бўлиб, унинг икки учига ёғоч дасталар ўрнатилади. Бу дасталарнинг ўқ чизиги арра танаси билан бир хил текисликда ўрнатилади. Саржин аррани ғалбўр арра деб ҳам аталади. Уларнинг танаси турли узунликда тайёрланади. Тахтабўр арра йўғон ёғочлардан икки киши бўлиб тахта тилишда ишлатилади. Бу арадан фойдаланишда ёғочни тахта тилувчиларнинг бири унинг остида ва иккинчиси устида туриб арралашлари учун маҳсус тайёрланган жойга маҳкамланади. Тахтабўр арранинг дасталари унинг танаси текислигини икки ёнига тик чиқиб турадиган холатда ўрнатилади. Йўғон ёғочлардан тахта тилиш учун ишлатиладиган тахтабўр аррани ишлатилаётганда юқори бўладиган учидаги дастасини шу учидан давом эттирилган металл таёқнинг учига ўрнатилади. Бунинг натижасида тахта тилинаётган ёғочнинг устига арра тортаётган одамнинг камроқ эгилишини таъминлайди.

Арралар вазифасига кўра қирқувчи, тилувчи арралаш арраларига бўлинади. Бу арралар бир-биридан тишларининг шакли билан фарқ қиласи.

Қирқувчи арралар ёғочни кўндаланг қирқиши учун ишлатилади. Уларнинг тишлари teng ёки учбурчак шаклида бўлиб, улар арра танасининг давомидан ўткир учлари ташқарига тик йўналган холда чиқарилади.

Тилувчи арралар ёғочни бўйига арралаб тилиш учун ишлатилади. Уларнинг тиши ўткир бурчакли бўлиб, улар арра танаси давомидан ташқарида тик йўналган учбурчак шаклида чиқарилади.

Ёй арраларни ёғочни кўндалангига ҳам да бўйига арралаш учун ишлатилади. (12-расм) Бундай арра ёғочда арра танаси қалинлигидан кенгроқ йўл очиб арралайди.

Ёғочни арралаётганда арра танаси қисилиб қолмаслиги учун шундай қилинади. Бунда тишлар арра танасининг қалинлигига қараб, ундан 1 ёки 2 мм кенгроқ чиқарилади. Чаппа роста қилишда арра тишлари иккала ёнга бир хилда бурилиши шарт. Шундай бўлмаса, бундай арра билан аниқ арралаш талаб қилинадиган ишларни бажариб бўлмайди. Майда тишли, танаси юпқа

арраларни кўпинча чаппа роста қилинмайди.

Арраларнинг тишлари эгов билан чархлаб ўткирлаб турилади. Аррани унинг ҳамма тишлари бир хил даражада ўткирланиши шарт. Шундай бўлмаса, бундай арра билан аниқ арралаш зарур бўлган ишларни бажариб бўлмайди. Режаланган ёғочни қўл арра билан арралашда режа чизиги арра изининг четида қолиши лозим. Аррани тўғри ушлашни ва уни ишлатаётганда режа чизиги бўйлаб арраларни яхшилаб ўрганиб олиш учун аррани биринчи харакатида 45 с гача қия ушланади. Лекин фанера, картон ёки юпқа ёғочларни арралашда 15 с гача ётиқ холда ушланади.

Юпқа материалларни арралаш учун майда тишли аррадан фойдаланилади.

Арраланаётган материални ушлаб турган қўл жарохатланмаслиги учун бирорта ёғоч бўлагидан иборат тиргак қиррасини арралаш чизиги устида тўғрилаб қўйиш, ушлаб туриш ва аррани унга тақаб юргизиш лозим.

Ёғоч материалини керакли бурчак остида аниқ аралаш учун маҳсус мосламадан фойдаланилади. Бу мосламани порси қолип дейилади. Арралаётган ёғоч материални тутиб туришни осонлаштириш учун бир учига тиргак ўрнатилган таглик тахтадан фойдаланилади.

Дараҳт, ёғоч, шоҳ ва бошқа материалларни кесиш учун ишлатиладиган арралар.

Ёғоч буюмларни безашда суяқ, шоҳ, тошлар ва пластмасса каби бошқа материалларни ишлоб беришда уларни кесиш, арралаш, текислаш, силлиқлаш, жилвирлаш ишлари маҳсус арраларда бажарилади. Дараҳт, ёғочларни кесишда бензин билан ишлайдиган моторли занжирлардан фойдаланамиз. Дараҳт ва ёғочларни арралашда ишлатиладиган асбобларга ўхшаш суяқ, шоҳ ва бошқа материалларни кесишда маҳсус арралардан фойдаланамиз. Суяқ ўймакорлиги Хиндистон, Хитой, Африка Шарқ мамоакатларида ривожланган. Суяқ ўймакорлиги Ўзбекистонда халқ амалий санъатининг ичидаги бошқа турлари каби тез суратлар билан ривожланмоқда.

Суяқ ўймакорлиги жуда қадимий санъат, суякни кесиб, йўниб тасвир туширилган буюмлар ва хайкалчалар тайёрланади. Ўзбекистонда суяқ ўймакорлиги 1959 йили кириб келди. Халқ амалий санъатининг турлари

пичноқчиликда оддий сүяклардан қорамолнинг, эчкининг шохларидан ишланган. Сүяк ўймакорлиги парма, эгов ҳам да ўзига хос мукаммал асбоблар ишлатилади. Сүяк ўймакорлиги технологияси. Керакли материалларга мос келадиган сүяк тури ва бўлаги танланади. Сүякни ортиқча бўлакларини арралаб олиб ташланади. Ғадир-будур жойлари эговда текисланади. Сүякка қалам билан гул чизилади ва ўша чизик бўйича нақш ишланади, ҳам да йўнғир тош билан жилвир берилади.

Иш сўнгидаги буюмни бўр ва спирт билан яхшилаб артиб чиқилади. Аррадан фойдаланишда қуийдаги хавсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт.

1. Арраланадиган материални дастгох исканжасига қимирамайдиган қилиб ўрнатиш.
2. Арралашни бошлашда арани режа чизиги бўйича тўғри йўналтириш учун бирорта ёғоч бўлагидан иборат тиргакдан фойдаланиш.
3. Арралашни бошлаётганда арра тишларини қўл бармоқлари билан йўналтириш мумкин эмас.
4. Арралаш вақтида қўлни арага яқин қўйиб туриш мумкин эмас.
5. Арралаш тугагандан кейин аррани дастгохдан ўз ўрнига қўйиш шарт.
6. Дастгохни қипиқлардан чўтка ёки кичик супурги билан тозалаш.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғочни арралаш учун қандай арралар ишлатилади?
2. Арралар бир-бирларидан қайси белгиларига қараб фарқланади?
3. Қўл арраларни қандай турлари бор?
4. Икки кишилик арралар билан қайси ишлар бажарилади?
5. Арралар вазифасига кўра қандай турларга ажратилади?
6. Арралашда қайси хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт?
7. Сүяк ўймакорлиги Ўзбекистонда неchanчи йили кириб келган?
8. Сүяклардан қандай буюмлар тайёрланади?


Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Устахонадаги турли арраларнинг қайси ишлари учун ишлатилишини аникланг.

2. Ёғоч бўлаги билан хар хил турли арралаш ишларини тўғри бажарилишини машқ қилиш.

15-§. Дурадгорлик болғалари ва ёғоч тўқмоқлар.

Ёғоч қисмларни йигишда исканалар ёрдамида ўйиш-тешиш ишларини бажаришда дурадгорлик болғалари ва ёғоч тўқмоқдан фойдаланилади (13-расм).




13-расм. Дурадгорлик болғалари ва ёғоч тўқмоқ:

a — квадрат муҳрали; *b* — доиравий муҳрали болғалар;

Дурадгорлик болғалари квадрат, доиравий муҳрали бўлиб, учки қисми хар хил кўринишида бўлади. Айрим болғаларнинг учки қисми мих суғиришга мосланган.

Дурадгорлик болғаларининг муҳраси текис ва силлиқ бўлиши,



в-ёғоч тўқмоқлар.

қавариқ ва эзилган жойлари бўлмаслиги керак. Қавариқ ва эзилган муҳрали

болғалар ёғоч сиртини эзіб, текислигини бузади.

Ёғоч қисмларни бириктириш, жипслаш ҳолларида болға урилаётган сиртлар эзилмаслиги учун уларнинг устига қаттиқ ёғочлардан эҳтиёт тахтаси қўйилади. Қисмларни михлаш йўли билан бириктиришда михнинг сиртга тик уларнинг эгилиб ёғочни эзіб қўймаслигига эътибор берилади. Мих каллагини ёғочга болғалаб ботирилмасдан, балки унинг устига сумба қўйиб қоқилади. Акс ҳолда болғанинг нотекис тушиши оқибатида сирт эзилиб қолади.

Искана билан ўйиш-тешиш ишларини бажаришда дастани эзіб қўймаслик учун болға ўрнида ёғоч тўқмоқдан фойдаланиш маъқул. Ёғоч тўқмоқнинг муҳраси катта ва текис бўлиб, исказа дасталарини, ёғоч сиртларини эзмайди, унинг ёрдамида болғалаш қулай. Айниқса ёш дурадгорлар ўйиш-тешиш вақтида болғани қўлларига уриб олмасликлари учун кўзларини дастадан олмайдилар, тифга эса эътибор бермайдилар. Бунинг натижасида исказа режадан чиқиб, ёғочни ўйиб қўяди. Шунинг учун буюмларни йиғиш, қисмларнинг жипслигини таъминлаш, исказалар билан ишлашда ёғоч тўқмоқдан фойдаланилади.

Ёғоч тўқмоқлар қайрағоч, чинор, акация, тут каби қаттиқ, пишиқ ёғочлардан рандалаб ёки ёғоч ишланадиган токарлик станогида йўниб тайёрланади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Болғалар билан қандай ишлар бажарилади?
2. Болға қайси қисмлардан иборат?
3. Болғалар вазнига кўра қандай турларга бўлинади?
4. Ёғоч ва пластмасса тўқмоқчалар билан қандай ишлар бажарилади?
5. Болға ва тўқмоқчалар билан ишлашда қайси хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Болға ва тўқмоқчани техник расмини чизинг.

Ёғоч материаллардан турли хил буюмлар тайёрлашда уларнинг қисмлари кўпинча “тирноқ” чиқариш йўли билан биритирилиб, бунда ўйиш-тешиш ишлари бажарилади. Бу мақсаддат ҳар ҳил дурадгорлик исканаларидан фойдаланилади.


Дурадгорлик исканалари вазифасига кўра *йўнувчи* ва *ўювчи* исканаларга бўлинади (14- расм).

Йўнувчи исканалар ёрдамида йўниш йўли билан тахталарнинг четларига фаска чиқарилади, тирноқлар ростланади, тешик, уялар йўниб кенгайтирилади. Шунингдек, юмшоқ ва юпқа тахталар ўйиб тешилади. Қалин ва қаттиқ ёғочларни ўйиш-тешиш ишлари ҳамма вақт ўювчи исканалар ёрдамида бажарилади.

Йўнувчи исканалар юпқа, ўювчи исканалар қалин бўлади. Бундан қатъий назар, уларнинг эни ҳар хил ўлчамда тайёрланади. Йўнувчи исканаларнинг эни 4 мм дан 40 мм гача, ўювчи исканаларнинг эни 6 мм дан 20 мм гача бўлади.

Ўйиш-тешиш ишларида қулоқ, уя ва тешикларнинг кенглигига қараб унга мос исканалар танланади. Тешик энидан катта исказа ишлатишга рухсат этилмайди. Кичик ўлчамдаги исканалар билан эса катта тешик ва уяларни очиш ҳам мумкин.

Ёғоч тахталарни йўниш, ўйиш-тешишда *нов шаклидаги исканалар* ҳам ишлатилади (14-расм, в). Улар ёрдамида цилиндрик тешик ва уялар ўйиш, сиртларда нов очиш ишлари бажарилади. Нов шаклидаги исканалар ҳар хил ўлчамда тайёрланади.



14-расм. Дурадгорлик исканалари: а - ўювчи; б - йўнувчи; в - нов исказа.

Исканалар бир томондан чархланади. Йўнувчи исканаларнинг ўткирлик (чархлаш) бурчаги 18—25°, ўювчи исканаларнинг ўткирлик бурчаги 25—35° атрофида бўлади.

Исканаларнинг дасталари заранг, қора қайнин, қайрағоч, ёнғоқ каби пишиқ ёғочлардан тайёрланиб, учига металл ҳалқа кийдирилади. Ҳалқалар исказага болға билан уришда дастани ёрилишдан сақлайди. Исказалар ёғоч тўқмоқ билан урилади. Искана дасталари пластмассадан ҳам тайёрланади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.


1. Исканалар қандай турларга бўлинади?
2. Ўювчи исказалар билан қайси ишлар бажарилади?
3. Йўнувчи исказаларни тифи қандай шаклларда бўлади?
4. Кесувчи исказалар билан қайси ишлар бажарилади?
5. Искана билан ишлашда қайси хавсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

Исканалар билан турли ёғочларни ишлов бериш машқларини бажаринг.

17-§. Дурадгорлик рандалари ва уларни ишга созлаш

Ёғочдан буюм тайёрлаш учун керакли материал арралаб олингандан сўнг унинг сиртини силлиқлаб текислаш ва аниқ ўлчамга келтириш учун рандалаш ишлари бажарилади. Бу мақсадда турли хил рандалардан фойдаланилади (15- расм).



15- расм. Дурадгорлик рандалари;

а - шерхебель; б - тахта ранда; в - мушранда: 1- пона; 2- кунда; 3 - тиф; 4 -темир пуштак; г- пуштакли тиф; д - жапс ранда; 1 - тиф; 2 - пуштак; 3 - поня; 4 - даста; 5 - болғалаш тутгаси.

Дурадгорлик рандалари вазифаларига кўра сиртларни тозалаш, силлиқлаш, текислаш мақсадида ишлатиладиган ва маҳсус рандаларга бўлинади. Булар шерхебель, тахта ранда, мушранда, жапс-рандалардан, закров ранда, чок ранда, кониш ранда, дила ранда, чорабзал рандалар ва бошқалардан иборат.

Куйида бу рандаларнинг вазифаси, тузилиши ва уларни ишга созлаш усуслари билан танишиб ўтамиз.

Шерхебель ёғоч материалларнинг сиртини тозалаш ва қалин пайраха олиш йўли билан хомаки рандалаш мақсадида ишлатилади. Шерхебелнинг асосий

қисмлари кунда, тиф ва понадан иборат бўлиб, кундасининг узунлиги 250-260 мм, эни 40-45 мм, қалинлиги 60 мм бўлади. Тифининг эни 30 мм бўлиб, кесувчи қирраси ёй шаклига эга. Бу эса қалин пайраха олиб осон рандалаш имконини беради. Қандай қалинликдаги пайраха олинишига қараб тифни кундадан турлича чиқарилади.. Шерхебелда сиртларни силлиқ ва текис рандалаб бўлмайди.

Сиртларни силлиқ рандалаш учун тахта ранда ишлатилади. Тахта ранда шерхебелдан кундасининг энлилиги ва тифининг тўғри бўлиши билан фарқ қиласди. Тахта ранда кундасининг эни 55-60 мм, тифининг эни 45-50 мм бўлади. Бу ранда ёрдамида сиртларни силлиқ рандалаш учун тифни юпқа пайраха оладиган қилиб кундадан мумкин қадар оз чиқарилади. Пайраха қалин олинса, сиртлар силлиқ чиқмайди.

Айрим холларда ўқувчиларнинг ёшларини, жисмоний қобилияtlарини хисобга олиб сиртларни силлиқлаш мақсадида тахта ранда ўрнида шерхебелдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун шерхебелнинг тифини чархлаб, тўғри тифли қилиб берилади. Бу ҳолда тифнинг эни камбар бўлиб, рандалаш вақтида ўқувчилар ортиқча қийналмайдилар.

Мушранда тузилиш жиҳатидан тахта рандадан фарқ қилмайди. Мушранда тифида қўшимча темир пуштак бўлиб, у пайрахани синдириш вазифасини ўтайди. Шунинг учун темир пуштакни тифнинг кесувчи қиррасига яқин ўрнатилади. Шу тариқа ўрнатилганда тиф чиқарган пайрахани дарҳол қайириб синдиради ва рандалашни енгиллаштиради. Темир пуштак кесувчи қиррадан ортиқча узоклаштирилмайди. Акс ҳолда унинг тахта рандадан фарқи қолмайди.

Мушранда ёрдамида ёғоч материалларнинг сирти силлиқланади, шунингдек, йигилган тайёр буюмларга дастлабки пардоз берилади, буюм сиртидаги нотекисликлар рандалаб текисланади.

Жапс ранда. Тахта ранда ва мушранда ёрдамида узун ва энлик тахталарнинг сирти силлиқланса ҳам, улар билан текис рандалаб бўлмайди. Бундай сиртлар жапс ранда билан рандалаб текисланади.

Жапс ранда кундаси узун (700-800 мм), энлик (70-80 мм), тифининг эни 55-60 мм бўлади. Жапс рандага, кўпинча, темир пуштакли тиф ўрнатилади. Бу

ранда ёрдамида рандалашда сиртлар текис чиқиши учун пайраха юпқа олинади, қалин пайраха олинса, сирт текис чиқмайди.

Сиртларнинг текис ва силлиқ чиқиши рандаларнинг ишга созланишига, уларни тўғри тутиб эркин рандалашга ва рандалаш вақтида рандага кучларнинг тўғри қўйилишига боғлик.

Рандаларни ишга созлаш тиғлар ўтмасланганда уларни кундадан чиқариб чархлаш, қайрашда ҳосил бўлган қировини тўкиш ва тифни кундага қайтадан тўғри ўрнатишдан иборат (16-расм).

Тиғлар электрик ёки сувли чархларда чархланади. Чархлаш вақтида чарх тошлар ҳамма вақт олдинга караб (тўғри йўналишда) айлантирилади. Тескари йўналишда айлантирилганда (хусусан электрик чархларда) ундан учиб чиқадиган кукун кишининг кўзига тушади ва хавфсизлик техникиси коидаларининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун электрик чархлардан фойдаланишда чархдаги ҳимоя ойнасини тўсиб олиш ёки ҳимоя қўзойнаги такиб олинади.

Чархлаш натижасида тиғларда ҳосил бўлган қировни тўкиш учун қумқайроқ ёки қайроқтош, керосин, сув билан намлаб турилади. Керосин қировни тез тўкишга ёрдам беради. Қайраш вақтида тиғларнинг ўтмасланиб қолмаслигига, қумқайроқнинг ўйилиб тезда ишдан чиқиб қолмаслигига эътибор берилади.

Қирови тўкилган ранда тиғлари кундага ўрнатилади. Бунда, тиғнинг кесувчи қирраси кундадан бир текис чиқариб (кунда остига параллел қилиб) ўрнатилади. Нотекис ўрнатилган тиғ сиртни текис рандаламайди.


Рандаларни тўғри тутиш ва эркин рандалаш сиртларнинг текис чиқишини таъминлаш билан бир қаторда рандалаш вақтида ўқувчиларнинг ортиқча куч сарфлаб кийналмасликларига, чарчамасликларига ёрдам беради.

Рандалаш вақтида сиртларнинг текис чиқмаслиги ортиқча меҳнат ва материал сарфланишига, материалнинг ишдан чиқишига ва ўқувчиларнинг ишдан безишларига сабаб бўлади.

Рандалаш вақтида рандага сурувчи ва босувчи кучлар қўйилади. Бу кучлар нотўғри қўйилса, кўпинча, тахтанинг икки уни ўйилиб ўртаси дўнг

бўлиб қолади, сиртнинг текислиги бузилади.

Ўқувчиларга сиртнинг силлик ва текис чиқишига сабаб бўлувчи омилларни ўргатиш билан бир қаторда ортиқча меҳнат сарфламасдан тез ва сифатли рандалашга ўргатилади. Бунинг учун рандалардан фойдаланиш кетма-кетлиги, рандалаш тартиби ва текисликни текшириш тўғрисида тушунча берилиб, бу борада етарли кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Тахта материаллар талаб этилган ўлчамга кёлтириб рандалагандан сўнг, уларнинг қайси усулда бириктирилиши, тайёрланадиган буюмларнинг тури, қандай мақсадда ишлатилишига қараб уларга қўшимча ишлов бериш йўли билан закров, чок, кониш очилади, гул



16- расм. Рандаларни ишга созлаш:

I- тифни чархлаш ва қайраш; а - чархлаш; б - қайраш; в, г - қиров тушириш;

толаларининг ўсиш йўналишига тескари рандалашга тўғри келади. Бундай ҳолларда тўғри тиғли ранда ишлатиш қийин бўлади ва сирт силлик чиқмайди.

Закров ранда билан ҳамма вақт кесим юзи 1 см^2 бўлган закров очилади. Закров ранданинг ён ва устки (йўналтирувчи ва чекловчи) тўскичлари бўлиб, улар тиғнинг тахтага ён ва устки томондан 1 см дан ортиқ ботишига йўл қўймайди. Кесими 1 см^2 бўлган закров очилишини таъминлаш учун рандалаш


пайраха чиқмай қолгунча давом эттирилади. Акс ҳолда қисмларни йифища улардаги закровлар бир-бирига мос келмасдан (бир текисликда ётмасдан) буюм сифатининг бузилишига, ойналарнинг бир текис жипс ётмаслигига сабаб бўлади.

Чок ранда. Тахта материаллардан пол, ғов, дарвоза, роввот кабилар тайёрлашда, уларнинг қуриши натижасида тирқиш очилиб қолмаслигини таъминлаш учун чоклаб бириктирилади. Бу мақсадда чок рандадан фойдаланилади.

Чок ранда закров рандага ўхшаш тўғри ва қийшиқ тиғли бўлиб, тифининг эни 30 мм гача бўлади. Бу ранданинг йўналтирувчи ва чекловчи тўскичлари йўқ. Уни тахта бўйлаб тўғри юргизиш қийин. Шунинг учун чок ранда кониш рандадан сўнг чок очиш ва сиртларни тозалаш мақсадида ишлатилади. Айрим ҳолларда тахтанинг четига чок ўлчамига мослаб параллел ҳолда йўналтирувчи-чеклагич часпак михлаб кўйиб рандаланади. Бу нарса чок рандани тўғри юргизиш имконини беради. Баъзан чок ранда кундасининг ўнг ва чап томонларига очиладиган чокнинг ўлчамига мослаб йўналтирувчи-чеклагич часпак михлаб олинади. Бу хилда мосланган ранда ёрдамида тахта четларинигина рандалаш мумкин, ўртадан “сув” очиш мумкин бўлмайди.

Тахталарни чоклаб бириктиришда чокнинг чукурлиги ҳамма вақт тахта калинлигининг ярмига teng қилиб олинади. Шунинг учун кунданинг ўнг томонига михланадиган устки чеклагич шу ўлчамга мослаб ўрнатилади.

Чок ранданинг тиги кундадан энлик бўлади. Тиг кундадан зисиз бўлса, у билан чукур рандалаб бўлмайди.



16- расм. Рандаларни ишга созлаш:

II - тиғни кундадан чиқариш ва қайта ўрнатиш: *a, b* - тиғни чиқаришда кундани шундай тутилади; *c, e* - тиғни кундага ўрнатиш; *d*-понани қотириш; *e*- тиғнинг түғри ўрнатилгаклигини текшириш.

Кониш ранда рейка, бруск, кесаки кабиларда кониш (фанер, эшик дилалари тушадиган “сув”) очища ишлатилади.

Кониш ранда кундасига винтлар ўрнатилиб, унга йўналтирувчи тахтча кийдирилади. Рандани ишга созлашда тахтча билан кундани бир-бирига параллел ўрнатиб, улар орасидаги ўлчам гайка ва контргайкаларни суриш йўли билан созланади.

Очиладиган конишнинг энлик ва энсиз бўлишига караб (ҳар хил қалинлнқдаги фанер ва дилаларга мослаб) рандача энлик ёки энсиз тиғлар ўрнатилади.

Кониш рандани ўлчамга созлашда конишни тахтанинг қоладиган қисмидан очилиб қолмаслигига эътибор берилади. Шунинг учун ҳисоблаш йўналтирувчи тахтачадан тиғача юритилиб, бунда тифнинг эни ҳам ҳисобга олинади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.


1. Рандалаш орқали ёғочга қандай ишлов берилади?
2. Рандалар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?
3. Ранданинг асосий қисмлари қайсилар?
4. Ранда тиғлари қандай шаклларга бўлинади?
5. Пойраха синдиргич қайси рандаларга ўрнатилади ?
6. Металл рандаларда тифни нима ёрдамида ўрнатилади?
7. Жапс рандалар билан қайси ишлар учун ишлатилади?
8. Шаклдор рандалар қайси ишлар учун ишлатилади?
9. Рандалар билан ишлашда қайси хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Устахонадаги рандаларнинг номларини ва қайси мақсадларда ишлатилишини аникланг.
2. Рандалар билан тўғри ишлаш машқларини бажаринг.

18-§. Дискли электр арралар.

Дискли электр арралар редукторли ва редукторсиз хилларга бўлинади. Редукторли электр аррада диск редуктор валига шайва ва болт ёрдамида бириктирилади, узатиш механизма орқали ҳаракатга келтирилад. Редукторли электр арра редукторли электр двигател ва таянч плитасидан иборат (бунга электр двигател ва таянч чуқурлигини ҳамда арранинг қиялигини ростлаш механизми маҳкамланади). Электр двигателнинг ротори иккита шарикли подшипникода айланади.




17-расм. Дискли электр аппа:

1-корпус; 2-арпа доираси.


Электр двигателни маҳсус включател билан ишлатиб юборилади ва тўхтатилади. Редукторли арраларда арралаш чуқурлиги 90 мм га, редукторсиз аррларда эса 60 мм га етади. Таянч плита (панель)да йўналтирувчи линейка бўлади.

Дискли электр арралар билан ёғочни толалар йўналишида (18-расм,*а*), толаларга кўндаланг йўналишда (18-расм, *б*) арралаш, нимқирра очиш (18-расм,*в*), турум ва тирноқ арралаш (18-расм, *г*) мумкин.



Дастлаб, арраланадиган тахтани маҳкамлаб олиб, кейин унга дискли арпа ўрнатилади. Электр аррани арраланадиган материал устидан бир текис (туртмай ва қийшайтиrmай) суриш керак; аррани жуда тез сурилса арпа тиқилиб қолиши мумкин. Борди-ю арпа тиқилиб қолса, уни сал орқага олиш ва арпа тегишли айланиш тезлигига эришгандан кейингина арралашни давом

эттириш керак. Тиқилиб қолган пайтда арра ботамом тұхтаб қолса, дархол электр двигателни тұхтатиш зарур.




18-расм. Дискилі электр арра билан ишлаш:

а-ёғочни четларига параллел қилиб арралаш; б- ёғочни толаларига күндаланг қилиб арралаш;
в-буручаклар ҳосил қилиш; г-турум ва қовурғалар кесиш.

ИЭ-5102В электр арраси (ГОСТ 11094-80) V мұтадил иқлимли шароитда ишлатиш учун (жойланиш категорияси 2) I ҳимоя синфиға мувофиқ тайёрланған.

ИЭ-5102В электр арраси 380 В кучланишли уч фазали электр тармоғига пасайтириш трансформаторисиз уланади, бир фазали ёритиш тармоғига улаш таъқиқланади.



19-расм. ИЭ-5102 электр арраси:

1-күзғалмас қобиқ; 2-етакчи тишли ғилдирак; 3-ротор вали; 4-асосий даста; 5-электр двигатель; 7-таянч плита; 8-редукторнинг етакчи тишли ғилдираги; 9-шпиндел; 10-втулка; 11-күзғалувчан ҳимоя қобиғи; 12-арра диски; 13-болт; 14-фланец.

ИЭ-5102В электр аррасининг тузилиши (19-расм). Электр арра

йўналтирувчи сектори бўлгаи таянч плитадан, уч фазали асинхрон электр двигатель, цилиндрик шестерялари бўлган бир босқичли редуктордан, олдинги тўсиқдан, шпинделдан, қўзғалмас ва қўзғалувчан ҳимоя қобиқларидан, диск, аппа асосий ва қўшимча дасталардан, штепселли вилкаси бўлган ток келувчи кабелдан ташкил топган.

Уч фазали ротори қисқа туташган асинхрон электр двигатель АН 1-550 220-342 корпус ичига ўрнатилтан. Ротор валининг бир учига вентилятор, иккинчи учига цилиндрик шестеря ўрнатилган. Бу шестеря редуктор шестеряси билан илашади, редуктор шестеряси шпинделга ўрнатилган ва шпонка ёрдамида маҳкамланган.

Шпиндель иккита золдирли подшипникларда айланади, улардан бири электр двигателнинг олдинги шчитига ўрнатилган, иккинчиси қузғалмас ҳимоя қобиғи билан бирга ясалган редуктор корпусига ўрнатилган.

Диск аппа шпинделга фланец ва болт ёрдамида маҳкамланади. Ҳимоя тўсиғи қўзғалмас ва қузғалувчан қисмлардан иборат бўлиб, айланиб турувчи диск аппага бехосдан тегиб кетишдан сақлайди.

Таянч плитага нисватан диск арранинг оғиши йўналтирувчи сектор билан амалга оширилади ва тожли гайка билан керакли холатда қотирилади.

Арралаш чуқурлиги олдинги шчитга монтаж қилинган механизм билан ростланади.

Асосий дастада тепкиси бўлган узиб-улагич ва уланган ҳолатни фиксация қилувчи скова монтаж қилинтан.

Электр арранинг ишлаш принципи. Буровчи момент ротор валидан унга ўтказилган шестеря орқали редуктор шестерясига узатилади. Бу шестеря шпинделга шпонка ёрдамида маҳкамланган. Шпиндель айланганда унга фланец ва болт ёрдамида маҳкамланган диск аппа ҳам айланади.

Электр аппа билан ишларни важариш жараёнида қуйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим:

ҳимоя кўзойнакларини тақиб ишлаш;

ток келадиган кабель изоляциясининг тузуклигини кузатиб вариш;

электр арранинг штепселли вилкасини тармоқдан узиб қуйғандан кейингина ростлаш ишларини важариш,arra дискини алмаштириш лозим;

электр билан таъминлашда узилиш бўлганида ёки ҳаракатланувчи деталлар тиқилиб қолганида, аррани бир иш ўрнидан иккинчисига қўчирганда, иш ёки иш қуни тугаганда электр арранинг штепселли вилкасини тармоқдан узиб қуиши зарур;

кабелни буралиб, ўралиб, таранг тортилиб қолишлардан, ўткир қиррали предметларга, иситиш асбобларига ҳамда мойли юзаларга тегишдан сақлаш керак;

электр аррани ва арралаш машинасини элект тармоғига бевосита иш бошлашдан олдин улаш лозим;

арраланиши керак бўлган материал яхшилаб маҳкамлаб қуилиши даркор;

стационар ҳолатда ўрнатилган электр аррада ва арралаш машинасида фақат ҳимоя қобиғи мавжуд бўлгандагина ишлаш на арраланаётган материални иккинчи ишчига фақат ёғоч (брусок) билан итариб узатиш лозим.

Куйидагилар таъқиқланади:

портлаш ховфи бўлган ва металларга ҳамда изоляцияга емирувчи таъсир кўрсатувчи химиявии актив моддалар бўлган биноларда, нам шароитда, ёғин- сочин вақтида очиқ майдонларда ишлаш;

ИЭ-5107 электр аррасини ва аралаш машинасини ерга улаш; ИЭ-5102В электр аррасининг корпусини ерга уламасдан, шунингдек шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланмасдан ишлаш;


электр тармоғига уланган машинани назоратсиз қолдириш;

стационар қилиб ўрнатилган электр аррада ишлаганда ундаги узиб- улагичдан фойдаланиш (ток кучи 6 А га, кучланиши 250 В га ҳисобланган- иккинчи узибулагичдан фойдаланиш даркор);

стационар қилиб ўрнатилган электр аррада ҳимоя қобигисиз ишлаш;

носоз диск арралар билан ишлаш;

кабелнинг қайноқ ва мойли юзаларга бевосита тегиб туриши.



20-расм. ИЭ-5107 электр арра:

1-вентиляцион каналлар; 2-электр двигател; 3-ротор вали; 4-асосий даста; 5-кўзғалмас ҳимоя кобиги; 6-арра диски; 7-пружина; 8-втула; 9-фланец; 10-шайба; 11-болт; 12-шпиндел; 13,14-шпиндел подшипниклари; 15-таянч плита; 16-ротор подшипниги; 17-редуктор тишли фидираги.

Қуйидаги нуқсонлардан биронтаси мавжуд бўлганида электр аррани ишлатиш тақиқланади:

кабель, шепселли вилка ёки ҳимоя найчаси шикастланган бўлса;

электр двигатель қопқоғи шикастланган бўлса;

узиб-улагич ноаниқ ишлаётган бўлса;

коллектордаги чўткалар учқунланаётган бўлса ва унинг сиртини аланга қамраб олаётган бўлса;

редуктордан ва вентиляция ариқчаларидан мой сизиб чиқаётган бўлса;

изоляция ёнаётганлигига хос тутун ва ҳид чиқаётган бўлса;

юқори даражада тақиллаш, шовқин титраш юзага келаётган бўлса;

корпусда, дастада ва ҳимоя тўсигида синган ва дарз кетган жойлар бўлса;

диск арра валда айланиб кетаётган бўлса.

ГОСТ 17770-86 бўйича электр арра ва арралаш машинасининг титраш характеристикаси текшириладиган барча оқтав полосалари бўйича белгиланган қийматлардан анча кичик.

Электр арра ва арралаш машинасининг шовқин характеристикаси ГОСТ 12.2.030-83 талабларига мос келади. Шовқин қувватининг амалдаги даражаси

белгиланган чегаралардан анча кам ва 94 дБ дан ошмайди.

Электр арадан бир иш кунида фойдаланишнинг форматив коэффициенти 0,2. Электр арадан узок муддат фойдаланганда эшитиш аъзоларининг шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш шарт.

Электр арра ва арралаш машинасига техник хизмат қўрсатиш ва уларни мойлаш машиналарини техник жихатдан соз ва ишга яроқли ҳолатда тутиб туриш учун бажарилади.

Машиналарга ҳар иш кунида ва даврий равища техник хизмат қўрсатилади.

Ҳар иш кунида қўрсатиладиган техник хизмат ҳар қуни бажарилади ва қўл машинасини ифлосликлардан тозалаш, иш тутугагач кабелни артиш, шунингдек, резьбали бирикмаларни тортиб таранглаш, машинада дарз кетган жойлар йўқлигини кўздан кечириш узиб-улагичнинг аниқ ишлашини текшириш, редуктор ва узеллардан мой овмаётганлигини аниqlаш, зарур бўлса, диск арралар тишларини кериш ва чархлашларни ўз ичига олади.

Даврий техник хизмат қўрсатилиши камида 6 ойда бир марта устахона шароитида маҳсус ўргатилган хавфизлик техникаси бўйича камида III малака гуруҳига эга бўлган шахслар томонидан бажарилади.

Даврий хизмат курсатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳар иш кунида қўрсатиладиган техник хизматни бажариш;

электр двигатель чўткаларини кўздан кечириш ва алмаштириш;

электр двигатель деталларини сиқилган ҳаво билан пуфлаб, ундаги кўмир чангини кетказиши;

редуктор ва подшипниклардаги мойни алмаштириш;

изоляцияи қаршилигини ўлчаш;

электр арранинг техник ҳолатини текшириш ва аниқланган бузуқликларни тузатиш ва ейилган деталларни алмаштириш;

Электр чўткаларни кўздан кечириш ва алмаштириш қуйидаги тартибда бажарилади: иккита винтни бўшатиб, электр двигатель қопқоғи олинади;

чўтка симини чўтка тутқич корпусига бирлаштирувчи винт бураб бўшатилади;

илмоқ билан пружинани четга суриб туриб, чүтка олинади;

19-§. Электр рандалар.

Электр қўлрандалар (ГОСТ 8306-86) турли ёғоч конструкцияларни тайёрлашда ишлатилади.

Электр рандалар (бажарилиши V, категорияси 2, ҳимоя синфи II) мұтадил иқлими шароитда ишлатиш учун чиқарилади.


Электр рандалар кучланиши 220 В, частотаси 50 Гц I бўлган электр тармоғидан ишлайди. Кўш изоляциясининг мавжудлиги операторнинг хавфсиз ишлашини таъминлайди ҳамда ерга уламасдан ва ҳимоя ўчириш қурилмасидан фойдаланмасдан туриб ишлаш имконини беради.

ИЗ-5701 Б электр рандасининг икки хил: саноатда ва турмушда ишлатиладиган турлари мавжуд. Саноатда ишлатиладиган электр рандаларни ёритиш электр тармоғига улаш таъқиқланади, чунки улар турмушда ишлатиладиган электр жиҳозлар учун белгилангандан ортиқроқ радио тўсиқлар ҳосил қиласди. Турмушда ишлатиладиган электр рандалар фильтрига радиотўсиқларни йўқотувчи қўшимча конденсатор ўрнатилган.

Электр ранданинг конструкцияси рандалаш чуқурлигини 0 дан 2 мм гача бўлган оралиқда равон ўзгартириш ҳамда керакли ҳолатни фиксируш имконини беради.

ИЭ-5701Б электр рандасининг тузилиши (-расм). Электр ранда бир фазали коллекторли двигателдан, ясси тасмали узатмадан, пичоқлари олиб қўйиладиган фрезадан, рандалар чуқурлигини ростлаш механизмидан, электр ранда корпусидан, дастадан, қўзғалувчан олдинги таянчдан, штепселли вилкаси бўлган ток келадиган кабелдан ташкил топган.

Электр двигатель корпуси электр ранда корпусига бириктирилган. Электр ранданинг қуш изоляцияси корпуснинг пластмассадан ясалганлиги ва электр двигатель якори валининг изоляцияси туфайли ҳосил қилинган. Электр двигателни совитиш қопқоқдаги тешикдан вентилятор ёрдамида суриладиган ҳаво ҳисобига амалга оширилади, бу ҳаво электр двигатель орқали ўтиб, оралиқ шчитдаги тешикдан чиқарип юборилади.



21-расм. ИЭ-5701Б электр ранда:

1-олдинги құзғалувчан таянч; 2-корпус; 3-рандалаш чуқурлигини ростлаш механизми; 4-қүшімча даста; 5-электр двигател; 6-узіб улакгич тепкиси; 7-фиксатор; 8-асосий даста; 9-химоя найчаси; 10-тасмани таранглаш механизми; 11-пичоқ; 12-фреза; 13-етакчи шкив; 14-якорь вали; 15-тасма; 16-фреза вали; 17-етакланувчи шкив.


Иккита ясси пичоқлари бўлган пона ҳамда болт билан маҳкамланадиган фреза электр ранданинг қирқувчи органи ҳисобланади.

Фреза иккита подшипникда айланади, подшипникларнинг бири электр ранда корпусига, иккинчиси қопқоғига пресс slab ўрнатилган. Фреза электр двигателдан тасмали узатма ёрдамида айлантирилади. Тасмали узатма етакчи ва етакланувчи шкивлардан ташкил топган бўли булар қалинлиги 2 мм, эни 15 мм ли тасма билан бирлаштирилган.

Рандалаш чуқурлиги 0-2 мм оралиқда қүшімча дастани бураш орқали ростланади, натижада қузғалувчан таянч электр ранда корпусининг йуналтирувчилари буйлаб сурелади.

Электр двигатель, асосий ва қушимча дасталар умумий плитага монтаж қилинган. Ростлаш винти билан плитани суреб, ҳаракатлантирувчи тасмали узатманинг таранглиги ростланади. Тасманинг солқилиги 2-4 мм чегарада бўлиши керак.

Асосий дастата фиксатор билан бирга узиб-улагич радиотүсиқларни сўндириш қурилмаси монтаж қилинганди.




22-расм. ИЭ-5708 электр рандасининг тузилиши:

1-рандалаш чуқурлигини ростлаш механизми; 2-кўшимча даста; 3-рандалаш чуқурлигини кўрсаткич; 4-корпус; 5-электр двигател; 6-фиксатор; 7-узиб – улагич; 8-асосий даста; 9-резина найча; 10-кўзғалмас электр таянч; 11-ясси тасмали узатма қопқоғи; 12-етакчи шкив; 13-тасма; 14-таранглаш ролиги билан тасмани таранглаш механизми; 15-фреза; 16-пичоқ; 17-етакланувчи шкив. 18-олдинга кўзғалувчи таянч.

20-§. Электр ўйгич.

Дастаки ИЭ-5607 электрўйгич (ТУ 22-4745-80) ёғоч конструкциялар, иншоотлар тайёрлашда тўғри тўртбурчак кўринишидаги тешиклар ва уялар очишда тирноқлар учун уя ўйишда, тирноқ чиқаришда ишлатилади.

Ўйгич мўътадил иқлимли шароитларда ишлатишга мослаб бажарилиши V, жойланиш категорияси 2, ҳимоя синфи II) тайёрланган. Электр двигателида қўш изоляциянинг мавжудлиги опероторнинг хавсиз ишлашини таъминлайди, ерга улашаг хожат қолмайди.



23-расм. ИЭ-5607 Электр ўйгич:

а-конструкцияси; б-ўйгич билан ишлаш; 1-қисиши мосламаси; 2-асос; 3-кесиши занжири; 4-роликли подшипник; 5-йўналтирувчи чизгич; 6-йўналтирувчи устун; 7-занжирнинг таранглигини ростлаш винти; 8-химоя қобиғи; 9-қотириш винти; 10-етакчи тишли фидиракча; 11-қисиши ричаги; 12-цилиндр пружина; 13-йўналтирувчи планка.

Ўйгичнинг тузилиши (23- расм, а). Ўйгич йўналтирувчи устунлари бўлган асосдан, бир фазалили қуш изоляцияли электр двигателдан, редуктордан, кесувчи занжирдан, йуналтирувчи чизгичдан, мосламадан, химоя қопламасидан, қисиши мосламасидан, ток келадиган кабелдан ташкил топган.

Ўйгич асосига иккита йўналтирувчи устун ўрнатилган, унинг юқори қисмига узиб-улагич ва редуктор билан биргаликда қўзғалувчан қилиб электр двигател маҳкамланган. Редуктордан чиқсан валга шпонка ва гайкалар ёрдамида алмашинувчан етакчи тишли фидиракча ўрнатилган бўлиб, у йўналтирувчи чизгич бўйлаб сирпанадиган кесувчи занжирни харакатга келтиради. Йўналтирувчи чизгич конуссимон пластина кўринишида бўлиб, унинг пастки қисмига роликлар подшипник мантаж қилинган. Узлуксиз кесишувчи занжирнинг юқори қисми бўрида қўрсатилганидек, тишли фидиракчага, пастки қисми эса роликли подшипникнинг ташқи гардишига кийдирилган. Занжирнинг таранглиги винт билан ростланади. Подшипникни мойлаб туриш учун йўналтирувчи чизгичда маҳсус майдон бор.

Ричагли мослама тешикни ўйиш жараёнида йўналтирувчи устунлар бўйлаб ўйгичнинг қўзгалувчан қисмининг редуктор, тишли ғилиракча, йўналтирувчи чизғич ва кесувчи занжир билан биргаликда электр двигателни вертикал сурилишини таъминлайди.

Мослама қўзғалмас таянч қисмида, тортқи ёрдамида ўйгичнинг қўзғалувчан қисми билан бирлаштирилган ричагдан ташкил топган. Ўйгич қўзғалувчан қисми билан бирлаштирилган ричагдан ташкил топган. Ўйгич қўзғалувчан қисимини кўтарувчи қурилма вазифасини йўналтирувчи устунларга кийдирилган иккита цилиндрик пружина бажаради.

Химояловчи қобиқ айланадиган тишли ғилдиракчани, йўналтирувчи чизғич билан биргаликда кесувчи занжирнинг бқори қисмини беркитиб туради, ҳамда операторни тасодифий шикастланишидан асрайди.

Қисиш мосламаси ўйгични ишлов бериладиган материалга маҳкамлаш вазифасини бажаради ва ўйиқларни брус қиррасидан бир хил масофада бўлишини таъминлайди.

Ўйиш чуқурлиги юриш йўлини чеклагани билан ростланади, чеклагич эса керакли ҳолатда стопорлпш винти билан маҳкамлаб қўйилади.


Битта ўтишда ҳосил бўладиган ўйиқни эни занжирнинг энига, узунлиги эса йўналтирувчи чизғич энига мос келади. Шунинг учун ҳам турли ўлчамдаги тешик ва ўйиқлар ҳосил қилиш учун турли ўлчамли тишли ғилдиракчалар, йўналтирувчи чизғич ва арралаш занжирларидан фойдаланилади.

Ўйгичнинг ишлаш принципи. Электр двигателнинг айланма ҳаракати редуктор орқали тишли ғилдиракчага узатилади, у эса йўналтирувчи чизғич ва ролик бўйлаб сирпанадиган кесувчи занжирни ҳаракатга келтиради. Ричагга босиб, ўйгичнинг қўзғалувчан қисми пастга туширилади ва ишлов бериладиган материалга яқинлашади ҳамда кесувчи занжир билан тешиклар, уялар, ўйиқлар ўяди, тирноқлар очади. Керакли чуқурликда ўйиқ ҳосил бўлгунга қадар ричагга босиб турилади. Қўзғалувчан қисми йўналтирувчи устунлардаги цилиндрик пружиналар ҳисобига дастлабки ҳолатга қайтарилади. Тешик ўйиб бўлингач, ўйгич навбатдаги ўйиш жойига кўчирилади.

21-§. Электр пармалаш қўл машиналари.

ИЭ-1202А электр пармалаш қўл машинасининг тузилиши (24-расм,б)

Машина асосий даста билан яхлит қилиб ясалган, пластмасса корпусдан ичига узгич ёқилган ҳолатдаги фиксатор ва радио тўсиқларни сўндиригич қурилмаси ўрнатилган пластмасса корпус, қўш изоляция бўлган коекторли электр двигател, вентилятор, шпиндел, айланишлар тезлигини узиб-улагичи бўлган икки босқичли, икки тезликли редуктор, қўшимча даста, пармалаш патрони ва штепселли вилкси бўлган ток ўтказиш кабелидан ташкил топган.



24-расм. ИЭ-1202А пармалаш машинаси:

а-ташқи кўриниши; б-конструктив схемаси; 1-ўтқазиш белбоғи; 2-шпиндел; 3-редуктор корпуси; 4-редуктор; 5-тезликларни алмашлаб улаш механизми; 6-ротор валининг золдорли пожшипниги; 7-вентилятор; 8-ротор вали; 9-электр двигател; 10-коллектор; 11-узиб улаш тепкиси; 12-фиксатор; 13-электр юритмаси; 14-химоя резина найчаси.

Машина корпусида электр ва механик деталлар орасига изоляцияловчи тўсиқлар ўрнатилган бўлиб, улар машинадан фойдаланишда электр хавсизликни таъминлайди.

Икки поғонали икки тезликли редуктор уч жуфт тишли ғилдиракдан ташкил топган бўлиб, улардан иккитаси шпинделга ўрнатилади, улар шпиндель ўқи бўйлаб ҳаракатланиб шпиндель айланишлари чкастотасини ўзгартириши мумкин. Редуктор ғилдиракларини ўқ бўйлаб ҳаракатланиши алмашлаб

улагични 180^0 га буриш билан амалга оширилади.

Учлик ва қўшимча дастани маҳкамлаш учун редуктор корпусида ўтқазиш белбоғи мавжуд Шпинделнинг ташқи тломони Морзе конуси кўринишида бўлиб учлик шпинделга айланма ҳаракатини узатиш учун кесим юзаси квадрат бўлган қисмига ҳам эга.

Пармалаш машинасининг ишлаш принципи. Электр двигател улаб-узгичнинг тепкисига босиш билан ишга туширилади. Бурувчи момент двигател валидан редуктор орқали машинанинг шпинделига узатилади, шпиндел эса унга ўрнатилган патрон ёки учлик билан бирга айлана бошлайди ва парма ёки бошқа иш жиҳозини ҳаракатга келтиради.

Узиб-улагичнинг уланган ҳолати фиксаторнинг тугмасини босиш орқали сақлаб турилади.

Машинанинг тузуклигини текшириш ва уни ишга тайёрлаш. Машинани ташқи томонидан кўздан кечириб даста билан корпуснинг ва редуктор корпусининг яхлитлиги, резбали бирикмалар пухта тарангланганлиги, штепсер вилкаси ва резина найчалари ток ўтказадиган бенуқсонлиги, шунингдек, редуктордан мой оқиши ва вентилятор каналларнини мавжудлиги текширилади.

Салт юришнинг 1- ва 2- тезликларидан 1 минут давомида узиб улагичнинг, тезликларини қайта улагичнинг бузилмасдан ишлаши машинанинг умумий техник ҳолати, шу жумладан кучли шовқинларнинг, тиқиллаши ва титрашларнинг бор-йўқлигига, тутун чиқмаётганлиги ёки изоляциянинг куйинди ҳиди йўқлигига эътибор берилади.

Агар машина омбордан олунгунга қадар ишлатилмаган бўлса, уни текширишда аввал канцервациядан чиқариш ва склт юришларда чўткаларни нормал каммутация бўлгунга қадар ишлатиб мослаштириш (камида 5 минут давомида) лозим. Агар юқорида қайд қилинган бузуқликлар бўлмаса аниқланган камчиликлар эса тузатилган бўлса, ишга киришиш мумкин.

Ишларни бажариш усуллари. Иш бошлангунга қадар бажариладиган операциялар, ишлов бериладиган материаллар ва пармаланадиган

тешикларнинг ўлчмларига қараб, шпинделнинг айланишлар частотаси аниқланади ва керакли диаметрдаги созланган парма танланади. Тезликни қайта улагични буриб айланишлар частотаси ростланади. 200 айл/мин айланишлар частотаси пластмасса, ёғочда диаметри 9 мм гача, пўлатда эса 3 мм гача бўлган тешикларни пармалаш, 940 айл/мин айланишлар частотаси пўлатда диаметри 9 мм гача бўлган тешикларни катта юкланиш остида пармалаш учун мўлжалланган. Парма патронда пухта маҳкамлангач, маҳкамлаш калити машина ғилофига солиб қўйилади.

Ишлов бериладиган буюм ёки конструкция маҳкамланиб, ифлсликлардан тозалангач, пармаланадиган нуқта аниқланади ва керн урилади. Пўлатни пармалашда пармаланадиган жойга совутиш суюқлиги қандай келишини текшириш зарур. Қайд этилган ишлар бажарилгандан сўнг штепселли вилка разеткага тиқилади ва химоя кўзойнаги тақилади.

Ишни бажариш учун ўнг вўл билан пармалаш машинасининг асосий дастасидан, чап қўл билан қўшимча дастасидан ушланади. Парма уни тўғри бурчак остида пармаланадиган нуқтага йўналтирилади.

Кўрсаткич бармоқ билан узиб-улагичнинг тепкисини босиб, машина ишга туширилади. Машинанинг мунтазам ишлаши учун бош бармоқ билан фиксатор босилади.

Машинани керакли вазиятда тутиб туриб, қўл ва гавдвни парманинг ўқи бўйлаб равони босиб, пармаланади. Катта диаметрили тешик очишда аввал кичик диаметрли тешик пармаланиш лозим. Пармалаш жараёнида чиқадиган чанг ва қириндиларни кетказиш учун парманинг тез-тез тешикдан чиқариб туриш зарур. Иккинчи томондаида ҳам очиқ тешик пармаланаётган бўлса, парма тешикдан чиқишига яқин унга тушадиган босимни камайтириш лозим.

III-БОБ.

МАШИНАЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМЛАРИ.

22-§. Ўқувчиларни машинашунослик элементлари билан таништириш.

Хозирги вақта машиналарни иккита катта гурухга бўлиш қабул қилинган. Булар машина қуролар ва машина двигателардир. Ўз навбатида машина-қуроллар ичида технологик машиналар, транспор машиналари ва ташувчи машиналар бўлади. Устахонадаги машғулотларда ўқувчилар технологик машиналар билан анча муфассал ва чукур танишадилар. Улар электромашиналар билан ҳам таништирадилар. Бунга ўқувчиларнинг ёнар двигателлари хақидаги билимларини, шунингдек, хаётий тажрибалардаги транспорт машиналарнинг вазифаси ва тузилиши тўғрисидаги билимларини ҳам қўшиши керак. Агар буларнинг ҳам масини хисобга олинса, машина класификацияси хақидаги маълум тасаввур беришга ўқувчиларнинг тайёргарлиги равshan бўлади.

Машиналар класификацияси тўғрисида тасаввурларни шакллантириш ўз вазифаси ва конструкцияси турлича бўлган машиналар билан таққослашга асосланади. Бунда машиналар қанчалик турли-туман бўлмасин улар умумий томонларга эга эканлигини қўрсатиш вазифаси қўйилади. Айнан шунинг учун ҳам улар хақида тасаввурга эга бўлиш мақсадида барча машиналар билан танишиб чиқиш шарт эмас. Энг намуна машиналарни кўриб чиқиб. Шулар асосида вазифаси тузилишига кўра типик машиналарга яқин бўлган машиналар тўғрисида фикр юритишнинг ўзи кифоя. Масалан, ўқувчиларнинг токарлик станоги тузилиши хақида билимларига таяниб уларда металл қирқиш станоклари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, машиналар класификацияси хақида тасаввур шакллантиришда ўқувчиларни барча машиналар билан таништириш эмас, балки меҳнат дарсларида техникага оид цикл предметларига бағишлиланган машғулотларда ва мактабдан, УПК дан, КХК дан ташқарида олган билимларни умумлаштиришни назарда тутмоқ даркор.

Ўқувчиларни машиналарнинг кинематик схемалари билан таништиришга катта аҳам ият берилади, чунки конструкцияси ва вазифаси жихатидан хар ҳил бўлган машиналарга хос умумий томони ана шу схемадан фойдаланиш туфайли машиналарнинг тузилишини, уларнинг ростланиши, носозликларини топишни ўрганиш осонлашишини қўрсатади. Ўқувчиларни кинематик схемаларни ўқишига ўргатишда схемаларни улар тасвирлайдиган машина ва механизмлар билан таққослашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Махсус ташкилотлар кинематик схемаларни ўқиши ва тузиш қўйидагича изчиллигини тавсия этишга қаратилган имкониятни беради.

Схемаларни ўқиши: машинанинг исми, вазифаси ва қайси жойда қўлланилишини аниқлаш, унинг иш принципини тушунтириш машина хусусиятини ўқиб чиқиши ва деталарнинг вазияти, харакат узатиш усуллари ҳамда кетма-кетлигини аниқлаш.

Схемаларни тузиш: станокнинг бўш принципини аниқлаш, харакат манбайнинг иш органларини вазиятини аниқлаш, харакат кетма-кетлигини аниқлаш, кинематик схемаларнинг шартли белгиларидан фойдаланиб харакат манбаи ёки етакчи валнинг оралиқ валларнинг етакланувчи влнинг валдаги методларнинг нисбий жойлашувини, уларнинг боғланишини ҳам да ишлашини хисобга олган холда кўрсатиб бериш, механизмлардаги мавжуд узатмалар асосида валар орасидаги график боғланишини кўрсатиб бериш, машина корпусини контурини беришни талаб этади.

Ўқувчиларда типовой детал, ўзак ва механизмлар хақида фазовий тушунчаларни шакллантиришда шу нарсани хисобга олиш керакки, хозирги замон мураккаб машиналар, ўқув станоклари, станоклар, трактор, комбайн ва бошқаларда кўп узеллар ҳам да конструкцияга эгаки, уларда кўпгина детал ва хаттоки бутун механизмларни ишлаш жараёнида бевосита кузатиб бўлмайди. Чунки машиналарнинг узел ва механизмлари корпус билан шундай тузилган бўладики улар бутунлай кўринмайди. Ўқувчилар машиналарнинг кораус ичida қолиб кетадиган қисмларини тасаввур қилишлари учун уларда фикрлаш қобилияtlари шаклланган бўлишлари керак.

Бунинг учун ўқувчиларга энг аввало деталларни кўрсатилиши ва улар

билин танишишлари учун шароит яратиши керак, кейинчалик эса аста-секин деталларни кузатиш шароитларини шундай мураккаблаштириш керак, уларнинг кўринадиган қисмлари орқали маълум аломатлари бўйича умумий тузилишини тасаввур қилсинлар, мураккаб машина механизмларни тузилишини ва ишлашини тушунтириш учун схема, плокат, жадвал, модел ва хокозолар фойдаланиш билан бирга қўйидаги маълумотларга ҳам эга бўлишлари керак.

Саноатда, турмушда хар хил механизм ва йигилиш бирикмаларидан иборат бўлган турли туман машиналар ишлатилади. Механизм ва узеллар эса улар навбатида шакллантириш орқали кўпинча хоссалари хар хил бўлган майда ҳамда йирик деталлардан тузилган комплекслардан иборат бўлади.

Машина биргаликда ишлайдиган қисми бўлган ва энергияни, материал ёки информацияни ўзгартириш учун муайян мақсадга муофиқ харакатлар қиласидиган механик қурилмадир. Бажариладиган ишларга кўра машиналар машина двигателларига, машина қуролларига ташиш машиналарига ва янги класс хисобланган бошқа машиналарга ажратиш мумкин.

Машиналар двигателлари-иссиқлик, электрик ва бошқа ҳар қандай энергияни механик ишга айлантиришга хизмат қиласиди. Уларга буғ машиналари, гидродвигателлар, ички ёнув двигателлар ва бошқалар киради.

Машина генераторлар-маханик энергияни бошқа энергияга айлантиради. Улар жумласига компрессорлар, динамомашиналар ва бошқалар киради.

Машина қуроллар-технологик операцияларни, яъни турли материалларга ишлов бериш ҳамда уларни қайта ишлаш операцияларини бажариш, хар хил буюмлар, машина қисмлари ва бошқаларни тайёрлашда машина двигателларини механик ишдан фойдаланадиган машиналардир. Машина қуролларга, автоматик линиялар, токарлик ва рандалаш станоклари, пресслар киради.

Ташиш машиналар- кўприк кранлар, автокранлар, конвеерлар, тури буюмларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун хизмат қиласидиган машиналардир.

Машина двигателлар – узатиш механизmlар ва машина қуроллари биргаликда машина агрегатини ҳосил қиласиди.

Бошқариш машиналари-мураккаб агрегатларни, системаларни ёки таркибида битта ёки бир неча хисоблаш қурилмалари ёхуд (электрон хисоблаш машиналари) бўлган ўзаро боғлиқ обьектлар мажмуини бошқариш учун мўлжалланган автоматлаштирилган комплекслардан иборат.

Детал-йигиш операцияларидан фойдаланишда яхлит материаллардан ясалган буюмлар. Оддий майда буюмлар ҳам (масалан: винт, гайка, шайба) мураккаб шакллари йирик буюмлар масалан: станица, двигател корпуси, турбина ва шунга ўхшашлар детал хисобланади.

Механизм-берилган кучлар таъсирида мақсадга мувофиқ харакатланадиган кўзланувчан қилиб биритирилган қисмлар механизмлар деб аталади.

Юқорида таърифлардан кўриниб турбики ўқувчилар машиналарни ўганишни дастлабки даврда машиналарнинг ўзидан фойдаланиш билан биргаликда уларни моделли, плакатлар, схемалар ва бошқа график тасвирлардан фойдаланинг.

Деталларнинг, бевосита узелларнинг уларни тасвирлари билан таққослаш ўқувчиларнинг ўқув қўлланмалари схемалари, ўқув плакатлардаги машина тасвири расмини ўқий олишга ва улар ёрдамида машина узеллари конструкциясини ва ишлаш принципини тасаввур қилишга ўргатиш зарурдир.

Бошқача қилиб айтганда ўқувчиларнинг фикрлаш қобииятларини шаклантиришда машина деталлари ва машина механизмлари тузилишидан фойдаланиб ижобий натижа бериши учун уларнинг буюмларини онгли равища ривожлантириш керак. Бу борада ўқувчилар фазовий фикрлашларини янада ривожлантириш учун уларга узатмалар тўғрисида умумий тушунчалар бериш талаб этилади.

Бундан ташқари улар фикрлаш қобииятларини ривожлантириш мақсадида юқорида айтиб ўтилган машина деталлари, схемалари, техник расмлари, моделларидан фойдаланиб ечиладиган масалаларни меҳнат ва касб таълимга хос ўқув тарбия жараёнига тадбиқ этиш самарали натижалар беради.

Машина элементлари.

Одамлар меҳнатини енгилаштириш, унинг унумини ва сифатини ошириш

мақсадида турли меҳнат ҳаракатлари ҳар хил машиналардан фойдаланилган холда бажарилади. Машиналар меҳнат ҳаракатлари бажарадиган қурилмалардир. Улар меҳнат ҳаракатларни одамларга нисбатан тез ва катта қувват билан узлуксиз равища кўп вақт давомида бажарадилар. Машиналар қувват билан таъминловчи ва ҳар хил қувватларни бир турдан бошқа турга алмаштиришга хизматқилади.

Булар двигател, мотор ёки қувват манбаи деб аталади. Уларга электр қувватини айланма ҳаракатдан иборат механик қувватга ва аксинча қаттиқ, суюқ, газсимон ва бошқа ёқилғилардан ёкишда ҳосил бўладиган иссиқлик қувватини тўғри ёки эгри чизиқли ҳаракатдан иборат. Механик қувватга сув оқими, унинг юқоридан пастга тушиши, шамол ва турли босим кучлари ҳосил қилган қувватни керакли механик электр қувватга. Химия таъсирлари жараёнида ҳосил бўладиган қувватнингэлектр, иссиқлик ёки механик қувватга: пуржина, резина ва бошқа жисмдаги эластик кучи ҳосил қиладиган қувватни бошқа турдаги алмаштирувчи ва шу каби ишларни бажарувчи шларни бажарувчи ишлар киради. Бундай машиналар ҳамма турдаги ишчи машиналар ҳамма турдаги ишчи машиналарни ҳаракатланиши учун қувват ҳосил қилувчи асосий қисми ҳисобланади. Ишчи машиналар ўзларига етказиб бериладиган қувватлар ҳисобига ҳар хил меҳнат ҳаракатларини бажаришга хизмат қиласди.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Машина нима?
2. Қувватларни бир турдан бошқа турга алмаштирувчи машиналар қайси мақсадларда фойдаланилади?

23-§. Машиналарнинг асосий деталлари.

Машиналар асосий деталлардан ясалади. Деталь деб машинанинг бир материалидан тайёрланган, бўлинмас, бир бутун таркибий бўлагига айтилади. Ҳар бир машина турли миқдордаги деталлардан ясалади. Масалан, реактив самалётда миллиондан ортиқ, экскаваторда бир неча юз минг деталь бор. Ҳар бир деталнинг ўз номи бўлади. Ҳар бир машинани ясаш учун стандарт ва ностандарт деталлари ишлатилади.

Стандарт деталлар деб турли машиналар ясашда умумий фойдаланиладиган, ўзаро алмашувчан деталларга айтилади. Бу деталларни шакли, ўлчамлари, материали ҳамда бошқа сифатли бирхиллаштирилган бўлади. Бундай деталларни тайёрлаш арzon бўлгани учун улардан кенг фойдаланилади. Энг кўп тайёрланадиган стандарт деталлар бириктириш деталлари: гайка, болт, шайба, шпилка, шпонка, штифт кабилар ҳисобланади. Подшивниклар,тишли ғилдираклар, вал, ўқлар ҳам стандарт деталлар ҳисобланади.

Ностандарт деталлар деб бирор машина учун алохида тайёрланадиган деталларга айтилади. Бундай деталлар машинанинг технологик вазифаларидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ ясалади. Бар хилдаги ностандарт деталлар тўлиқ ёк қисман ўзаро алмашувчан бўлади.

Машиналар тайёрлашда кўп ишлатиладиган асосий деталларнинг айримлари қуйидагилар:

Больт - бир учида резьба йўнилган, иккинчи учида каллакли бириктириш детали. Каллаги ишлатиш мақсадида мос равищда турли шаклларда бўлади. Каллаги олти каррали призма шаклидаги болтлар кўп ишлатилади.

Шпилка - иккала учида резбали ва бир томони беркитишга махкамланади, иккинчи учида резбага гайка бураб махкамланади.

Гайка – ўртасида резбали тешиги бўлган бириктириш детали. Гайкалар турли шаклларда бўлади. Олти қиррали шаклдаги гайкалар кўп тарқалган, гайканинг болт ва шпилка резбаси бураб ўрнатиш орқали деталлар бирикмасини махкамлаш учун ишлатилади.

Шайба - гайка болт каллаги остида ўрнатиш учун тешиги бор таглик. Шайба бириктирилаётган детали гайка ёки болт каллаги кириб ёки эзиб юбормаслиги, таяниш текислигини катталаштириш ҳамда гайкани резбадан ўрнатилган таранглигини турли таъсирлардан бўшаб қолмаслигини таъминлаш учун ишлатилади. Шайбалар вазифасиги мос хар турли шаклларда бўлади.

Винт – бир учида резба йўнилган, иккинчи учида калак бўлган бириктириш детали. Винтларнинг каллаги чиқиб турадиган. Яrim яшириладиган, яшириладиган ҳамда атвёrtка ёки гайка калитлари билан

бурашга мослаштирилган турли шаклларда бўлади. Винт резбасини бириктирилаётган деталдаги резбали тешикка бураб киритиш орқали махкамлаш учун ишлатилади.

Шуруп - бир учи ўткир конус шаклдаги ва йирик қадамли резба йўнилган, иккинчи учи қаллакла бириктириш детали. Шуруплар қаллаги чиқиб турадиган, яrim яшириладиган, отвёртка билан бурашга мослаштирилган турли шаклларда бўлади. Шуруплар ёғоч ёки юмшоқ пластмассаларни бириктириш учун ишлатиладиган винтлар хисобланади.

Шплинт - иккига букланган пўлат симдан иборат детал, иккига букланган жойида ҳамда шаклида қаллак ҳосил қилинади. Шплинт гайканинг ўрнатилган резбасидан турли таъсирлар натижасида чиқиб кетишни олдини олиш учун ишлатилади. Шлинтни болтнинг унга ўрнатилган гайкадан ташқари чиқиб турадиган қисмидаги тешигидан қаллагигача киритилиб учларини икки ёнга қайириб ўрнатилади.

Штифт - цилиндр ёки конуссимон шаклдаги детал, штифтлар бириктирилаётган деталларни қўзғалмайдиган ҳамда бир-бирига нисбатан аниқ холатда ўрнатиш учун ишлатилади. Штифтлар бириктирилаётган деталларда ўйилган тешикларга ўрнатилади.

Шпонка - тўрт қиррали призма, пона ёки сегмент шаклидаги бириктириш детали. Шпонкалар вал билан унга ўрнатилган деталлар ўйилган ўз шаклига мос детали. Шпонкалар вал билан унга ўрнатилган деталнинг бир-бирига айланма ҳаракатни узатишини таъминлаш учун ишлатилади.

Вал - айланувчи қисмларни тутиб туриш ҳамда айланма ҳаракатни узатиш учун хизмат қилувчи детал.

Ўқ – айланувчи қисмларни тутиб турувчи детал.

Тишли ғилдираклар - гардишига тишлар йўналган ғилдираклар шаклидаги деталлар. Уларнинг тишлари бажарадиган вазифасига мувофиқ турли шаклларда бўлади. Тишли ғилдираклар айланма ҳаракатни узатишга хизмат қиласи.

Асос – бир ёки бир неча детални керакли холатда ўрнатиш учун хизмат қилувчи детал. Асоснинг шакл вазифасига мос равишда чар торли бўлади.

Таянч – бир ёки бир неча детални керакли холатда ўрнатиш, тутиб туриси учун хизмат қилувчи детал.

Станина – станок ва унинг қисмларини харакатланиши учун керакли холатда ўрнатишга хизмат қилувчи детал.

Корпус – машина ва қисмлариға тегишли деталлар тўплами атрофини бириктириш учун хизмат қилувчи детал. Корпушлар вазифасига қараб турли шаклда бўлади.

Кранштейн – таянч текислиқда бошқа текисликка ўрнатилган деталларни тутиб туриси учун хизмат қилувчи таянч детал.

Ричаг - турли ҳаракатарни маълум масофада узатиш учун хизматт қилувчи тўғри ёки эгри шаклдаги ва тегишли узунликдаги детал.

Даста – машина ва механизmlарни қўл билан ушлаб бошқариш учун хизмат қилувчи детал. Деталлар қўл билан. ушлаб, бураш, айлантириш учун қулай бўлган шаклларда ясалади.

Булардан ташқари деталларнинг турлари кўп бўлиб ҳар бир машинада зарур деталлар фойдаланилади. Ҳар бир детал ўзига хос тузилишга эга бўлиб, уларнинг шаклини ҳосил қилувчи қисмлар алоҳида номлар билан аталади. Уларнинг айримлари қуйидагилар.

Фаска – деталларнинг цилиндр шаклидаги кирасини конус шаклида йўнилган, ҳамда бошқа шаклдаги қиррасини ҳосил қилувчи бурчакни қия қилиб йўнилган қисми. Фаскалар ҳар хил технологик мақсадларга хизмат қилади.

Тешик – деталнинг турли шаклдаги ўйиқлари. Тешиклар бажарилишига кўра очиқ ёки бир томони ёпиқ, шаклига кўра резбали ёки резбасиз, фаскали, фаскасиз, цилиндрический, овалеский ва бошқа шаклларда бўлади.

Ариқчалар – детал сиртида турли шаклларда ва узунлидикда йўнилайдиган чукурликлар.

Қирра – детал шаклини ҳосил қилувчи текисликларнинг кесишиганди жойи.

Мустахкамлик қовурғаси – детал сиртидан юпқа девор шаклидаги читкилар.

Плита – айрим деталларнинг асосини ташкил қилувчи қисми.

Деталларнинг булардан бошқа номдаги қисмлари ҳам кўп бўлиб, ҳар бир

деталнинг шаклида қанчалик мураккаб бўлса, унинг шу шаклини ҳосил қилувчи қисмлари ҳам шунчалик кўп бўлади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Детал нима?
2. Қандай бир хил деталлардан турли машиналар ясашда фойдаланилади?
3. Стандарт деталларнинг қандай афзаликлари бор?
4. Ностандарт деталлар қайси талабларга мувофиқ ясалади?
5. Машиналарнинг қайси асосий деталларини биласиз?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Устахонага айрим станокда асбобларнинг қандай деталлардан ясалганлигини аниқланг.
3. Шу деталлардан айримларини вазифасини аниқланг.

24-§. Винтли механизм.

Ҳар бир машина бир неча механизмлардан ташкил топади. Мураккаб машиналар таркибида кўплаб механизмлар бўлади. Механизм деб харакат узатиш қурилмаси айтилади. Механизмлар ҳаракатни узатиш билан бирга ушбу ҳаракатда сарфланаётган қувватни керакли йўналишларида тақсим қилиш, ҳаракат тезлигини бошқариш, яъни уни камайтириш ва ошириш, айланма, ҳамда тўғри чизиқли ва айрим чизиқли ҳаракатларни ўзаро бир-бирига ўзгартириш, ҳаракатни бошлиш, тўхтатиш ҳамда тўлиқ ёки қисман тескари ҳаракатга ўзгартириш вазифаларини бажаради. Ҳар бир механизмни таркибида ҳаракатни узатувчи (етакчи) ва қабул қилувчи (етакланувчи) қисмлар бўлади. Механизмлар тузилишига кўра шарнир-ричагли, тишли, фирикцион, винтли ва кулачокли турларга бўлинади. Ҳар бир механизм маълум мақсадлар учун фойдаланишга мос ҳисобланади. Машиналарда кўп учрайдиган механизмлардан бири винтли механизmdir. Улар бир неча турли бўлиб, энг оддийси жуфтвинг деб аталади. Винтли жуфтвинг билан ўрнатилган гайканинг ўзаро ҳаракатга асосланган ҳолда тузилади. Винтли жуфт асосан айланма ҳаракатни тўғри чизиқли ҳаракатга ўзгартиришига хизмат қиласи. Унинг етакчи

қисми кўпинча тропециясимон стержендан, етакланувчи қисми эса шу стержендан, етакланувчи қисми эса шу стержендан винтга гайкага ўхаш холатда ўрнатиладиган турли шаклдаги деталдан иборат бўлади.

Ҳар бир тизимдаги винтли жуфтлардан токарлик ва бошқа станоклар, тиски, домкрат, прес, сув ва газ жумраклари, винтли айланма стул ва шу кабилар маълум узунлик бўйлаб икки томонга тўғри чизиқли аниқ харакат талаб қилинадиган ишларни бажаришда фойдаланилади. Шулардан масалан Б токарлик станогида фойдаланадиган винтли жуфт узатмаси қуидагича тузилади.

Етакчи стержен бўйлама харакат қилмайдиган, фақат айланма харакат қиласидиган ҳолатда махкамланган, етакланувч қисми эса шу стержендан винтга гайкага ўхаш холатда ўрнатилган сирпанчиқ шаклдаги деталдан иборат. Етакчи стержен айланганда сирпанчиқ шу стерженнинг таянч винт йўналган узунлиги бўйлаб тўғри чизиқли харакат қиласиди. Агар етакчи стержен тескари айлантирилса сирпанчиқ ҳам орқага айланади.

Бундай винтли жуфт ёрдамида сирпанчиқнинг олдинга ва орқага керакли масофага аниқ сурилиши, тўхтатилгандан кейин қўзғалмас ҳолатда туриши, секин ёки тезроқ тўғри чизиқли харакат қилиши таъминланади.

Винтли механизмнинг яъни бир тури червякли механизм хисобланади. У етакчи ўққа нисбатан тик йўналган ва бошқа бошқа текисликда ётган ўққа айланма харакатини узатишга хизмат қиласиди. Етакчи ўқнинг учидаги таянч винт йўналган, етакланувчи ўқдан тишли ғилдирак ўтилади. Унинг тишли таянч винт ариқчаларига кириб турадиган шаклда бўлади. Таянч винт ушбу тишлини учун кифоя қиласидиган узунликда бўлади. Червакни механизм катта қувватга эга айланма харакатларни узатиш учун қулай хисобланади.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Механизм нима?
2. Механизмлар қайс вазифаларни бажаради?
3. Механизмнинг асосий қисмлари қайслар?
4. Винтли жуфт нима?
5. Винтли жуфт қайси мақсадда фойдаланилади?

6. Червякли механизмлар қайси вазифани бажаради?
7. Червякли механизм қандай тузилишга эга?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Устахонада таркибида винтли механизм бўлган станок ва бошқа асбоб-ускуналарни аниқланг.

2. Ушбу ҳар бир винтли механизмни қайси вазифаларга хизмат қилишини аниқланг.

25-§. Узатмалар хақида тушунчалар.

Маълумки, машина ва механизmlарни харакатга келтириш учун энг аввало бирор энергия манбаи бўлиши керак. Бундан ташқари, механикавий узатишлар валларнинг ўзаро жойлашишига қараб, параллел, кесишган, айқаш вали турлича, узатиш сонининг ўзгаришига қараб эса узатиш сони ўзгармас, поғонали ўзгарувчан ва поғонасиз хилларга бўлинади.

Бундан ташқари ўқувчиларга узатишлартўғрисида ҳам қисқача ва етарли маълумотлар бериш зарур. Энергия манбаи сифатида ички ёнув двигатели, буғ машинаси, двигателлардан фойдаланиш мумкинлиги хақида юқорида гапириб ўтган эдик. Машинанинг иш бажарувчи органлари билан бирган энегия манбаи ўртасида муҳим вазифани бажарувчи ўзак хақида яъни узатмалар хақида фикр юритамиз.

Шундай қилиб, энергия манбаи машинанинг иш бажарувчи қисми оралиғида жойлашиб уларни ўзар боғловчи ҳамда харакат талаб қилинганидек бошқаришга имкон берувчи механизмар узатмалар деб аталади.

Машинасозлик, механикавий, электрик, гидравлик усуладардан фойдаланилади. Уларнинг энг кўп ишлатиладиган механикавий узатмалариридир. Бу узатмалар алоҳида ва бошқа тур узатмалар билан биргаликда ишлатилиши мумкин.

Механика ва узатмалар икки турга бўлинади.

1. Ишланиш хисобига ишлайдиган узатмалар (функционал тасмали узатмалар).
2. Ишлаш хисобига ишлайдиган узатмалар (тишли узатмалар).

Демак механикавий узатмаларни ташкил этувчи асосий деталлар ўзаро тегиб туради ёки эгилувчи звено 1 тасма занжир орқали боғланган бўлади.

Ишланш хисобига ишловчи узатмалар асосий деталлари (ғилдирак, шкиф ва шу кабилар) силлиқ сиртга ишлаш хисобига ишлайдиган узатмаларнинг асосий деталлари (тишли ғилдирак, червяқ ва шу кабилар) энг катта бурувчи манбанинг узатилишини таъминлайдиган тишларга эга бўлади. Узатмаларни энергия манбаидан энергияни бевосита қабул қилиб, иш бажарувчи қисмига узатувчи валл эса етакакловчи валл деб, бу валдан энергияни қабул қилиб, иш бажарувчи қисмига узатувчи валл эса етакланувчи валл деб аталади.

Агар узатма бир неча поғонали бўлса, хар бир поғонанинг манбай томонидан биринчи валли иккинчи валга нисбатан етакловчи, иккинчи валл эса поғонадаги етакланувчи валл бўлади.

Юқорида баён қилинган машинасозлик элементларини ўқувчиларга тушунтиrmай ва ўргатмай туриб уларнинг фикрлаш қобилиятларини яъни техникага оид бўлган фикрлаш қобилиятларини шакллантириш самарали натижа бермайди. Бундан ташқари ўқувчиларга узатмалар тўғрисида ҳам қисқача ва етарли маълумотлар бериш зарурдир, шунинг учун узатмалар хақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тасмали узатмалар. Тасмали узатмаларнинг энг оддийси етакловчи, етакланувчи ва уларга таранглик билан куйдирилган тасмадан иборат бўлади. Очиқ узатма да валлар бир-бирига параллел бўлади ва шкивлар бир йўналишда айланади. Тасмали узатмалар очик, айқаш ва ярим айқаш узатмалар ажralади.

Айқаш узатмаларда ҳам валлар параллел жойланади, аммо етакчи шкив масалани соат стрелкасининг харакат айланиш бўйича етакловчи шкив ва соат стрелкасининг харакат айланиш бўйича етакланувчи шкив ва стрелкасининг харакатига қарама-қарши йўналиши яъни тескари йўналишда айланади. Ярим айқаш узатиш ўқлари хар хил текисликларга бир-бирига нисбатан бурчак остида жойлашган валлар учун ишлатилади. Етакловчи шкивдан харакат ва энергия етакланувчи шкивга тасма билан шкив орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи хисобига ўзатилади. Тасманинг таранглиги, қамров бурчаги ҳамда ишқаланиш коэффиценти қанча катта бўлса, тасмали

узатмага шунча нагрузка қўйса бўлади.

Одатда, таранглик тасманинг эластик деформацияси хисобига ҳосил қилинади. Бироқ, вакт ўтиши билан тасма чузилиб қолганлигидан унинг таранглиги камаяди. Бундай ҳолларда, талаб қилинган тарангликка эришиш учун узатмалар маҳсус қурилмалар билан таъминланади. Тасманинг таранглиги роликлар ёрдамида сакланиб қолади.

Одатда, тасмали узатмалар қуввати 60 ватгача бўлган валларнинг биридан иккинчисига харакат узатишда ишлатилади. Бундай узатмалар, баъзан қуввати 1500 кватгача бўлган механизмларда ишлатилсада, бундай ҳолларда уларнинг ўлчамлари жуда катта, фойдали иш коэффиценти эса анча кичик бўлади.

Тасмали узатмаларда узатиш сони 15 гача, тезлиги эса 25 м/с гача етади. Айрим ҳолларда тезлиги 100 м/с бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ясси тасмали узатмалардаги шкивларнинг айланиш частотаси 3000 айланиш/мин га етади.

Тасмали узатмалардан машиналарда кенг кўламда фойдаланилади. Хозирги кунда тасма профиллиги кўра кўндаланг, кесми ясси, понасимон ва доира шакилда бўлган, тасма материалига кўра эса резиналанган тасмалар, чарм тасмалар, жун тасмалар ишлатилади. Станокларда, асосан чарм тасмалар ва понасимон тасмалардан фойдалинилади. Понасимон тасмали узатмалар саноатда кенг тарқалган, улар оддий бўлиб ишончли ишлайди.

Понасимон тасмаларни асосан афзаллиги уларни шкивга яхши изланиши ва нисбатан ҳам сирпанишидир. Бундай узатмалар ясси тасмали узатмага нисбатан анча ихчам бўлади. Понасимон тасмаларни узайтириш ёки қисқартириш мумкин эмас. Улар ўлчамлари стандартлаштирилган бўлиб маълум узунликда ишлаб чиқарилади. Понасимон тасмаларнинг номинал узунлиги (уларга ички параметри бўйича узунлиги 500 дан 1400 гача бўлади). Понасимон тасмалар узатадиган қувват кўзда тутиладиган айланиш частотасига қараб кесими буйича таъминланади. Энгли понасимон тасмалар табора кўп ишлатилмоқда. Бу узатмаларнинг тасмалар кийдириладиган шкивларида шу тасмаларга мослашган ариқчалар бўлади.

Занжирли узатмалар. Бир биридан узоқда жойлашган валлар орасида айланма харакатда узатиш учун тасмали узатмалардан ташқари, занжирли узатмалар ҳам ишлатилади. Занжирли узатма маҳсус тузилишдаги тишли иккита ғилдирак ва уларга кийдирилган чексиз занжирдан тузилган бўлади.

Бундай узатмаларни тасмали узатмалардан фарқи занжир сирпанмайди. Бундан ташқари ундан валлар орасидаги масофа кичик бўлган узатмалардан ва узатиш нисбати анча катта бўлган узатмаларда ҳам фойдаланиш мумкин. Занжирда узатмалар от кучининг юздан бир улушидан тортиб то мингларча от кучига тенг бўлган қувватларни катта тезликларда 30 м/с гача ва узатиш сони 15 бўлганда ҳам бемалол ишлай олади. Айрим холларда занжирли узатмаларнинг фойдали иш коэффициенти Ф.И.К. 0,9 ни таш кил этади. Машинасозликда бир қаторли ва кўп қаторли ҳамда ролликли занжирлар энг кўп тарқалган. Ролликли занжирлар 18 м/с гача тезликда ишлай олади.

Фрикцион узатмалар. Фрикцион узатмалар айланма харакат етакчи звенодан етаклануучи звенога бир-бирига сиқиб қўйилган цилиндрик ёки конуссимон силлиқ ғилдираклар, дисклар, катаклар ёрдамида узатилади.

Етакловчи валл айланганда ғилдиракларнинг жипслашган жойида ишқаланиш кучи ҳосил бўлади. Бу куч етакланувчи ғилдиракни айлантиради. Кўрсатилганидек, фрикцион узатмалан параллел валлар харакатини кеситувчи валларни биридан иккинчисига ҳаракат узатиш лозим бўлса, у ҳолда конуссимон ғилдиракдан фойданилади.

Фрикцион узатмалардан винтли пресслар ва бошқа бир қатор машиналарда фойданилади, фрикцион узатма ғилдираклари орасида сирғанишни камайтириши мақсадида, зарур ишқаланиш қучини ташлашни таъминлаш учун ғилдиракларнинг сиртига чарм, ризинка, прессланган қофоз, ёғоч каби материаллар кесилади.

Ишқаланувчи ғилдираклардан бирининг радиуси ўзгарадиган қилинса у ҳолда узатиш сони ўзгарувчан фрикцион узатиш ҳосил бўлади. Бундай узатмалар вариаторлар деб аталади. Узатиш сони ўзгармас бўлган фрикцион

узатмалар машинасозликда кўп ишлатилмайди, чунки, улар тишли узатмаларга қараганда заифроқ ишлайди. Бироқ иш жараёнида етакланувчи

валл харакатини поғонаси бир теккис ўзгартириш зарур булган ҳолларда вариаторлардан фойдаланган маъқулроқ.

Вариаторлар воситасидан етакланувчи валларнинг харакатини ўзгартириш учун биринчи ғилдирак ўз ўқи бўйича сирғитилади. Агар етакланувчи валлнинг харакат йуналишини ўзгартириш зарур бўлса, биринчи ғилдирак ўқ бўйлаб сурилади, етакланувчи валл ўқидан чап томонга ўтказилади. Демак, биринчи ғилдирак ўз ўқи бўйлаб иккинчи ғилдирак четидан марказгача томон силжир экан, етакланувчи валлнинг тезлиги ортиб боради. Биринчи ғилдирак марказдан чапга томон сурилса, етакланувчи валлнинг тезлиги камая боради.

Тишли узатмалар. Тишли узатмалар саноат жихозларининг деярли ҳам маънигиш бирликмаларида бўлади. Шунингдек, тишли узатмалар ёрдамида буровчи моменталарини ўзгартириш имконияти мавжуд. Тишли узатмада харакат бир жуфт ғилдираклар ёрдамида узатилади. Ўқувчиларни машина механизмлари ва машина деталлари ҳамда айланма харакат узатувчи механизмлар жумладан узатмалар хақида билимлар бериш билан фикрлаш қобилиятларини ўстириш мақсадида бир неча масалалар ечиш ва уларни асл мохиятига тушуниб олишлари учун бир неча материаллардан турли деталлардан кинематик схемалардан ҳамда техник расмлардан кўпроқ ана шу мавзуни ўтишда фойдаланиш зарур. Амалда тишли ғилдиракларнинг кичигина "шестерна" деб, каттасини эса, ғилдирак деб аташ қабул қилинган. "Тишли ғилдирак" атамани шестренага ҳам ғилдиракка ҳам тегишли цилинрик- "а", конуссимон- "б", червякли-в", винтли- "г" тишли узатмалар бўлади.

Тишларнинг профелига кўра тишли узатмалар эвалент ва циклоиз узатмаларга киради.

Червяклар эса архимент, эвалент янги ишланмаси қийшиқ тишлар учунгина ярайди ва жуда чидамли бўлганлиги сабабли истиқболли хисобланади.

Циклоин ишланмадан прибор ва соатларда фойдаланилади. Тўғри, илм ва шахрон тегишли цлиндоки ғилдиракли узатмалар рақами.

Параллел жойлашган узатмаларда қўлланилади, улар валларга ажралмас ва қўзғалмас қилиб ўрнатилади. Қия тишли ғилдираклар валларга факат

күзғалмайдыган қилиб ўрнатылади. Қия тишли ғилдираклар ишланаётгандың бўйлама босим вужудга келади. Бундай боқични бартараф қилиш учун эса қия тишли ғилдираклар ўрнида севрон тишли ғилдиракдан махсус станокларда битта заготовкадан яхлит қилиб ясалади. Шеврон тишли ғилдираклар бошқа ғилдираклардан анча муетахкамлилиги билан фарқ қиласиди. Улар тишли узатмага иш вақтида зарблар силтанишлар таъсир этадиган перситад катта қувватларни узатиш учун ишлатылади.

Бу ғилдираклар ҳам валларга қўзғалмас қилиб ўрнатылади.

Валларнинг геометрик усуллари ихтиёрий бурчак билан кесишган ҳолларда конуссимон ғилдираклардан фойдаланилади. Конуссимон ғилдиракларни тайёрлаш цилиндрик ғилдиракларни тайёрлашга қараганда бирмунча мураккаб бўлиб, тишилар учун махсус асбоб воситалардан фойдаланишга тўғри келади. Конуссимон ғилдиракларни тишлаб етилган билан йиғиш ҳам қийин. Конуссимон тишли ғилдираклар тишларнинг шаклига кўра тўғри тишли, қия тишли ва доиравий профил тишли ғилдиракларга ажратылади.

Червякли узатмалар. Валларнинг ўқлари бўлган ҳолларда кузатылади. Червякли узатмалар катта узатиш сонини ҳосил қилишга имкон бергани учун улар етакланувчи ва унча катта бўлмаган доира билан айланиши бўлган ҳолларда ишланади. Червякли узатмаларни тишли узатмаларга қараганда кичикроқ жойини эгаллаши мухим аҳам иятга эга. Червякли узатма етакчи валлга ўтказиладиган ёки бу билан якка қилиб тайёрланган червяк ва етакланувчи валлга махкамланган червяк ғилдираклардан ташкил топган бўлади.

Юқоридаги билимларни пухта эгаллаш турли туман ва анча мураккаб замонавий техника бўйича дарс бўла олади. Механизмлар хақида берилган чукур маълумот билан бирга ўқувчиларга ҳар-хил узатмалар мавжуд бўлган расм дарси, кинематик схемаларни кўрсатиб улар хақида ҳам берилган маълумотларига боғлик.

Ўқувчиларни машина механизмлари ва машина деталлари ҳамда айланма харакат узатувчи механизмлар жумладан узатмалар хақида билим бериш билан бирга фикрлаш қобилияtlарини ўстириш мақсадида бир неча масалалар ечиш

ва уларни асл мохиятига тушуниб олишлари учун бир неча моддалардан, натурал деталлардан кинематик, ехемалардан ҳамда техник расмлардан қўпроқ аниқ мавзуни утишда фойдаланиш зарур.

(II -Қисм)

**ЁГОЧЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
IV-БОБ.**

СТАНОКЛАР

26-§. Станоклар асосий элементларининг характеристикалари

Ёғочга ишлов бериш станокларининг конструкцияси уларнинг бажарадиган ишига боғлиқ. Баъзи станоклар ёғочни арралаш учун, яна бири - рандалаш учун, бошқалари-пармалаб, тешиш ва ҳоказолар учун ишлатилади. Бироқ станоклар тузилиши жиҳатдан бир-биридаи фарқ қилгани билан уларнинг конструктив элементлари бир хил вазифани бажаради: станиналар, столлар ёки кареткалар деталлар учун база бўлиб хизмат қиласди, узеллари эса кесиш асбобини маҳкамлаш ва иш вақтида асбоб ёки заготовкага ҳаракат узатиш учун хизмат қиласди. Станоклариинг конструкциясини ўзгартириш уларнинг элементлари конструкциясининг принципиал ўзгаришига ҳамма вақт ҳам сабаб бўлавермайди. Шунга кўра станокларнинг қисмларини билиш янги конструкциядаги станоклар ва автоматик линияларни тез ўзлаштиришга имкон беради.

Станокларнинг элементлари асосий ва ёрдамчи элементларга ажратилади. Асосий элементлар жумласига станиналар, суппортлар, иш органлари, суриш механизмлари, юритмалар, бошқариш органлари, таянч ва йўналтирувчи қурилмалар, қисқичлар, сиқиши мосламалари ва тираклар киради. Кесиш асбобини чархлаш, станокни созлаш, ростлаш ва мойлаш, чиқинидан халос қилиш учун мўлжалланган қурилмалар ёрдамчи элементлар бўлиб ҳисобланади. Кўпгина станоклар станок ёнига ўрнатиладиган механизмлар - заготовка билаи таъминлаб турувчи ва тахлаш қурилмалари билан жиҳозланади бироқ айтиб ўтилган элементлар комплекси билан ҳамма станоклар ҳам жиҳозланавермайди.

Станина станокнинг асоси бўлиб, барча узеллар ва деталлар

станинага маҳкамланади. Станина станокнинг айрим элементлари ўртасида таъсир кучларини, титрама нагрузкаларни ҳамда ишлов берилаётган материал нагрузкасини қабул қиласи.


Станиналар қуйиб ва пайвандлаб тайёрланган бўлиши мумкин. Уларни ичини қавак қилиб, кесими, одатда, қутисимон, шу билан бирга, зарур бўлган турғунликни таъминлаб тайёрланади. Станиналарнинг шакли ва ўлчамларн станокнинг вазифасига ҳамда конструкциясига боғлиқ.

Кесиш асбоблари айланадиган станокларнинг иш органлари шпинделлари, пичоқлар ва арралар ўрнатиладиган валлари ана шу асбобларни маҳкамлаш ва айлантириш учун ҳизмат қиласи. Кесиш асбоби илгарилама ҳаракат қиласидан станокларда иш органлари ё кесиш асбобини маҳкамлаш учун, ёки уни маҳкамлаш ва унга тўғри чизиқли кесиш ҳаракатини узатиш, ё бўлмаса тўғри йўналишда суриш учун мўлжалланган. Ўлабур аррали ва жилвирлаш тасмали станокларнинг иш органлари - шкивлари айланади, кесиш асбоби, яъни ғўлабур араси ёки жилвирлаш тасмаси заготовкага нисбатан илгарилама ҳаракат қиласи.

27-§. Ёғочга ишлов бериш токарлик станоклари.

Токарлик иши деб ёғочдан тайёрланадиган буюмни ўзи ўқи атрофида айлантириш орқали унинг сиртини йўниб ишлов бериш усулинни айтилади. Бу усуlda тайёрланган маҳсулотлар токарлик буюмлари ёки деталлари дейилади. Бу ишлар маҳсус токарлик станоклари ёрдамида бажарилади. Улар ёрдамида ёғочга цилиндр, конус, шар ва бошқа айланма сиртлар шаклида ишлов берилади. Мактаб устахонасида СТД-120 русумидаги ёғочга ишлов бериш токарлик станогининг умумий тузилиши 25-расмда тасвирланган. Бу станок қуидаги асосий қисмлардан ташкил топган. 1-асос, 2-двигател, 3-тасмали узатманинг химоя тўсиғи, 4-станина, 5-магнитни ишга туширгич, 6-ёритгич, 7-олдинги бабка, 8-шаффоф химоя ойнаси. Бу станок ишлов бериладиган материални олдинги бабканинг планшайбаси маркази билан орқа бабканинг ўрта тишли маркази орасига маҳкам ўрнатилади. Бунда орқа бабканинг корпусини станинанинг йўналтирувчи бўйлаб ишлов берилаётган материал узунлигига мувофиқ суриб, керакли жойга маҳкамланади. Планшайба ишлов

берилаётган буюмни олдинги бабкада болтлар ва қисқичлар ёрдамида ўрнатиш мосламаси бўлган дискдан иборат.



25-расм. СТД-120 русумидаги ёғочга ишлов бериш токарлик станоги.

1-асос, 2-двигател, 3-тасмали узатманинг химоя тўсиги, 4-станина, 5-магнитни ишга туширгич, 6-ёритгич, 7-олдинги бабка, 8-шаффофф химоя ойнаси, 9-тутқич, 10-орқа бапка, 11-химоя тўсиги, 12-асос оёғи.

Бу станокнинг асосий детали станина бўлиб у иккита таянчга ўрнатилган. Станина олдинги ва орқа бабка ва кескичлар ўрнатиш учун тутқичли таянч ўрнатилган. Станокада материални куйиш соҳасидан иборат иш майдонихимоя экрани билан ўралган. Станокнинг чап томонидан электродвигател ва магнитли ишга туширгич ўрнатилган.

Электродвигателнинг шкивидан айланма харакатни бабканинг икки поғонали шкивига понасимон кесимли тасма орқали узатилади. Одинги бабка материални мустахкам ўрнатиш ва унинг айланма ҳаракат қилишни таъминлаш учун хизмат қилади.

Хавсизлик қоидалари.

Бу станокни дастлабки машқларда факат ўқитувчининг зарур текширувларидан кейин, унинг рухсати билан ҳамда узлуксиз назорати остида ишлатишга рухсат берилади. Бу қоидага станокни бошқариш ва унда хавфсиз ишлаш кўникмаларини мукаммал ўзлаштиргунча қатъий риоя қилиш шарт.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Токарлик иши деб нимага айтилади?
2. Ёғочга ишлов бериш токарлик станогининг асосий қисмлари қайсилар?
3. Олдинги бабка нима учун хизмат қиласы?
4. Планшайба нима?
5. Кескич таянчи нима учун хизмат қиласы?
6. Қандай холатда орқа бабкадан фойдаланилади?
7. Қайси хавсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт?

Мазкур топшириқларга биноан ўқувчилар учун амалий иш ва уйга вазифа тайёрланг.

1. Ёғочга ишлов бериш токарлик станоги қисмлари тузилиши ва бажариладиган вазифасини ўрганиб чиқинг.
2. Станокда ишлатиладиган кескичларни шаклини, улар билан бажариладиган ишларни ҳамда уларни станокка ўрганиш қоидаларини ўқитувчи томонидан қўрсатилади.

28-§. Диск аррали универсал Ц6-2 станоги

Конструкцияси. Диск аррали универсал Ц6-2 станоги (26-расм) тахта, бруск ва шчитларни бўйламасига ва кўндалангига арралаш учун мўлжаллангаи. Станокнинг станицаси қутисимон қилиб қуиб ясалган. Станица ичидаги ўзаро боғланган ва станицага шарнирли маҳкамланган иккита плита 7 га подшипникларда арралар вали 1 ва электр двигатель 8 ўрнатилган. Электр двигатель билан арралар вали понасимон тасмалардан иборат узатма ёрдамида ўзаро кинематик боғланган.


Арралар вали ҳамда электр двигателнинг вертикал сиртидаги вазиятини маҳовикча 6 билан ўзгартириш мумкин; маҳовикча юқори плитага маҳкамлангаи гайкали винт билан боғлиқ. Плиталарни ўзаро боғловчи штанганинг узунлигини ўзгартириш йўли билан тасмаларнинг таранглигини ростлаш мумкин.

Стол 2 нинг арра учун мўлжалланган дарчаси ва тирак учбурчаклик 3 силжийдиган кўндаланг паз бор.

Иўналтирувчи линейка 5 ва диск арранинг тўсиғи 4 столга маҳкамлапган.

Иш режимини танлаш. Ихтисослаштирилган диск аррали станоклар учун иш режими қандай танланса, бу станок учун хам худди шундай танланади.

Тахта ва заготовкаларни бўйламасига ёки толалар йўналишига нисбатан 30° гача бурчак остида арралаш учун иш режими бўйламасига арралаш вақтидаги каби, бошқа ҳолларда эса кўндалангига арралаш вақтидаги каби танланади.



26- расм. Диск аррали универсал Ц6- 2 станоги:

а — умумий кўриниши, б — кинематик схемаси; 1 — арралар вали, 2 — стол, 3 — суриладиган тирак учбурчаклик, 4 — тўсиқ, 5—йўналтирувчи линейка, 5 —аррани баландлик бўйича ростлаш маҳовикчаси, 7 — плита, а — электр двигатель

Ц6-2 станогининг техник характеристикаси


Заготовкаларнинг энг катта ўлчамлари, мм:

қалинлиги	130
эни	400
Арранинг энг катта диаметри, мм.....	500
Арранинг айланиш частотаси, айл/мин.....	3000
Электр двигателнинг қуввати, к-Вт	4
Габарит ўлчамлари, мм:	
узунлигн.....	1310
эни	890
баландлиги	Ц50
Массаси, кг	700

Станокни созлаш. Ц6-2 станогидан материални бўйламасига арралаш учун фойдаланилганда диск аррани шундай ўрнатиш керакки, у стол тепасидан материалнинг қалинлиги плюс 10...15 мм баландда бўлсин.

Станок заготовканинг энига қўйидагича мосланади: йўналтирувчи линейка диск арага аниқ параллел қилиб, ундан заготовканинг эни плюс 0,5 мм (яси аппа ишлатилганда) масофада ўрнатилади. Материалдан бир-икки заготовка кесиб олингач, заготовкаларнинг устки ва остки сиртларининг кенглиги (торецдан 30 ... 40 мм масофада) тўрт жойидан текширилади. Агар текшириб қўрилган ўлчамлар берилган ўлчамдан қўзда тутилган йўл қўйилиши мумкин бўлгаи катталикка фарқ қилса, станок тўғри созланган ҳисобланади. Агар заготовканинг устки ва остки сиртларининг кенглиги турлича бўлса, қирқиб олинадиган заготовканинг икки энидан кенгроқ тахта танланади. Кейинчалик ён база сифатида фойдаланиш учун тахта бир марта арралангандан кейин ағдариб қўйилади, шунда унинг остки сирти устки томонда бўлади (27-расм, а,б). Иккинчи марта арралагандан кейин заготовканинг остки ва устки сиртларининг кенглиги яна текширилади; агар иккала сиртнинг кенгликлари бир-бирига мос бўлса, нуқсон келиб чиқишига станокнинг яхши созланмаганлиги эмас, балки база ён қирранинг остки ва устки сиртларга ёки аппа сиртининг стол 4 сиртига перпендикуляр эмаслиги сабаб бўлади. Заготовканинг остки ва устки сиртлари кенглигининг бир-биридан фарқ қилиши арралар валининг қийшиқлигидан далолат беради. Бу ҳолда арралар валини столга нисбатан

параллел ўрнатиш керак, бу иш билан созловчи-чилангар шуғулланади.




27-расм. Арранинг столга ва линейкага нисбатан турши вазияти:

а, б — арралар вали стол сиртига параллел бўлмагандан, в, г— линейка диск appa текислигига параллел бўлмагандан, I, II—заготовканинг устки ва остки катлами; 1 — диск appa, 2 — заготовка, 3 — йўналтирувчи линейка, 4 — стол

Агар йўналтирувчи линейка 3 appa текислигига параллел бўлмаса, заготовка 2 йўналтирувчи линейка 3 дан четга оғади. (27-расм, в) ёки appa диски билан линейка орасида сиқилиб қолади (27-расм, г). Бу ҳолларнинг иккаласида хам арраланган сиртнинг ғадир-будурлиги ошиб кетади, арра қизийди, заготовканинг қирралари ўзаро параллел бўлмайди. Бу нуқсонни бартараф қилиш учун йўналтирувчи линейкани маҳкамлаб турган винтларни бураб бўшатиб, линейкани appa дискига нисбатан параллел ўрнатиш, кейин винтларни яна бураб маҳкамлаш зарур.

Станокда ишлаш. Торец сиртга ишлов берганда станокчи арраланадиган материални тирак учбурчакликка жипс теккизиб турган ҳолда, йўналтирувчи линейкага тақалгунча суради (бунда материал билан бирга учбурчаклик ҳам сурилади) ва материалдан заготовка кесиб олинади. Кесилган заготовка бункерга ташланади, арраланаётган материал эса тирак учбурчаклик билан бирга дастлабки ҳолатга қайтади.



28- расм. Қистирма қўйиб бўйламасига арралаш схемаси:

1 - тахта, 2- аппа, 3- қистирма , 4- йўналтирувчи линейка (диск арранинг тўсифи ва заготовканинг станокдан отилиб чиқишига йўл қўймайдиган мослама кўрсатилмаган)


Бўйламасига арралашда станок бир марта созланганча эни турлича бўлган заготовкалар кесиб олинади. Бунда йўналтирувчи линейка 4 (28-расм), энли қистирмалар 3 дан фойдаланиб, энлироқ заготовканинг энига мослаб ўрнатилади. Тахта 1 дан кенглиги ҳар хил заготовкалар кесиб олишда бир йўла битта ёки иккита қистирмадан фойдаланиш тавсия этилади.

Иш жараёнида бракка йўл қўймаслик учун, кесиб олинаётган заготовкаларнинг қўйилган талабларга мослигини вақт-вақти билан текшириш керак.

Заготовка дастаки сурладигап Ц-6 станогида ишлагандан пона-пичоқ, тўсиқлар ва заготовкаларнинг станокдан чиқиб кетишига йўл қўймайдиган тирак (тирнок) лар станокка ўрнатилган бўлиши шарт. Пона-пичноқнинг қалинлиги аппа тишларининг очилиш кенглигидан 0,5 мм ортиқроқ бўлиши, пичноқнинг аппа тишларидан узоқлиги эса 10 мм дан ошмаслиги лозим. Пона-пичноқ диск аппа сиртида силжитилади ва аппа тишларига даста ёки маҳовикча ёрдамида яқинлаштирилади ёки улардан узоклаштирилади. Тираклар арранинг ҳар икки томонига ўрнатилади. Қисқа заготовкалар 1 ни қиясига арралаганда (28- расм) маҳсус мослама 2 дан фойдаланилади.

Арранинг устки қисмини түсиб турувчи түсиклар автоматик равища пастга тушиб, арранинг ёғочга кириб турган тишларинигина очық қолдириши лозим.

Арра диски арраланаётган жойнинг охирига етайдеганда заготовкани қўлда суриш қатъий тақиқланади; бундай вақтда заготовкани навбатдаги заготовка билан ёки маҳсус ёғоч ёрдамида суриш керак. Арра ишлаб турганда уни қўлда ёки бир парча ёғоч билан тўхтатиш, тўсигини кўтариш ёки олиб қўйиш, станокни ёки арра кириб турадиган тирқишини тозалаш ҳам тақиқланади.



29- расм. Қисқа заготовкаларни қиясига арралаш схемаси:

1 — заготовка, 2 — маҳсус мослама.

29-§. Дискли станокнинг иш органалри ва суриш

механизмлари

Арра вали.

Арра вали диск аррали ва агрегат станокларнинг иш органи ҳисобланади. Арра вали (30-расм, а) корпуслар 2 га ўрнатилган иккита шарикли подшипник 3 да айланади, вал станокнинг таянч қисмига (масалан, станинага) шу корпуслар ёрдамида ўрнатилади.

Валнинг бир учиға шкив 1 маҳкамланган; электр двигателнинг айланиш ҳаракати шу шкивга кийгизилган тасма орқали валга узатилади. Валнинг иккинчи учиға диск арра 5 маҳсус шайбалар 6 ва 4 орасига олиниб, гайка 7 ёрдамида сиқиб қўйилган.


Шайба 4 валга, одатда, призматик шпонка ёрдамида қўзғалмас қилиб,

шайба б эса сирпанадиган қилиб ўрнатилади.

Шайба билан диск аррани сиқиб турувчи гайка 7 диск арранинг айланиш томонига тескари йўналишда бураб маҳкамланиши лозим, шунда у иш жараёнида буралиб бўшамайдц. Шу боисдан appa валининг учидаги резьбаси валнинг қайси томонга айланишига қараб ўнг резьба ёки чап резьба бўлиши мумкин.


Диск аррали станокларнинг баъзи (мувозанатловчи ва торцавий маятники) конструкцияларида appa вали шарикли подшипникларининг ҳар иккала корпуси яхлит қуйилган бўлади ва станинага шарнирли маҳкамланади ёки кўзғалмас ўқда буриладиган яхлит рамкадан иборат бўлади.

ЦДК-5 ва ЦМР-2 типидаги кўп аррали станокларда тахталар ёки заготовкалар бир ўтишда бир неча қисмга кесилади. Appa вали 10 (30-расм, б) қўйма корпус 13 га маҳкамланган подшипникларда ўрнатилади; корпуснинг торецлари фланецлар 12 ва 15 билан беркитилган. Валнинг бир учига уни тасмали узатма орқали электр двигателга улайдиган шкив 16 ўтқазилган. Шпонка 17



30-расм. Бир аррали (а) ва кўп аррали (б) станоклардаги арралар валининг йигилган ҳолати:

1,16 - шкивлар, 2, 13- корпуслар, 3 - шарикли подшипник 4, 6 - шайбалар, 5 - диск аррала, 7 - гайка, 8 - втулка, 9 — шпилька , 10 — арралар вали, 11 — оралик ҳалқа, 12, 15 — фланецлар, 14, 18 - чиқиқлар 17 — шпонка.



31-расм. Электр двигателларни станокларга суппорт ёрдамида маҳкамлаш:

а — червякли узатма билан, б — шестерня-рейкали механизм билан; 1-станина, 2 — электр двигателни баландлик бўйича ростлайдиган механизм маҳовикчаси, 3 — аппа, 4 — электр двигатель, 5 —аррани қия ўрнатиш маҳовикчаси, в - электр двигатель қўзгалувчан механизмининг маҳовикчаси, 7-суппортнинг қўзгалувчан қисми, 8 — винт, 9 — созлаш вақтида суппорт суриладиган йўналтиргичлар, 10-шестерня-рейкали механизм, 11- маҳовикча

ҳамда болтли торцевий шайба шкив 16 ни валда қўзғатмай қўяди. Валнинг иккинчи учига арралар 5 ўрнатилиб, шайба 6 ва гайка 7 билан маҳкамланади. Арралар валга бевосита маҳкамланиши билан бирга, маҳсус оправка-втулка 8 га ҳам бириктирилган бўлади; втулка сирпанувчан шпонкада вал бўйича сурилади. Шпилька 9 ли ҳалқалар 11 арралар оралигининг ўзгаришига йўл қўймайди. Чиқиқлар 18 вални станинага шарнирли маҳкамлаш учун, чиқиқ 14 ёрдамида эса вал ўрнатилган корпусни арранинг вазиятини баландлиги бўйича ўзгартириб бурилади.

Диск аррали ва агрегат станокларининг кўпчилигидаги электр двигатель вали айни вақтда аппа вали вазифасини ҳам бажаради. Бу эса таянчларни қисқартириш ва тасмали узатмани йўқотиш ҳисобига станокларнинг конструкциясини соддалаштириш имконини беради. 23-расмда электр двигателларни бириктиришга икки мисол келтирилган. Станокларнинг баъзи конструкцияларида (31-расм, а) станина 1 га аппа 3 ни заготовкага

нисбатан муайян бурчак остида ўрнатиш мумкин. Бунинг учун станок конструкциясига маховикчаси 5 бўлган червякли узатма киритилган, бу узатманинг ғиддираги электр двигатель 4 маҳкамланган плита билан боғланган. Электр двигатель горизонтал текисликда маховикча 6 ли винт ёрдамида 100 мм чегара силжитилади. Агар силжиш 100 мм дан ортса, конструкцияга винт ўрнига маховикчаси 11 бўлган шестерня-рейкали механизм 10 киритилади (31-расм, б).

Узунчоқ шаклдаги (статорнинг диаметрини қисқартириш учун) электр двигатель суппортнинг ҳаракатланадиган элементи 7 га маҳкамланади, бу элемент йўналтирувчи 9 бўйича сурилади.

Электр двигателни вертикал текисликда суриш учун маховикча 2 ли винтдан фойдаланилади.


Пичоқлар вали

Ёғочга узунасига фрезалаш усулида ишлов берадиган станокларда, чунончи: рандалаш станоги, рейсмусли станок, тўрт томонлама бўйламасига фрезалаш-рандалаш станогида пичоқлар вали ишлатилади.

Пичоқлар вали 2 пўлатдан ясалади (32-расм, а). Валнинг конструкцияси унга пичоқлар 5 ни ўрнатиш ва уларни айланма ҳаракатлаитириш нмконини беради. Валда пичоқлар жойлашадиган пазлар ва уларни маҳкамлайдиган қурилмалар бўлади. Валнинг чекка учларида бўйинлар бор, вал шу бўйинларга подшипниклар 3 да ўрнатилади. Валнинг бир учига маҳкамланган шкив 1 валга айланма ҳаракат узатади. Баъзан шкив ўрнида яrim муфта бўлади; яrim муфта пичоқлар валини электр двигатель валига бевосита улади. Бунда электр двигатель валининг ўқи билан пичоқлар валининг ўқи ўқдош бўлиши лозим.

СР6-8 типидаги рейсмусли станокларда пичоқлар вали (32-расм, б) ўроқсимон ясси пичоқлар ўрнатилади; бу пичоқларнинг тифи валнинг цилиндрик сиртида винт чизиқлари бўйлаб жойлашган. Ўроқсимон пичоқларнинг тифлари йўниладиган ёғочга деярли ҳамма вақт жуда кам тегиб турганлигидан, бундай пичоқлар вали бошқа валлардан равон ишлаши билан ажралиб туради. Бундай пичоқлар билан ишлов берилган сиртларда

гадир-будурлар кам бўлади.




32-расм. Пичоқлар вали:

а — пичоқлар тўғри чизиқли йўналишда жойлашган 6 — пичоқлар

винт чизик бўйича жойлашган; 1 — шкив, 2 — вал, 3 — подшипник, 4-пичноқ

Пичоқлар вали бир минутда 6000 марта ва бундан кўп айланади, шунга кўра вал ҳамда пичоқлар шундай мувозанатланадики, валнинг қарама-қарши томонларига ўрнатилган икки пичоқнинг оғирлик марказлари айланиш ўқидан баравар масофада жойлашган бўлади. Акс ҳолда мувозанати бузилган марказдан қочувчи кучлар пайдо булиб, кучли вибрация пайдо бўлади, бу эса иш сифатининг пасайишига ҳамда станок элементларининг синишига сабаб бўлади.

Пичоқлар вали бир, икки ва бундан кўп пичоқлар жуфтини ўрнатишга мўлжалланган. Пичоқларни ўрнатиш усуллари 32-расмда кўрсатилган. Пичоқлар 3 валдаги пазларга ўрнатилган. Ҳар бир пичноқ пазнинг девори билан понасимон вкладиш 4 орасига болтлар 5 билан сиқиб қўйилган; болтлар вкладишлардан буралиб чиққанда каллаклари билан пазнинг қарама-қарши



33-расм. Пичоқларни винтлар (а) ва пружиналар (б) ёрдамида суриш усуллари.


1-тирак планка, 2-винт, 3- пичоқ, 4- понасимон вкладиш, 5-пружина.

томондаги пичоққа тақалади. Пичоқни бир текисда сиқиб қўйиш учун валнинг узунлиги бўйича бир неча болт билан сиқиб қўйиш кўзда тутилган.

Ўтмаслашган пичоқни алмаштириш учун ҳамма болтлар бўшатилиб пичоқ олинади ва ўрнига ўткир пичоқ қўйилади, сўнгра валнинг ўртасидаги болтдан бошлиб барча болтлар бир неча приёмда буралиб, пичоқ қаттиқ сиқиб қўйилади. Пичоқ тифининг вазиятини ўзгартириш учун, пичоқни валга ўрнатишда ё тирак планка 1 ли винтлар 2 (33-расм, а), ёки пружипалар 6 (33-расм, б) ишлатилади.

Диск арралар

Диск аррали станокларда диаметри 800 мм гача ва қалинлиги 2,5 мм гача бўлган диск арралар ишлатилади. Формат станокларга арралардан ташқари, фрезалар ҳам ўрнатилади. Диск арралар профилига кўра бутун қирқими бўйича қалинлиги бир хил бўлган (34-расм, б) ясси дискдан иборат (34-расм, а) ва четлари қалинроқ, ўртаси юпқароқ диск кўринишида (34-расм, в) бўлади.



34-расм. Диск арралар.

а-умумий күрриниши; б-ясси арранинг профили, в-рандалаш аррасининг профили, г-қаттиқ қотишмадан иборат пластинкали тиш.


Четлари калинроқ арралар рандалайдиган арра деб аталади. Ёғоч-киринди плиталар, фанерлар, қопламали шчитлардан заготовкалар қирқиши, баъзан ғўла ёғочларни арралаш учун ҳам тишларига қаттиқ қотишма пластинкалар кавшарланган диск арралар (34-расм, г) ишлатилади. Бундай арраларнинг тишлари легирланган пўлатдан қилинган арра тишларига нисбатан 30...40 марта чидамлироқ. Тишларига қаттиқ қотишма пластинкалар қопланган арраларни қайта чархлаганда арранинг диаметри жуда кам кичраяди. Қаттиқ қотишма пластинкали диск арра билан арралашдан ҳосил бўлган тирқиши оддий аррадан ҳосил бўлган издан энлироқ бўлади, лекин бунинг (хусусан тахта фанерларни бичишида) аҳамияти йўқ, бундан ташқари, қаттиқ қотишма пластинкали арралар ишга тайёрланганда (пластинкаларни кавшарлаб ёпиширгандан кейин уларнинг ён қирралари жилвирланганда) арраланган сирт сифати юқори бўлади, бу эса қипиқча чикиб исроф бўлган ёғоч ўрнини қоплади.

Диск арра тишларининг учлари бўйлаб ўтган айлана диаметрига диск арранинг ташқи диаметри D дейилади. Ҳар бир диск арранинг марказида валга кийгизиладиган тешик бўлади. Тешикнинг диаметри диск арранинг ички диаметри d деб аталади, у арра валининг диаметрига мос бўлиши керак. Арра вали билан тешик орасидаги зазор 0,1 мм дан катта бўлмаслиги лозим.

30-§. Шпиндели пастга жойлашган фрезалаш станоклари

Конструкцияси. Шпиндели пастга жойлашган, заготовка қўлда

сураладиган бир шпинделли фрезалаш станоги (35-расм) станина 1 ва шпинделдан ташкил топган шпиндель станинага суппорт 2 ёрдамида маҳкамланган. Шпинделни вертикал йўналишда суреб ростлаш мақсадида маҳовикча 3 дан фойдаланилади. Станок столи 4 қўйиб ясалган, унда йўналтирувчи линейка 5 ни



35-расм. Бир шпинделли ФС станоги:

1-станина, 2-супорт, 3- шпинделни кўтариш маҳовикчаси, 4-стол, 5- олинадиган йўналтирувчи линейкалар, 6- қайтарма подшипники кронштейн, 7- қабул воронкаси, 3—маҳовикча.


маҳкамлаш учун пазлар бор. Фрезалар жуда қалин заготовкага ишлов беришга мўлжалланган бўлса, шпиндель насадкаси учун кронштейн 6 қўшимча таянч билан таъминланади. Қириндилар эксгаустер қурилмаси тармоғига уланган қабул воронкаси 7 орқали чиқариб ташланади. Тасмалар маҳовикча 5 ёрдамида тарангланади.

Шпиндель злектр двигателга ясси тасмали узатма воситасида уланган. Шпинделга маҳкамланган шкив узунчоқ шаклда ясалган бўлиб, злектр двигателнинг вазиятини ўзгартирмай, шпинделнинг вазиятини баландлик бўйича ўзгартириш имконини беради. Заготовкани тўғри чизиқ йўналишида фрезалаш учун станок автоматик сургич билан жиҳозланган.

36-расмда заготовка шпинделга харакатланадиган қилиб бириктирилган юлдузча ёрдамида сураладиган фрезалаш станогининг

кинематик схемаси берилган. Юлдузчалар блоки 7 шарикли подшипникларида бириктирилган ва шпинделдан мустақил равишда айланади. Ишлов бериладиган заготовкани цулагага қўйиб, унга маҳкамланади. Цулага ён сиртининг бир қисми копир вазифасини бажаради; бу қисмга втулка-роликли занжир ёки блок 7 нинг устки юлдузчаси тишларига мос тешиклар тешилган лента маҳкамланган. Станокнинг иш процессида устки юлдузча занжир билан тишлишиб, заготовка қўйилган цулагани кесиш асбоби бўйлаб суради. Уни блокнинг ости юлдузчаси ҳаракатлантиради, ости юлдузча суриш механизмининг юритмасига занжирли узатма ёрдамида уланган; суриш механизми электр двигателъ 10, червякли редуктор 9 ва шестерняли узатма 8 ни ўз ичига олади. Суриш механизмининг конструкциясида шаблонга икки хил ҳаракат узатиш, чунончи заготовканинг бир томонига ишлов берганда тўғри чизиқли ҳаракат узатиш, заготовкага контури бўйича ишлов берганда эса айланма ҳаракат узатиш кўзда тутилган.

Контури доиравий шаклда бўлган деталга ишлов беришда шаблоннинг айланиш ўқи қўзғалмас бўлиши лозим. Бошқа ҳолларнинг ҳаммасида эгри чизиқли заготовкалар контурининг нуқталари фреза ҳосил қиласидаган кесиш айланасидан ҳар хил масофада бўлади. Шунга кўра, заготовка кесиш асбобига узлуксиз равишда тегиб туриши учун, шаблоннинг айланиш



36-расм. Заготовка автоматик равишда суриладиган бир шпинделли фрезалаш станогининг кинематик схемаси:

1-педаль, 2-трос, 3-ричаг, 4 — вкладиш, 5-бармоқ, 6-пружина, 7-юлдузчалар блоки, 8-шестерняли узатма, 9-редуктор, 10-электр двигател.

марказидан кесиши айланасигача бўлган масофани ўзгартириш керак. Шу мақсадда вкладиш 4 бармоқ 5 га қўзғалувчан қилиб маҳкамланади ва шаблонни пружина 6 билан боғловчи ричаг 3 ўрнаталади. Шаблонни ўрнатганда ва олганда бармоқ билан вкладиш шпиндель ўқидан четлатилади, бунинг учун педаль 1 трос 2 орқали босилади. Агар эгри чизиқли заготовканинг бир томонига ишлов берилаётган бўлса шаблон вкладишга ўрнатилган сиқиши роликлари ёрдамида суриб юлдузчага сиқиб қўйилади.

1-жадвал. Фрезалаш станокларининг техник характеристикаси

Кўрсаткичлар	ФЛА	ФСШ
Заготовканинг қалинлиги, мм	80 гача	100 гача
Столнинг ўлчамлари, мм:		
бўйи	630	800
эни	800	1000
Шпинделнинг вертикал йўналишда		
сурилиши, мм	100	100
Фрезанинг энг катта диаметри, мм	140	140
Шпинделнинг айланиш		
частотаси, айл/мин	6000; 12000	3000; 4500; 6000; 9000
Суриш тезлиги, м/мин	24 гача	24 гача
Габарит ўлчамлар, мм:		
бўйи	1085	1550
эни	1075	1500
баландлиги	1355	1320
Массаси, кг	780	850

Бу станокларда фрезалар ёрдамида ясси сиртларга ва профилига ишлов беришдан ташқари, турум қирқиши ҳам мумкин. Станинанинг маҳсус йўналтирувчиларига турум қирқиши кареткаси ўрнатилади; бу кареткага қисиши мосламалари, тирак линейка ва торец чеклагичлар жойлашган бўлади. Каретка кўлда сурилади. Каретканинг сурилиши механизациялаштирилган, масалан, гидравлик юритма,

қисиши мосламаларини эса пневматик двигатель харакатта келтириши мумкин.


31-§. Фрезалар

Фрезалар станокка қандай усулда маҳкамланишига қараб (37-расм), ўтқазма фрезалар ва учли фрезаларга ажратилади. Ўтқазма фрезани шпинделнинг насадкага ўрнатиш учун фрезанинг ўрта қисмида тешиги бўлади, учли фреза шпинделга патрон ёрдамида ўрнатилади ёки уни билан шпинделдаги уяга ўтқазилади.

Ўтқазма фрезалар конструкцияси жиҳатдан хилма-хилдир. Яхлит фрезанинг (37- расм, *а*) тишлари ва корпуси бир бўлак металдан яхлит қилиб ясалган. Мураккаб, фрезалар (37- расм, *б*) бир неча фрезадан ташкил топган бўлиб, улар комплект ҳолдагина ишлай олади. Йиғма фрезаларнинг (37-расм, *в*) алмаштириладиган тишлари корпусга бириктирилади. Ҳозирги вақтда ўрнатма кескичли (37-расм, *г*) ва қаттиқ қотишма пластинкали (37-расм, *д*) фрезалардан кенг фойдаланилади.

Фрезалар ўрнатма тишли қилиб тайёрланса, юқори сифатли легирланган асбоббоп маҳсус пўлат жуда кўп миқдорда тежалади, чунки фрезанинг алмаштириладиган тишларигина шундай пўлатдан ясалади. Ейилган тишларни янгисига алмаштириш мумкин. Заготовка сиртларига ишлов бериш учун спираль тишли цилиндрик фрезалардан фойдаланилади.

Фрезаларнинг конструкцияси заготовкаларга ишлов бериш турига ҳам боғлиқ. Масалан, пазлар ўядиган фрезанинг тишлари кўндалангига фрезалаш учун мўлжалланган бўлиб, паз очадиган маҳсус кескичлари бор (37-расм, *е*). Кутисимон турум қирқишига фрезанинг фақат иккита кескичи ва градацияси 2 мм бўлиб, кесиши қирралари 4 ... 14 мм. Турум кирадиган тешиклар очишига мўлжалланган пичоқлар маҳсус дискка бириктирилади (37- расм, *и*).



37- расм. Фрезалар.

Үтқазма фрезалар, күпинча, тешиги орқали шпинделга кийгизилиб, гайка билан маҳкамланади: фрезанинг ўрнатилиш баландлиги ҳалқалар ёрдамида ростланади. Пазлар ўйишга мўлжалланган учли фрезалар (37-расм, з) бир, икки ва уч кескичли қилиб ясалади. Баъзан фреза насадкага маҳсус каллак ёрдамида маҳкамланади.

Заготовка жуда энли (фрезалаш эни) бўлганда ўтқазма фрезаларни шпинделга ўрнатиш учун узайтирилган насадкалар ишлатилади; бундай насадка станок столидаги кронштейн ёрдамида қўшимча маҳкамланади.

Диаметри 10 ... 12 мм гача бўлган учли фрезалар шпинделларга патронлар ёрдамида маҳкамланади, диаметри 12 мм дан катта учли фрезалар эса шпинделнинг конуссимон тешигига бевосита уни билан ўрнатилади.


Диаметри 15 мм гача бўлган учли фрезалар ўлчамлари жиҳатидан бир-биридан градацияси 1 мм, диаметри 15 мм дан катта фрезалар эса 2 мм фарқ қиласи. Бир кескичли учли фрезалар копироваль-фрезалаш станокларида

ишлиатилади.

Бир кескичли фрезаси бўлган патрон (38-расм) мувозанатланган бўлиши лозим. Бунинг учун патрон аниқ горизонтал вазиятда турган мувозанатлаш мосламасига ўрнатилади. Шунда фреза 5 ли патрон мосламада қимириламай турса, у мувозанат сақлаган бўлади, агар патрон қимириласа фреза посанги винтлар 2 ни олиб ёки қўшимча винтлар қўшиб мувозанатланади. Бундан олдин фреза винт 4 ёрдамида маҳкамланади.

Шпиндель тешигининг диаметри фреза учининг диаметридан катта бўлса, тешикка аввал диаметри фреза учининг ва патроннинг диаметрига мос бўлган ичи кавак конус 3 ўрнатилиши лозим.

Ясси сиртларни фрезалаш ёки оддий профиль ҳосил килиш учун кесиш асбоби деталь чизмасидаги маълумотларга мувофиқ танланади. Бошқа барча ҳолларда шаблонлар ёки этalon намуналардан фойдаланилади. Шаблон фрезанинг марказига нисбатан радиал йўналишда жойланади. Деталь ботик қисмларининг



38- расм. Фрезани эксцентрик маҳкамлаш:

1- патрон корпуси, 2 - мувозанатловчи винтлар, 3-конус, 4-маҳкамлаш винти.

эгрилик радиуси фрезанинг эгрилик радиусидан катта бўлиши лозим, акс

ҳолда деталнинг аниқ шаклини кўчириб бўлмайди.

Ўтқазма фрезаларни ўрнатиш тартиби қуйидагича: шпинделнинг тешиги латта билан артилади, тешикка шпиндель насадкасининг конус учун туширилади; насадка дифференциал гайка ёрдамида (ёки бошқа усулда) маҳкамланади; фрезага ҳалқалар ўрнатилади, фреза винт 4 ёрдамида маҳкамланади.

Фрезалар кўзгалмас қилиб биритирилиши лозим. Насадка билан фреза орасида зазор бўлмаслиги керак, акс ҳолда бу кесиш асбобининг сурилиши, шпинделнинг титраши ва ишлов берилган сиртнинг сифатсиз бўлишига олиб келади.

32-§. Пармалаш станоги


Пармалаш станоги чиилангарлик ишларида металл материалларни пармалаш учун мўлжалланган, лекин ундан ёғоч материаллар пармалашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Пармалаш станоги (39-расм) плита 1, колонка 2 ва унга ўрнатилган консоль 3 дан иборат. Крнсоль рейкали узатма ёрдамида колонка бўйлаб вертикал йўналишда силжийди. Консоль билан биргаликда унга ўрнатилган электрик двигатель 4 ва шпиндель 5 ҳаракатланади. Пармаланадиган ёғочнинг қалин-юпқалигига қараб консолни колонка бўйлаб плитага яқинлаштириш ёки ундан узоқлаштириш мумкин. Шпинделга цангали патрон 8 ўрнатилиб, унга керакли диаметрдаги цилиндрлик қуйруқли пармалар қотирилади. Конуссимон қуйруқли пармалар бевосита шпинделнинг ўзига киритиб қотирилади. Шпиндель консолга нисбатан даста 6 ёрдамида рейкали узатма бўйлаб сурилади. Шпинделга поғонали шкив кийдирилган. Шкив электрик двигателдан ҳаракатга келтирилади, унинг ёрдамида шпинделнинг айланиш сонини ўзгартириш мумкин.

Пармалаш станогида ишлаганда қуйидаги хавфсизлик техникиси қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

1. Шкивларни иҳоталаб қўйиш керак.
2. Иш вақтида тасмани алмаштириш ярамайди.

3. Шпинделни тұхтатиши учун тасмани қўл ёрдамида тұхтатмаслик керак.
4. Иш вақтида пармани ёғочдан ўтиб кетиб, плитани пармалаб қўймаслиги, уни ишдан чиқармаслиги лозим. Бунинг учун пармаланувчи ёғоч остига эҳтиёт таҳтаси ўрнатилади.
5. Пармалаш катта тезликда олиб борилади. Шунинг учун пармаланадиган ёғочни маҳкам ушлаш, қўйиб юбормаслик талаб этилади. Акс ҳолда ёғоч қўлдан чиқиб кетиб, ишлаётган одамни шикастлайди.




39- расм. Пармалаш станоги:

1 - плита; 2 - колонка; 3 - консоль; 4 - электр двигатель; 5- шпиндель; 6- шпинделни сурувчи даста; 7-бошқариш қутиси; 8- цангали патрон; 9- ҳимоя тұсқици.

Кесиш асбоблари


Заготовкаларни пармалаб тешиши, узунчоқ тешиклар ва чукурчалар очиши учун пармалар, учли фрезалар ҳамда зенкерлардан фойдаланилади (40-расм). Пармаларнинг ўлчами тешикларнинг диаметрлариiga мос келиши лозим, пармаларнинг типи пармалаш шароити, тешик тубининг шакли ва чукурлигига қараб танланади. ёғоч толаларининг йўналишига перпендикуляр жойлашган патрон тешиклар ҳамда бир томони берк бўлган, нисбатан саёз тешиклар

кескичли пармалар билан (40-расм, а, б, в) ҳосил қилинади,



40-расм. Пармалаш (а,б,в), пармалаш-паз олиш (г) ва пармалаш ўтқазиш (д)
станокларда ўйилган пазлар

қиринди плиталардан иборат заготовкаларни пармалаш учун қаттиқ қотишка
пластиинкали кесиш асбобларидан фойдаланилади.



41-расм. Пармалар, учли фреза ва зенкер:

а — марказий тешиклар очадиган парма, б — пробкали парма, в-
марказий тешиклар оча-диган парма, г-қошиқсимон парма, д-спираль
парма, е-марказли ва керткичли спираль парма, ж, е-винтсимон
парма, и-штопорсимон парма, к-учли фреза.

Ўки ёғоч толалари йўналишида жойлашган тешиклар қошиқсимон парма
билан пармаланади (41-расм, г). Заготовкани ёғоч толаларига қўндаланг
йўналишда пармалаш учун тиғли пармалар ишлатилади (41-расм, е). Чукур
тешиклар очишда спираль парма (41-расм, д), винтсимон парма (41-расм, ж, з)
ва штопор парма (41- расм, м) лардан фойдаланилади, бу пармалар билан ёғоч
толалари йўналишида ҳам, толаларга қўндаланг йўналишда ҳам пармалаш
мумкин. Спираль пармалар чидамли бўлади.

33-§. Жилвирлаш станоги

Жилвирлаш йўли билан заготовканинг сирти текисланади, лекин ўлчамлари ва шакли ўзгартирилмайди, ёғоч-қиринди плиталарни жилвирлашга мўлжалланган қувватли автоматик станоклар линиясидагина жилвирлаш йўли билан заготовкаларнинг қалинлиги тегишлича ўзгартирилиб, уларга муайян ўлчам берилади. Заготовкалар цилиндрлари пастда ўрнатилган жилвирлаш станокларида жилвирланганда ҳам шундай натижа олинади.

Жилвирлаш вақтида тез ҳаракатланувчи қумқоғоз заготовканинг сиртига ишқаланади. Қоғозга елимлаб ёпиширилган жилвирдонлари заготовканинг сиртидаги ғадир-будурларни микроскопик кескичлардек кесади. Саноатда жилвирлаш тасмаси ҳаракатланадиган станоклардан кўпроқ фойдаланилади (энли тасманинг эни 500 мм дан зиёд, энсиз тасманинг эни 100...400 мм бўлади). Жилвирлаш қумқоғози цилиндрлар сиртига ёки дискнинг торең сиртига қопланган (цилиндрик станоклар) станоклардан ҳам фойдаланилади ёки дискнинг торең сиртига тортилади (дискавий станоклар).

Қумқоғоз

Қумқоғоз сиртига гўштпарда елими ёки смола елим суртиб, унинг устига жилвир донлари ёпиширилган қоғоз ёки матодан тайёрланади. Суртилган гўштпарда елими қуригач (ёки смола елими полимерлангач) қоғоз (мато) рулон қилиб ўралади ёки варақ-варақ қилиб қирқилади. Абразив материал сифатида, кўпинча, чақмоқтош, гранит, кварц ёки сунъий материаллар: электро-корунд, кремний карбиди, шишалар ишлатилади.

Сув ёки керосин билан ҳўллаб жилвирлаш учун сувга чидамли қумқоғоз тайёрланади. Бундай қумқоғоз варақ қилиб кесилган ҳолда келтирилади. Қумқоғозлар жилвир донларининг ўлчамига қараб номерларга ажратилади, абразив донлари микронларда ўлчанади. Қумқоғозда абразив донлари қанча майда бўлса, жилвирланган сирт шунча силлиқ чиқади. Майда донли қумқоғоз билан жилвирлашда иш унуми паст бўлади, чунки бундай қумқоғознинг ҳар ўтишида заготовка сиртидан жуда юпқа қатлам қирилади (10 ... 20 мкм).

Шу сабабдан жуда ғадир-будур сиртлар аввал йирик донли қумқоғоз, сўнгра майда донли қумқоғоз билан жилвирланади.

Дастлабки жилвирлаш учун тавсия этиладиган қумқоғозларнинг номерлари:

Жилвирлашдан олдин заготовкалар сиртларининг ғадир-будурлиги

$K_{\sigma_{max}}$, мкм 500 315 200 100 60

Кумқоғознинг тавсия этилган номери

50 50; 40 40; 32 32; 25 25; 20; 16

Дастлабки жилвирлашдан кейин талаб этилган сирт ҳосил қилиш учун куйидаги номерли қумқоғозлар тавсия этилади:

Сиртнинг талаб этилган ғадир-будурлиги

ЯГ_{tax} , мкм 100 60 30 16

Кумқоғознинг тавсия этилган номери

50 40; 32 25; 20 16; 12; 10 8; 6; 4

34-§. Чархлаш станоги.

Ўқув устахоналарида ишлатиладиган баъзи асбоблар иш-жараёнида ўтмаслашиб қолади, уларни ўткирлаш, ишга созлаш маҳсадида чархлаш ишлари бажарилади.


Хар қандай янги кескич асбоблар чархлаш йўли билан ўткирланади. Чархлаш электрик чархлар, қўл чархлари ёрдамида бажарилади. Чархларга ўрнатиладиган тошлар ҳалқа шаклидаги абразив материаллардан иборат. Абразив материаллар қаттиқлиги юқори донлардан иборат бўлиб, уларнинг майдалангандон началари ўткир қиррали бўлади. Бу ўткир қиррали доналарни бириктириш натижасида ҳосил қилинган чархтошлар ўзидан юмшоқ материалларни чархлайди, яъни юпқа металл қиринди чиқариб ўткирлайди.

Чархтошлар қўл билан ёки электрик двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Электрик чархларда (42-расм) тошнинг айланиш тезлиги катта бўлиб, чархлаш вақтида учиб кетиш ҳоллари учраб туради. Бунинг олдини олиш маҳсадида чарх тошлари валга планшайбалар ёрдамида пухта

ўрнатилади.

Чархтошни валга ўрнатганда унинг бир текис айланишига (тепмаслигига) эътибор берилади. Ёрилган ёки дарз кетган ва четлари учган тошлардан фойдаланилмайди.

Электрик чархларда чархлашда шикастланмаслик учун ишлаётган одам тошнинг ён томонидан туриб чархлаши лозим. Шунингдек, тош ишлаётган одамга ёки тифга қарама-қарши томонга айланиши керак. Акс ҳолда чархлаш вақтида учиб чиқкан кукун кўзга зарар етказади. Бундан қатъи назар ҳимоя кўзойнаги тақиб



42- расм. Электрик чарх:

1-станина; 2-қопқоқ; 3-ҳимоя ойнаси; 4-чарх тош; 5-тиргак; 6- тиргакни қотириш винти; 7-бошқариш қутиси.

ишлаш ёки станокка ўрнатилган ҳимоя ойнагини тушириб олиш кукун хонадан ташқарига чиқариб юбориладиган бўлиши керак. Электрик чархларда тиргак бор, ишчи қўлини унга тираган холда тифни тошнинг ўнг ва чап четларига суриб чархлаш ишини бажаради. Агар тифни суриб турмасдан бир жойда тутиб турилса, тош ўйилади ва чархлаш текис чиқмайди. Тиргак билан тош орасида 2-3 мм масофа қолдириб ўрнатилиши керак. Чархлаш жараёнида тошнинг диаметри кичиклашиб, тиргак билан тош орасидаги масофа катталаша боради. Шунинг учун вақт-вақти билан тиргакни тошга яқинлаштириб борилади.

IV-БОБ.


МАХСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

35-§. Ёғочдан уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш.

Ёғочдан уй-рўзғор буюмлари кўп турли бўлиб, улардан қўпинча ёғочдан ясаш қулай ҳисобланади, уларнинг асосий турлари ошхона буюмлари, меҳмонхона, ётоқхона ҳамда рўзғорда ишлатиладиган турли асбоблар ва буюмлар ёғоч қисмларидан иборат. Уй-рўзғор буюмларидан ҳар бирини тайёрлашда унинг бажариладиган вазифасига қараб қандай ёғоч туридан мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олинади. Унда асосан ишлатиладиган ёғоч материалининг қаттиқлиги ҳамда ундан тайёрланадиган буюмдан фойдаланиш жараёнида рўй берадиган таъсирларга чидамлилик даражаси хисобга олинади. Оддий шаклда рўзғор буюмларидан бўлган сабзавотлар тўғраш тахтасини одатда ўртача қаттиқликдаги ёғочлардан ҳар турли шаклларда тайёрланади.


Оёқларни оддий ёки бурама михлар билан маҳкамлаш ҳамда маҳсус чиқарилган тахтачада ўйиладиган ўйиқларни ўрганиш усуллари билан бириктириш мумкин. Бу буюмни тайёрлаш учун ёғочни танлаш, унда режалаш чизмасини чизиш, арралаш, рандалаш, пармалаш, жилвирлаб силлиқлаш ва оёқчаларни бириктириш ишлари бажарилади. Ушбу тахтани атофларини турли нақшлар билан безатса ҳам бўлади.

Бундай тахтачаларни ошхона деворидаги қозиққа илиб сақлаш анча қулай. Шундай осиб қўйишга мослаштирилган тахтачаларнинг орқа томонига чиройли нақшлар ёки бошқа тасвиларни турли усулларда ишлаб безатилади. Кўпинча шундай безатиладиган тахтачаларга оёқчалар ясалмайди, уларнинг безатилган томони кўриниб турадиган ҳолатда қозиққа илиниб қўйилади.




Амалий машгулот: Технологик жадвал асосида сабзавотлар тұғраш учун таҳтачанинг чизмасини чизиш ва амалий тайёрлаш.

Қуидада үқувчиларга топширилиши ва улар томонидан бажарилиши мүмкін бўлган айрим ишлар.




Кўрсаткич




Кийим илгич

Болға даста



Стулча

Бурчак чизғич



Бирикма

36-§. Ёғоч деталларини бириктириш.

Ёғоч буюмлар кўпинча кўпинча бир неча бўлаклардан ясалади. Буюмни ташкил қилувчи ҳар бир алохидатай ёғочнинг деталларини тайёрланади, сўнгра уларни тегишли тартибда бириктирилади, ҳар турли буюмларни тайёрлашда деталларни тўғри чизиқлар, тўғри бурчаклар, ўткир ёки ўтмас бурчаклар ҳамда шаклдан кўринишида бириктирилади. Тўғри чизиқли бириктириш ёғоч деталларни бўйига улаб узайтириш ёки қалинлигини ошириш учун қўлланилади. Тўғри бурчакли бириктириш энг кўп қўлланилади. Бунга мисоллар сабзавот тахтачасиоёқчалари, суратлар учун рамка деталлари, дераза ромлари, эшиклар, мебеллар ва шу кабилар қўлланилади.

Ўткир ёки ўтмас бурчакли бирикмалар турли асбоб-ускуналар, мебеллар, иморатлар ва бошқаларда қўлланилади. Шаклдор бирикмалар мусиқа асбоблари, агар ва бочкаларда қўлланилади. Бириктириш шакллари ёғоч деталларининг мустахкам ва аниқ бириктирилиши учун уларнинг бириктирма сиртлари турли шаклларда тайёрланади. Тирноқли бирикмалар шаклларда тайёрланади. Тирноқлар тўғри ва қия сиртли шаклларда бўлади.

Елимлаш. Ёғочдан буюмлар тайёрлашда деталларни бириктиришнинг асосий усули елимлашдир. Елимланадиган ёғоч деталлари қуруқ бўлиши лозим. Бу деталларни елимлаб бириктириладиган сиртлари бир-бирига зич ёпишадиган аниқ шаклларда тайёрланиб, чанглардан тайёрланади. Елимлаб ёпиштирилган ёғоч сиртлари орасидаги елим қатлами ҳосил қиласидиган чокнинг қалинлиги 0,1 мм дан 0,15 мм гача бўлиши лозим. Чокнинг қалинлиги бундан юпқа бўлса ҳам, қалин бўлса ҳам елимли бирикма мустахкам бўлмайди.

Бириктирилаётган сиртларга елим суртилган деталларни бир-бирига ишқалаш ёки пресслаш усулида бириктирилади.

Ишқалаш усулида бириктирилаётган сиртларнинг дастлаб озгина қисмини бир-бирига босиб турган ҳолда аста – секин керакли холатгача

суріб борилади.

Пресслаш усулида икki ёки ундан ортиқ деталларни бир-бирига бириктирувчи елим қатлами қуригунча пресс остида тутиб турлади.

Кичик рейкачаларни бир – бирига яхшилаб енимлаш орқали узунлиги 12 метргача бўлган ёғоч тўсинлар ҳамда керакли эгри шаклдаги катта ёғоч деталлари тайёрланади.

Бириктириш ва боғлаш усуллари

Дурадгорлик йўли билан тайёрланадиган буюмларнинг қисмлари бир-бирига турли усуллар билан бириктирилади. Бирикмалар ҳосил қилишда ҳар хил елимлар ва бириктирувчи материаллардан фойдаланилади.

Дурадгорлик бирикмалари ҳосил қилишда бир неча боғлаш усуллари қўлланилади.

Буюмнинг қандай материалдан тайёрланишига ва қандай мақсадларда ишлатилишига, унга қандай сифат берилишига қараб деталлар ўзаро оддий ёки мураккаб қўринишда бириктирилади.

Бирикмалар ҳосил қилишда қўлланиладиган боғлаш усуллари: даста бет боғлаш, призматик ёки тўғри тирноқли бирикмалар (бир тирноқли ёки кўп тирноқли), порси усулида боғлаш, закровли бирикмалар, чокли бирикмалар, «қалдирғоч қуйруқ» тирноқли бирикмалар, махфий ва ярим махфий тирноқли бирикмалар ва бошқалардан иборат.


Даста бет боғлаш ёки кертмак усули

Даста бет боғлаш дурадгорлик бирикмалари ҳосил қилишнинг энг оддий ва осон усули. Бу усул бинокорлик ишларида, парник хўжалигида ёғоч қисмларни ўзаро бириктиришда, оддий қоплама рамкалар, витриналар ва бошқалар тайёрлашда қўлланилади.

Бирикманинг ўлчамига қараб деталлар бир-бирига михлаш йўли билан, бурама мих, болт ёки чангак ёрдамида қотирилади.

Даста бет боғлашда деталлар «Г» симон, «Т» симон шаклда тўғри ва «қалдирғоч қуйруқ» ли қилиб бириктирилиши мумкин (43- расм).

Даста бет боғлаш 2-технологик картада күрсатилган тартибда бажарилади.



43-расм. Даста бет блрикмалар;

а - «Г» симон; б, в - «Т» симон түғри ва «қалдирғоч қуйруқли».

1. Бирикмага мос ёғоч танланади, рандалашда ундан пайраха чиқишини ҳисобга олиб маълум қўйим билан материал арралаб олинади.

2. Тайёрланган материални рандалаб ихтиёрий 1 узунликда эни а, қалинлиги h бўлган иккита бруск тайёрланади.

3. Кертомакларни режалаш учун брускларнинг учларини гўния асосида арралаб түғри бурчакли қирқимлар ҳосил қилинади, сўнгра режаланади. Бунинг учун брускларнинг учидан ўлчамда «бет» ларга кертомак узунлиги режаланади ва гўния ёрдамида қолган томонларга олиб ўтилади. Сўнгра хаткаш ёрдамида кертомак қалинлиги режаланади. Бунинг учун хаткашни $h/2$ ўлчамга созлаб «бет» ларга нисбатан брускларнинг ён четлари (қирралари) ва кўндаланг қирқимларига *a* узунликда режа чизилади.

4. Даста бет боғлашда брускларни устма-уст қўйиб бириктирилади. Шунинг учун брускларда ҳосил қилинадиган кертомакларнинг бири «бет» томондан, иккинчисида орқа томондан очилади. Бунинг учун кертомакларда режа чизиқларининг ярмини сақлаган ҳолда олдин тилинади, сўнгра кўндалангига арралаб қирқилади (кертилади).


5. Ҳосил бўлган кертомакларни устма-уст қўйиб мих ёки бурама мих ёрдамида бириктирилади. Ҳар қандай бирикма ҳосил қилинганда деталларнинг «бет» ларини бирикманинг бир томонида бўлишига эътибор бериш керак.

Бирикманинг жипслиги, сифати талабга жавоб берадиган даражага етгунга қадар машқ қилиш давом эттирилади.

Тўғри тирноқли бирикмалар

Дурадгорлик буюмлари тайёрлашда уларнинг сифатли чиқиши ва деталларнинг пухта бирикишини таъминлаш мақсадида, унинг шакли ва ўлчамларига қараб ҳар хил кўринишдаги бир тирноқли, икки тирноқли, кўп тирноқли очик, махфий ва ярим махфий тирноқли бирикмалар ҳосил қилинади. Улардан энг соддаси ва энг кўп қўлланадигани очик кўринишидаги бир тирноқли бирикмалардир.

- Бирикмага мос ёғоч танланади, рандалаш учун қўйим қолдириб ундан материал арралаб олинади.



44-расм. Тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш.


а-тирноқ ва қулоқларни тилиш; б-тирноқ киритиш; в-қулоқ ўйиш.

- Брусокларният учларини гўния асосида арралаб тўғри бурчакли қирқимлар ҳосил қилингандан сўнг тирноқ ва қулоқлар режаланади. Бунинг учун брусокларнинг учида ўлчамда тирноқ ва қулоқ узунлиги режаланиб, қолган томонларга гўния ёрдамида олиб ўтилади. Бир тирноқли бирикмаларда тирноқнинг қалинлиги ёки қулоқнинг кенглиги брусок қалинлигининг $\frac{1}{3}$ қисмига teng қилиб олинади (шуни ҳисобга олиб кўпинча бир тирноқли бирикмаларда брусокиинг қалинлигини 3 га қолдиқсиз бўлинадиган ўлчамда тайёрланади). Шунинг учун тирноқ ва қулоқ ўлчамларини режалашда хаткашнинг бир чўпини брусок қалинлигининг – қисмига ($\frac{h}{3}$), иккинчи чўпини брусок қалинлигининг ($\frac{2}{3}h$) қисмига teng ўлчамга созланади ва иккала чўп ёрдамида «бет» ларга нисбатан брусок четларига режа чизилади.

- Режа асосида тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш учун биринчи навбатда


тилиш иши олиб борилади. Тирнок ва қулоқларни тилиш ишлари 44-расмда күрсатилганидек олиб борилади. Сўнг тирнок чиқариш учун кертиш ва қулоқ очиш учун ўйиш иши бажарилади.

5. Тирнок ва қулоқларни ўзаро бир-бирига киритиб бирикма ҳосил қилингач, унинг жипслиги таъминланади. Жипсликни таъминлаш часпакли дастарра ёрдамида олиб борилади.



45-расм. Тирнок андазалари ва кўп чизғичли хаткаш:

а-дастабет андазаси; б-тўғри тирнок андазаси; в-қалдирғоч қуйруқ андазаси; г- кўп чизғичли хаткаш.



46-расм. Бир тирнокли ва кўп тирнокли махфий ва ярим махфий бирикмалар:

a, g — махфий, *b, c* — ярим махфий.

Бунинг учун бирикманинг чокига ҳам «бет» дан, ҳам орқадан арра қўйилади (арраланади).

Бирикма ҳосил қилишни бир неча бор машқ қилинади.

Икки тирнокли бирикмаларда ҳар бир тирнокнинг қалинлиги бруск

қалинлигининг $(\frac{1}{5})$ қисмiga тенг қилиб чиқарилади, қулоқлар унга мослаб очилади.

Икки тирноқли бирикмалар ҳосил қилишда биринчи навбатда тирноқлар чиқарилади. Сўнг тирноқларга мослаб қулоқ ўринлари режаланади.


Кўп тирноқли бирикмаларда ҳам олдин тирноқлар чиқарилиб, сўнгра улар асосида қулоқ ўринлари режаланади. Икки тирноқли ва кўп тирноқли бирикмаларда икки чўпли хаткашлар ёрдамида режалаш мумкин эмас. Улар учун маҳсус кўп чизгичли хаткашлар тайёрланади ёки андазалардан фойдаланилади.

Бир тирноқли маҳфий ёки ярим маҳфий бирикмаларда қулоқ ўрнида уя ёки тешик очилади. Бунинг натижасида тирноқ бутунлай қўринмайди ёки тирноқнинг уч қисмигина кўринади. Шунга кўра маҳфий тирноқли бирикмаларда уя (брусокнинг энига қараб) бруск энининг $(\frac{2}{3})$ ёки $(\frac{3}{4})$ қисмигача ўйилиб, тирноқнинг узунлиги унга мослаб чиқарилади.

Тирноқли бирикмалар ҳамма вақт елимлаб бириктирилади. Айрим ҳолларда бирикманинг пухталигини ошириш учун унга ёғоч мих қоқилади ёки унинг сифатига қараб ички ёки ташқи томонидан пўлат бурчаклик ёки фанердан тайёрланган учбурчаклик михланади.

Порси усулида боғлаш

Дурадгорлик буюмларининг сифатини ошириш мақсадида, кўпинча, деталларнинг «бет» қисмлари ёки бирикма устидан михланадиган (қопланадиган) часпакларнинг тирноқ ва қулоқлари порси усулида (45° бурчак остида) бириктирилади. Бундай деталларнинг «бет» қисмларига чорафзал рандалар ёрдамида ҳар хил гуллар чиқарилган ёки фаска олинган бўлади. Улар тўғри бурчак ҳосил қилиб бириктирилса, гуллар ёки фаскалар бир-бирига мос келмай бирикманинг сифати бузилади. Порси усулида боғлашда қисмлар бир-бирига тирноқсиз ёки тирноқли қилиб бириктирилиши мумкин.



47-расм. Тирноқсиз порси бирикмалар.

Тирноқсиз порси усулида боғлашда, улар закровли ёки закровсиз бўлишларидан қатъи назар, деталларнинг учлари порси усулида (45° бурчак остида) арраланиб, улар бир-бирига михлаб, қирғоғига тунука лента ёки пўлат бурчакли қоплаб бириктирилади (47-расм). Талаб этилишига қараб деталларнинг бетига фаска ёки гул чиқарилади.

Бундай ҳолларда чорабзал рандалар билан рандалаш ҳам машқ қилдирилади.

1. Тирноқ ва қулоқларни режалаш. Бунинг учун брускларнинг учидан *a* ўлчамда тирноқ ва қулоқ узунлиги режаланиб қолган томонларга гўния ёрдамида олиб ўтилади. Шунингдек, «бет»ларга порси гўния ёрдамида брускларнинг учларидан порси чизиги (45° бурчак остида қўшимча режа) чизилади. Сўнгра хаткашни тирноқ ўлчамига созлаб, «бет»ларга нисбатан брускнинг қирраларига режа чизилади.

2. Режа асосида тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш учун биринчи галда тилиш иши бажарилади. Тирноқ чиқариш учун тилишда орқа томондан гўния чизигигача тилиниб, «бет» томондан порси чизигига (45° ли режага) мослаб бурчак остида тилинади. Бунинг натижасида орқа томондан гўния чизиги бўйича, «бет» дан порси чизиги бўйича кертиб тирноқ чиқарилади. Қулоқ очилгандан сўнг «бет» томондан тирноқка мослаб порси чизиги бўйича арралаб ташланади (кертилади). Кертиш вақтида арралаш порси қолип ёрдамида бажарилиши мумкин.

3. Талаб этилишига қараб фаска ёки гул чиқариш. Деталларга фаска чиқаришда уларнинг бир хил чиқишини таъминлаш учун «бет» ва ички қирраларга хаткаш ёрдамида режа чизиб олинади. Режа чизигигача

рандаланади. Гул чиқаришда чорабзал рандалар ёрдамида пайраха чиқмай қолгунга қадар рандалаш давом эттирилади.

4. Тайёр қисмларни ўзаро бириктириб бирикма ҳосил қилинади ва унинг жипслиги таъминланади.

Закровли бирикмалар

Ойналанадиган дурадгорлик буюмлари тайёрлашда закровли бирикмалар ҳосил қилинади. Закровли бирикмалар даста бет, тўғри тирноқли ёки порси усулида бириктирилиши мумкин.

Закровли бирикмалар бошқа турдаги бирикмаларга қараганда бир оз мураккаб бўлиб, маълум даражада малака бўлишини талаб этади. Шунинг учун ҳам закровли бирикмалар ҳосил қилиш машқини ўқувчиларда етарли кўникма ва меҳнат малакалари ҳосил бўлгандан сўнг ўтказилгани маъқул.

Куйида тўғри тирноқли закровли бирикмалар ҳосил қилиш усули билан танишиб ўтамиз.

1. Брускларнинг учи гўнияли қилиб тайёрлангандан сўнг a ўлчамда тирноқ ва қулоқ узунлиги режаланиб гўния ёрдамида қолган томонларга олиб ўтилади.

Закров очилганда қулоқнинг қирғоғидан қирқими 1 см^2 бўлган a узунликдаги қисми рандаланиб (чиқиб) кетади. Буни ҳисобга олиб тирноқ чиқаришда закровлик томонидан 1 см қисқа кертилади. Шунинг учун тирноқни режалашда a ўлчамдаги режа чизигидан 1 см ташлаб $a - 1$ ўлчамда қўшимча режа чизилади ва гўния ёрдамида қолган томонларга олиб ўтилади.

Тирноқ ва қулоқларни режалашда закров очилишини ҳисобга олиб хаткашнинг битта чизгичини ҳамма вақт 1 см ўлчамга созланади. (Чунки закров ранда қирғоқдан 1 см^2 қирқимлик закров очади.) Иккинчи чизгични эса искананинг энини ҳисобга олиб, унга 1 см кўшиб созланади (искананинг эни 15 мм бўлса хаткашнинг иккинчи чизгичини 25 mm га созланади). Хаткашни шу тариқа ўлчамга созлаб тирноқ ва қулоқ режаланади.

2. Тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш режа асосида олиб борилади. Тирноқ чиқаришда закровли томондан $a=1 \text{ см}$ ўлчамли режа чизигигача тилиниб сўнг

кертілади. Орқа томондан ўлчамли режагача тилиниб сўнг кертилади.

Қулоқ одатдагидек очилаверади.

3. Закровлар бир ёқли очилганда ҳамма вақт брусканинг «бет» ва «ёрдамчи бет» лар кесишувчи қиррасидан очилади. Закров закровранда ёрдамида очилади.

4. Тўғри тирноқли закровли бирикмаларга сифат бериш мақсадида «бет» томондан закров очилса, орқа томондан фаска чиқарилади. Буни ҳисобга олиб тирноқ чиқаришда орқа томондан ўлчамда кертомак чиқармасдан, балки тилишни a ўлчамгача олиб бориб кертишда $a = 1$ ўлчамли режа чизигидан a ўлчамли режа чизигига тушадиган қилиб бурчак остида арралаб кертилади.

Барча қисмлардаги фаскаларнинг бир хил чиқишини таъминлаш учун фаска чиқариладиган қирра бўйича хаткашнинг катта ўлчамли чўпи билан, орқа томонга 1 см га созланган чўпи билан режа чизиб олинади. Бунинг учун хаткашни тирноқ, қулоқ режалашга созланган ҳолиша сақлаш керак. Фаска чиқаришда рандалаш режа чизигигача давом эттирилади.

Агар закровли бирикмаларга фаска ўрнида гул чиқарилса тирноқ, қулоқлар порси усулида бириктирилади. Бириктириувчи қисмлардаги гулларни бир-бирига мос келишини таъминлаш мақсадида гул чиқаришдан олдин қисмларни хомаки йиғиб, бирикманинг текислиги таъминлангандан сўнг қайта қисмларга ажратиб гул чиқарилади.

5. Тайёр бўлган қисмлар йиғилиб, жипслиги таъминланади

«Қалдирғоч қуйруқ» тирноқли бирикмалар

Тўғри тирноқли бирикмаларда бирикманинг пухталиги елимлаш йўли билан таъминланади. Тирноқли бирикмаларнинг пухталигини ошириш учун айрим ҳолларда елимлаш билан бирга қўшимча ёғоч михлар ва металл бурчакликлар қоқилади.


Баъзан дурадгорлик йўли билан тайёрланадиган тирноқли бирикмаларда елим, ёғоч михлардан фойдаланмаган ҳолда пухталикни таъминланади. Бундай бирикмалар «қалдирғоч қуйруқ» тирноқли бирикмалар деб аталади.

«Қалдирғоч қуйруқ» тирноқли бирикмалар бир тирноқли ёки кўп тирноқли

бўлади.

Бир тирноқли «қалдирғоч қуйруқли» бирикмалар кесаки боғлашда кўп тирноқли «қалдирғоч қуйруқли» бирикмалар сандик (яшик) боғлашда қўлланилади.

Режалаш, тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш. «Қалдирғоч қуйруқли» бирикмаларда даставвал тирноқ чиқарилиб, сўнгра тирноққа мослаб қулоқ очилади (48-расм).



48-расм. Қалдирғоч қуйруқли бирикмалар хосил қилиш, қулоқларни режалаш.

Чунки «қалдирғоч қуйруқли» бирикмаларни йифишда деталнинг бири иккинчисига тушади, лекин иккинчиси биринчисига тушмайди. Шунинг учун режалаш, тирноқ чиқариш ва қулоқ очиш ишлари аралаш бажарилади.

37-§. Михлар билан бириктириш.

Дурадгорликда деталларни оддий михлар билан ва бурاما михлар, шуруп ёрдамида бириктириш мумкин. Дурадгорликда фақат жуда қўпол буюмларга металл михлар қоқилади. Михнинг йўғонлиги диаметри у қоқиладиган деталнинг қалинлигидан ошмаслиги керак. Агар мих иккала деталлардан ошиб кетса унда михнинг учини қайириб қўйилади.

Михни қоқищдан аввал унинг калласини аста секин уриш керак, михнинг ўзагининг ярми киргач қаттиқ зарб билан уриш керак. Агар мих қийшиқ кетса ёки букилиб қолса уни маҳсус омбур, кертикли болға ва маҳсус мих суғургич билан суғуриб оламиз. Қаттиқ ва эластик ёғоч михини маҳкамроқ ушлайди, лекин михни бундай ёғочга қоқиши анча қийин. Саноатда йўғонлиги, узунлиги ва каллаглари хар хил михлар

ишлиб чиқарилади. Бурма михлар дурадгорлик ишларида, яъни эшик ва деразаларнинг ошиқ-мошиқларини ўрнатишда ишлатилади. Бундай михлар оддий михларга нисбатан анча пухта бирикма ҳосил қиласи. Пардозланадиган буюмларни бурчак бирикмаларини мустахкамроқ қилиш учун металл бурчаклари ва ускуналар металл михлар билан махкамланади. Бурама мих каллак ва винтсимон ўйиклар ўзакдан ўзакдан иборат махкамловчи деталлардир. Бурама михнинг каллагида отвёртка учун ариқча бўлади. Бурама михлар ярим думалоқ, яширин ва ярим яширин каллаклари шунингдек, ўзакларнинг узунлиги билан фарқланади.

Бурама михни деталларга киритиш анча қийин, шунинг учун бурама михларни киритишдан олдин бигиз билан чуқурча ҳосил қилинади. Яширин каллакли учн эса кичик парма билан ўйикча очилади. Бурма михни шу ўйикчага ўрнатиб отвёрка билан соат стрелкасининг йўналиши бўйича буралади. Йўғон ва узун бурма михлар учун тешиклар парма билан ўйилади. Унинг диаметри бурма мих ўзаги диаметрининг 4/5 қисмича бўлиши, чуқурча ўзак узунлиги яримча пармаланиши керак.

Мазкур саволларга биноан ўқувчилар учун тестлар тайёрланг.

1. Ёғоч деталларни қандай михлар билан бириктириш мумкин ва турлари ҳақида айтинг?
2. Деталларнинг бурма михлар билан бириктиришга мисоллар келтиринг.
3. Деталларнинг бурма михлар билан бириктиришда қандай асбоблар фойдаланилади?

Ёғоч ва пластмасса михлар думалоқ стержен шаклида тайёрланиб эшиклар, дераза ромлари, стол, диван, шкафлар ва шу кабиларди ишлатилади. Улар ўз йўғонлигидан сал ингичкароқ парма билан ўйилган тешиклар ўрнатилади.

Амалий машғулот:

1. Оддий михлар қоқиши машқ қилинг.
2. Бурма михларни бураб ўрнатишни машқ қилиш.

3. Ёғоч михлар тайёрлаш ва ўрнатишни машқ қилиш.
4. Пластмасса михларни ишлатиш усулларини машқ қилиш.

38-§. Ёғочни пардозлаш.

Ёғочдан буюм тайёрлашнинг охирги босқичи пардозлашдан иборат. Пардозлаш ёғоч буюмининг сиртини силлиқлаш, унга турли усулда безаклар ишлаш билан чиройли кўриниш ҳосил қилиш ҳамла лаклаш ва бўяш орқали ёғочни тез бузулишдан сақлайдиган химоя қатлами қилишдан иборат. Ёғоч буюм сиртини силлиқлаш учун рандалаш, эговлаш, жилвирлаш усуллари қўлланилади.

Рандалашда ёғочнинг таъбий ранглари ялтироқлиги, гулдорлиги яққол кўринади. Бу ишлар махсус рандалаш станокларида ёки қўлда пардоз рандалар ёрдамида бажарилади.

Эговлаш орқали ёғоч сиртидаги турли катталик даги ғадир-будирликлар силлиқлаб текисланади. Эговлар сирти турли шаклларда ҳамда тишларнинг шакли ва катталиги ҳам турлича бўлади. Йирик ғадир-будирликларни текислаш учун йирик тишли эговлар, майдалари учун майда тишли эговлар ишлатилади. Айрим эгри сиртларни текислашда тегишли эгри шаклдаги эговлар асосий восита хисобланади. Эгов билан пардозлашнинг охирида энг майда тишли эговлар ишлатилади. Эговдан тўғри ва хавсиз фойдаланиши машқлар давомида ўзлаштириб борилади. Эговни қўл билан тўғри ушлаш ва уни эговлаётган ёғоч устида бир текис босган холда юрғизиш керак. Эгов билан ишлашда олдин унинг дастаси мустаҳкам ўрнатилганлигини текшириб олиш керак. Эговлаш вақтида қўллар шикастланмаслиги учун эговнинг дастаси тегишли йўғонликдаги силлиқланган ёғочдан тайёрланади. Унинг ишлатишда бир қўл билан дастасидан махкам ушлаган холда ёғочга босиб харакатлантирилади. Эгов билан ишлаганда қўларга иш қўлқопи кийиб олиш лозим.

Жилвирлаш ёғоч сиртидаги майда ғадир-будирликларни силлиқлаб тозалашдан иборат. Бунинг учун таъбий ва сунъий абразив

материалларнинг майда донадор ёки кукунсимон заррачаларни қоғоз ёки латтага елим билан ёпиштириб тайёрланган жилвирлар ишлатилади.

Эговлаш. Жилвирлаш.

Буюмларнинг сиртларини pardозлашда олдин уни жилвир қоғоз билан ишқалаб тозаланади. Жилвир қоғоз майда қаттиқ минерал ёки шиша кукуни елимлаб ёпиштирилган ип мато ёки калит қофоздан иборат. Улар йириглигига қараб дағал, ўртача, майда жилвирларга бўлинади. Сиртларни pardозлаш хар хил муркаб профилли арралар чархлаш учун, арра тишларини қия чархлаш (чаппаррасини чиқариш) учун, ўткир бурчакли, муракаб, профилли ясси фрезер резецлари билан мураккаб кесувчи қисмли паормаларни чархлаш учун ишлатилади. Ёғочсозлик эговларининг куйидаги хиллардан фойдаланилади: параллел қовурғали; тўмтоқ учи ясси эговлар; овал қовурғали эговлар; ром шаклидаги эговлар; уч қиррали (бурчак шаклли) эговлар; квадрат эговлар; думалоқ эговлар.

Тишларнинг катталиги ва иш қисмининг 10 мм узунликдаги сонига қараб эговларни қуйидаги турларга бўлинади: дағал-5-12 тишли эговлар дастлабки заготовканинг сиртига хомаки ишлов беришда қўлланилади. Эговларнинг номлари ранги-оч кулранг тусдир: эговларнинг қорамтири рангда бўлиши бзининг углеводсизганлиги ёки кам тобланганлигини кўрсатади. Тобланган эговнинг сифими зич (қаттиқ), хира кулранг баҳмалсимон бўлиши лозим корунд, кварц, гемотит, магнит, силикат каби жуда қаттиқ материалларнинг зарраларини айтилади. Улардан чархлаш, кесиш ва жилвирлаш учун ишлатиладиган ҳар турли абразив асбоблар тайёрланади.

Жилвирлар дағал, ўрта, майин турларга бўлинади. Ёғочда ғадир-будурликларнинг йирик ёки майдалигига қараб аввал дағал ёки ўрта жилвир билан тугалланади. Жилвир билан ишлашда уни тўртбурчак ёки думалоқ ёғоч бўлагига ўраб ўрнатилади. Унда унинг силлиқланаётган ёғоч сиртига бир текисдан тегиб ишқаланиш таъминланади. Қўл билан

ишилганда асосий айланма харакатлар йўналишида жилвирланади. Электор жилвирлаш машинаси билан асосан тўғри тўғри чизиқли йўналишда жилвирланади. Кўл билан жилвирлашда албатта иш қўлқопи кийиш зарур. Жилвирлаш ишларни бажаришда чангдан сақланиш қоидаларига риоя қилиш керак.

Лаклаш учун шаффоф лакланган ёғочнинг ранги ва гуллар ялтироқ лак қатламида чиройли кўриниб туради. Рангли лаклар ёғоч рангини ўзгартириб, шу лакнинг рангидаги ялтироқ қатлам ҳосил қиласди. Лаклашни махсус пургагич асбоблар ёрдамида ёки чўтка ҳамда айланадиган валиклар ёрдамида бажарилади. Бунда лакни буюм сиртига бир хил қалинликда ва бир ҳил тезликда суртиб боришга эришиш лозим. Нитро лак 2-3 соатда, бошқа турдаги лаклар 12-24 соатда тўлиқ қурийди. Лаклаш ишларини шамоллатилади, ҳавоси чангсиз хоналарда бажарилади. Лаклар таркибида тез ёнувчи моддалар бўлгани сабабли, уларни ишлатиш ва сақлашда ёнфинга қарши қоидаларга қатъий риоя қилиш зарур.

Бўяш ёғочнинг таъбий рангини ўзгартирган холда пардозловчи ҳамда ташқи таъсирлардан сақловчи химоя қатлами ҳосил қилишдан иборат. Бундай усулларда эшиклар, дераза ромлари, айрим мебаллар ва бошқа буюмларга пардоз берилади. Ёғочни бўяш учун кўпроқ мойли бўёқлар, нитро бўёқлар, эмаллар, сув эмульсия бўёқлари ишлатилади.

Бўяш ишларини бўяш, пуркаш машиналари ёрдамида ёки чўткалар ва думалоқ валиклар ёрдамида бажарилади.

Бўёқни буюм сиртига бир текис кўринишда ҳосил бўлгунча 2-3 марта суртилади. Етарлича қалинликда суртилган эмал бўёқлари ялтироқ кўриниш ҳосил қиласди. Бошқа бўёқлар ялтирамайдиган қатлам ҳосил қиласди. Бўяш ишларини шамоллатадиган хоналарда бажарилади. Бўёқлар билан ва уларни сақлашда шахсий хавфсизлик ҳам да ёнфинга қарши қоидаларга риоя қилш зарур.

Ёғоч буюмларини пардозлашдан ташқари уларни турли усулларда безаш ҳам мумкин . Ушбу безаш усулларига буюм сиртига нақшлар ва

бошқа тасвирлар ишлаш, ёғоч ўймакорлиги усулида безаш ҳамда буюм сиртига турли материалларни ёпишириш орқали тасвирлар ва нақшлар ҳосил қилиш киради.

Амалий машғулот.

1. Турли эговлар билан силлиқлаш машқларини бажариш.
2. жилвирлаш машқларини бажариш.

Токарлик станокларида тайёрланадиган буюмлар.

Дасталар. Искана, эгов, бигиз, отвёртка каби асбобларнинг дасталари қаттиқ, қайишқоқ тут, қайин, қайрағоч, ёужун, акация каби ёғочлардан тайёрланади.

Дасталар якка тартибда рюмка патронга ўрнатилиб ёкн кўплаб марказлар орасига ўрнатиб тайёрланади.

Рюмка патрон ёрдамида буюм тайёрлашда ортиқча ёғоч исроф бўлади. Шунинг учун кўплаб талаб этилмайдиган буюмлар доналаб рюмка патрон ёрдамида, қолган ҳолларда марказлар орасига ўрнатиб тайёрланади.

Куйида зловлар учун даста тайёрлашни кўриб ўтамиз.

Даста учун танланган ёғоч (бу мақсадда дастабоп шохлардан фойдаланиш мумкин) марказлар орасига ўрнатилиш диаметрини D мм га келтириб йўнилади. Сўнgra бир неча даста кетма-кет режаланиб, унинг тутқич ва бўйин қисмлари белгиланади. Дасталар хомаки йўнилиб қирқувчи искана ёки андаза кескичлар билан аниқ ўлчам ва шаклга келтирилади. Талаб этилишига қараб жилвирлаб силлиқлангандан сўнг алифланади. Тайёр бўлган дасталар станокдан олиниб бир-биридан ажратилади ва бўйинларга мос ҳалқалар кийдирилиб, эгов ўрнатиш учун пармаланади. Ҳалқаларни кичик диаметрли трубалардан қирқиб тайёрланади. Шунинг учун даста бўйинларини ҳалқаларга мослаб йўнилади.

Жува. Тол, тут, ўриқ, чинор каби куруқ, ҳидсиз, бутоқсиз дарахт шохларидан олинган ғўлалардан тайёрланади. Жува узун ўлчамили бўлганлиги учун станокнинг марказлари орасидаги масофага қараб доналаб ёки иккитадан жувага мос ёғоч ўрнатиб тайёрлаш мумкин.

Ёғочни хомаки йўниб, силлиқлаб диаметрини 60 mm га келтириб, цилиндрик

сирт ҳосил қилинади. Сўнгра, ўнг томондан 100 *мм* узунликда даста ўлчами режаланиб, унинг диаметрини 25 *мм* га келтириб йўнилади. Жуванинг даста ва танаси керак шаклга келтирилгандан сўнг жилвирланиб, пайраха билан силлиқланади. Талаб этилишига қараб тана ва дасталар ҳошияланади. Ҳошиялаш понасимон қилиб тайёрланган қаттиқ ёғочни силлиқланган сиртга, станок юриб турган вақтда босиб тутиш билан куйдириб гул солиш (ҳалқа ҳосил қиласи) дан иборат (онасимон қаттиқ ёғочни айланиб турган ёғоч билан ишқаланиши натижасида силлиқланган сирт куйиб ҳалқа-ҳошия ҳосил бўлади). Баъзан ҳошиялар рангли бўёқлар билан ҳам туширилади. Ҳошия-ҳалқаларнинг сони, ўлчами қандай сифат берилишига қараб туширилади.

Жуванинг сиртини бўяш, локлаш тавсия этилмайди. Чунки жувага ёпишган хамирни тозалаш вактида лок-бўёқ пардалари кўчиб кетади.

Чекич. Тол, терак, тут, акация, чинор шохларидан олинган ғўлалардан тайёрланиб, катта-кичиклигига қараб нон чекич, патир чекичларини бирбиридан фарқ қилинади.

Чекичлар қисқа ўлчамли бўлганлиги учун якка тартибда рюмка-патрон ёрдамида, кўплаб марказлар орасида тайёрланади. Чекич рюмка-патрон ёрдамида доналаб тайёрланганда керак ўлчамдаги ғўла олиниб патронга қозик қилиб қоқиласи ва винт ёки бурама мих билан қотирилади.

Ёғоч диаметрини 70 *мм* га келтириб йўнилгандан сўнг даста қисми режаланиб, уни 70 *мм* узунликда диаметрини 25 *мм* га келтириб йўнилади. Даста учидан 12 *мм* қалинликда тугма қолдириб қолган қисмининг диаметрини 20 *мм* га келтириб йўнилиб тутқич-бўйин ҳосил қилинади. Сўнгра 50 *мм* узунликда чекич кундаси режаланиб даста томони суйриланади ва текис кўндаланг қирқим ҳосил қилиниб, унга кетма-кет айланалар - мих ўрни чизилади. Тайёр бўлган чекични жилвирлаб силлиқлангандан сўнг алиф ёки лок суртиб пардозланади, талаб этилишига қараб рангли бўёқлар билан ҳошияланаб, сўнг қирқиб туширилади.

Чекич остига (кўндаланг қирқимига) айланалар бўйича нон ёки патирга мос узунликдаги михларни қоқиб, мих каллакларини текислаб қирқиб ташланади.

Чекичлар марказлар орасида тайёрланганда ёғоч диаметри 70 *мм* га

келтириб йўнилгандан сўнг бир нечта чекич режаланиб кетма-кет тайёрланади.

Илгак қозиқлари. Тилоғоч, қайнин, қайрағоч, ёнғок, чинор, шумтол каби пишиқ-пухта ёғочлардан тайёрланади. Қозик тайёрлаш учун дарахт шохларидан фойдаланиш мумкин.

Қозиқлар кўплаб ишлатилгани учун уни марказлар орасида тайёрланади. Шунинг учун қозиқбоп ёғоч танланиб марказлар орасига ўрнатилади ва диаметрини талаб этилган ўлчамга келтириб йўнилади. Циркуль ёки масштаб линейка ёрдамида кетма-кет бир нечта қозик (тирноқ, тана ва каллак қисмлари) режаланиб хомаки йўнилади ва ўлчовга келтириб силлиқланади.

Қозиқларни тайёрлашда тирноқ узунлигини қозик ўрнатиладиган тахтанинг қалинлигига, диаметрини унга боп парма диаметрига мосланади ёки тирноқ диаметрига мос парма танланади.

Илгак қозиқларини тайёрлашда уларга мос андаза кескичлардан фойдаланиш мумкин. Илгак тахталарининг қандай ёғочдан тайёрланишига қараб қозиқларни унга мос ёғочдан тайёрланади ва талаб этилишига қараб алифлаш, локлаш ёки политурлаш ишлари олиб борилади.

Тўқмоқ. Йўниш йўли билан станокда тайёрланадиган ёғоч тўқмоқлар тут, акация, қайрағоч, заранг каби зичлиги ортиқ бўлган пухта, қайишқоқ ёғочлардан бочкасимон ёки кесик конуссимон қилиб тайёрланади. Дурадгорликда, кўпинча, бочкасимон тўқмоқлар ишлатилади.

Тўқмоқ-учун танланган ғўлани марказлар орасига ўрнатиб диаметрини талаб этилган ўлчамга келтириб йўнилади ва циркуль ёки линейка билан қирқиб тушириш учун қўйим қолдириб режалаб чиқилади. Қирқим чизиқлари бўйича ўйиб бўйинлар ҳосил қилингач, бочкасимон шаклга келтириб йўнилади, сўнг даста ўринлари режалангач, жилвирлаб силлиқланади ва алифлангандан кейин қирқиб туширилади.

Уларга мос дасталар станокда тайёрланади. Тўқмоқнинг даста ўрни пармаланиб тешилади ва даста елимлаб ўрнатилади. Дастанинг пухта ўрнаши учун қўшимча поналанади.

Шаклдор оёқлар. Даствурхон хонтахта тўғри тўртбурчаклик ёки юмалоқ шаклда тайёрланиб, уларнинг оёқлари кўпинча шаклдор қилиб йўниш йўли

билистанокда тайёрланади. Шаклдор оёқлар тайёрлаш учун унга мос қурук ёғоч олиб, уни талаб этилган ўлчамда квадрат шаклига келтириб рандаланади. Оёқларга ён ёғоч ўринлари режаланиб пармалаш ёки ўйиш йўли билан уялар очилгандан сўнг станокка ўрнатилади ва йўниб керакли шаклга келтирилади.

Шаклдор оёқлар, кўпинча, сифатли, табиий гули чиройли бўлган ёғочлардан тайёрланади. Шунинг учун бундай ёғочлардан тайёрланган оёқлар жилвирлангандан сўнг пайраха билан силлиқлаб жилоланади ва лок ёки политур суртилиб пардозланади. Бу вақтда хонтахталар ҳам шу жинсдаги ёғоч материалдан тайёрланиб, улар ҳам локланади ёки политурланади.

Хонтахталар ва оёқлари табиий гули чиройли бўлмаган ёғочлардан тайёрланса пардозлаш бўяш билан тугалланади.

Ўқувчиларга техника хавсизлиги бўйича йўриқнома бериш

Барча меҳнат таълими ўқитувчиларига ва усталар ўқув устахоналари ва корхоналарда ўқувчиларга ўргатилиши лозим бўлган техника ҳамда меҳнат соҳаларига оид техника хавсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини билиш керак.

Халқ таълими бўлими малака комиссияси томонидан хавсизлик техникаси бўйича билимлар синаб кўрилди, рухсат этилган маъмурий-педагогик ходимларгагина ўқувчиларнинг меҳнат таълими Билан шуғулланишга рухсат берилди.

Корхоналарда амалийёт ўтаётган ўқувчилар корхона ишчиларига ўрнатилган тартиб асосида меҳнат хавсизлиги қоидалари Билан таништирилади. Корхона маъмурияти ўқувчиларнинг иш ўринлари ўз вақтида ва тўлиқ йўриқнома олишга маъсул.

Ўқитувчи ёки уста ўқувчига қандайдир вазифани топширишда уни технологик жараён, машина ёки станок тузилиши ва иш шароитга оид бошқа маълумотларни бериш Билан бирга мазкур ишни важариш учун керак бўладиган хавсизлик қоидалари билан ҳам таништириш керак. Шунингдек, ўқувчи сақловчи мосламалар вазифаси, хавсиз ишлаш қоидалари, иш ўрнини йиғишириш ва тозалаш, шахсий гигиена тўғрисида маълумот олиши керак. Бу

борада ўқувчи билими вақти-вақти билан текширилиб, тўлдириб турилади.

Хавфсизлик қоидалари

Ёнгинни олдини олиш.

1. Тез ёнадиган ёғоч чиқиндилари лок, бўёқлар ва бошқалар алоҳида белгиланган жойларда сақланиши.
2. Электрли асбоблар билан ишлаганда учқун ҳосил бўлиши мумкин, шунинг учун уларни тез ёнадиган нарсалар яқинида ишлатиш мумкин эмас.
3. Электр асбобларни фақат ўқитувчининг рухсати билан ишлатиш.
4. Ёнинга қарши курашиш асбоблари керак бўлганда дархол олиб ишлатишга тайёр холда сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш.
5. Электр чархни ишлатганда ҳосил бўладиган учқунлар ёнадиган нарсаларга тегмаслиги лозим.
6. Электр иситгич асбобларини ишлатишда қаровсиз қолдириш мумкин эмас.

Чангга қарши кураш.

1. Чангли хаводан қочинг.
2. Чангитмасдан ишланг.
3. Дарс тугагандан кейин иш жойини чангитмасдан тозалаш.
4. Супурги билан чангитмасдан супуриш.

Шикастланишларнинг олдини олиш.

1. Тифли ва ўткир учли асбоблар билан ишлаш қоидаларига қатъий риоя қилинг. Бундай асбоблар сақлаш жойини тўғри қўйинг. Уларнинг зарур бўлганда кўчада ёки транспортда маҳсус ғилофларда, қутичада ёки тифини қалин латта билан ўраган холда олиб юрилади.
2. Ўткир тифларга бармоқ тегизиб синаб кўриш мумкин эмас .
3. Фақат дастаси мустахкам ўрнатилган асбоблардан фойдаланиш.
4. Асбоблар билан ишлаётганда бошқа одамлар шикаст етмаслиги чораларини кўринг.

5. Қўлга зирапча кирмаслиги ва ҳар турли шикастлар етмаслиги учун зарур холларда қўлқоп кийиб ишланг.

6. Бўёқлар, лок ва эритувчилар билан ишлаш жойи шамоллатиладиган бўлиши лозим.

**Ёғочга ишлов бериш технологияси юзасидан
тақвимий-мавзуй режанинг жорий ва оралиқ назоратларига
йўналтирилган саволлар ҳамда амалий мазмунлари.**

**Тақвимий-мавзуй режанинг жорий ва оралиқ назоратларига
йўналтирилган саволлар ҳамда амалий мазмунлари.**

1-чорак бўйича.

I -жорий назорат.

Ёғочнинг халқ хўжалигидаги аҳам ияти ҳамда унинг тузилиши юзасидан.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Ёғочнинг халқ хўжалигидаги ўрнини.
- Б) Ёғочнинг тузилишини.
- В) Ёғочнинг турларига қараб ишлатилишини.
- Г) Ёғочнинг танланишига эъибор бериладиган жихатларини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Ёғоч материалларни намуна жамланмасини тузиш;
- Б) Ёғочнинг таркибий хоссаларини турли мосламаларда аниқлаш;
- В) дарахт холатидаги танани ёғоч холатига айлантириш;

2-жорий назорат.

Мавзу: Ёғоч турлари ҳам да унинг ташқи кўринишлари. Ўзига хос белгилари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Ёғочнинг ташқи кўринишлари ва ўзига хос белгиларини;
- Б) Ёғочнинг хоссаларини;
- В) Ёғочнинг ишлатилиш соҳаларини;

II. Уддалашинг керак.

- А) Ёғочнинг ташқи кўриниши ва белгилари бўйича, уларни маълум бир жадвалга келтириш.
- Б) Ёғочни хоссаларини кенгайтириб уларни маълум бир тизимга келтириш.
- В) Ёғочни ишлатилиш соҳаларини кенгайтирган ҳолда уларни схемаларга бўлинишини.

3-жорий назорат.

Ёғочнинг хоссалари ҳамда уларни ишлатилиш соҳалари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Ёғочнинг техник хоссалари ва уларнинг аҳам иятини.
- Б) Ёғочнинг физик хоссалари ва унинг хусусиятлари.
- В) Ёғоч хоссаларини аниқлашда фойдаланиладиган дастгохлар.
- Г) Халқ хўжалигида ёғочдан фойдаланиш соҳалари.

II. Уддалашинг керак.

- А) Ёғочнинг техник хоссаларига намуналар тайёрлаш.
- Б) Ёғочнинг физик хоссаларини аниқлаб кўрсатиш.
- В) Ёғочни механик синовдан ўтказиш.
- Г) Иморатсозликда эшик ва ромларни техник расмларини чизиш.

4-жорий назорат.

Дурадгорликда ишлатиладиган ёғочлар; терак, тоғтерак, шумтол, қарағай, бук, буд, нок, ёнғоқ, чинор ва хокозолар.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Duрадгорликда ишлатиладиган ёғоч турлари.
- Б) Махаллий худудда ўсадиган ёғочбоб дараҳтлар.
- В) Материал танлашда унинг сифатини аниқлаш.
- Г) Ёғочни ишлатиш ўрнини тўғри аниқлаш.

II. Уддалашинг керак.

- А) Буюм тайёрлашда кераклича материал тайёрлаш керак.
- Б) Тайёрланадиган моделнинг қисмларини режалаш.
- В) бир моделга ишлатиладиган бир неча материал тафсилотини тайёрлаш.

1-оралиқ назорат

Махаллий худудда ўсадиган дaraohтлар ва улардан олинадиган ёғоч турларини ўрганиш ҳам да уларнинг сифатини, нуқсонларини аниқлаш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Махаллий худудда ўсадиган дaraohтлардан олинадиган ёғоч.
- Б) Махаллий дaraohтлардан олинадиган ёғоч турлари.
- В) Ёғочларда учрайдиган нуқсонлар ва келиб чиқиш сабаблари.

II. Уддалашинг керак.

- А) махаллий худудда ўсадиган дaraohтлар намунаси.
- Б) Ёғочдан олинадиган материал турларидан фойдаланиш.
- В) Ёғоч сифатига қараб навларга ажратиш.
- Г) Ёғоч сифатини аниқловчи жадвални тузиш.
- Д) Ёзма тест саволларига жавоб.

5-жорий назорат.

Дурадгорлик дастгохининг тузилиши ва ундан фойдаланиш қоидалари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Дурадгорлик дастгохининг тузилишини.
- Б) Дастгох тискиларидан фойдаланишни.
- В) Дастгохда ишни ташкил қилиш қоидаларини.
- Г) Иш жойини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Дурадгорлик дастгохини ишга мос ҳолда ростлаш.
- Б) Дастгохда сулашхорга хом-ашёлар тайёрлаш.
- В) дастгохда турли иш усулларини бажариш.
- Г) Иш ўрнини тартибга солиш.

6-жорий назорат.

Ўлчаш ва режалаш асбоблари: чизғичлар, буклама метр, қаламлар, хаткаш ва бошқалар.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) дурадгорлик ўлчаш ва режалаш асбобларини.
- Б) айлана, тўртбурчак, текст ва бошқа геометрик шаклларни ўлчашни.
- В) Материалрни ўлчами: мс^3 - м^3 ҳисобида аҳборот бериш.

II. Уддалашинг керак.

- А) Ўлчов асбобларини ишлатишни.
- Б) Хом-ашёлар ўлчашни, чиқаришни.
- В) Тайёрланадиган модел ўлчами хақида жадвал тузишни.
- Г) асбобларни ўз ўрнига тахлаб қўйиш.

7-жорий назорат.

Арралар турлари: дараҳт, ёғоч. Суяқ, шох ва бошқа материалларни кесиш учун ишлатиладиган арралар турлари платинали ва дискли арралар ва уларнинг ишлатилиши.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Аппа турларини.
- Б) Арраларни турларига қараб ишлатиш соҳасини.
- В) Арраларни ишлатишда талаб қилинадиган қоидаларни.

II. Уддалашинг керак.

- А) Дурадгорлик арраларини ишга тайёрлаш.
- Б) Арралаш ишларини бажаришдаги иш ўринини тайёрлаш.
- В) Кесиш ва тилиш учун материални дастгоҳга ўрнатиш.
- Г) Амалий иш хақида ҳисбот тайёрлаш.

8-жорий назорат.

Болғалар турлари. Пўлат, ёғлоч, ва пластик болғалар ва тўқмоқлар ускуналари турлари ва улардан фойдаланиш техника хавсизлиги.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Болғалар хақида тўлиқ маълумотларни.
- Б) Ёғоч тўқмоқ ва исканалар хақида маълумотларни.
- В) Бажариладиган иш кетма-кетлиги хақида маълумотларни.
- Г) Хавсизлик техникаси қоидаларини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Турли вазндағи болғалар билан ишлашни.
- Б) Ёғоч түқмоқ ва исканалар билан.
- В) Асбобларни ишлатиш усуллари хақида ахборот тайёрлаш.

9-жорий назорат.

Рандалар турлари ва уларни ишга тайёрлаш қоидалари. Асбобларни сақлаш ва ишлатиш қоидалари, техника хавсизлиги.

I. Дарслік ва құшимча манбалардан фойдаланиб билишиңг керак.

- А) Ранда ва рандалаш ишларини.
- Б) Асбобларни сақлаш ва ишлатиш қоидаларини.
- В) Дурадгорлик асбобларини ишга тайёрлашни.
- Г) Иш бажарыш жараёнида техника хавсизлигини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Рандаларни ишга тайёрлаш.
- Б) Рандалар ёрдамида буюмларни хомакисини тайёрлаш.
- В) Рандаларнинг амалий ишлари хақида.

2 -оралиқ назорат

Асбоб-ускуналар ва мосламаларга тегишли технологик күрсаткичларига мувофиқ иш холатига келтириш.

I. Дарслік ва құшимча манбалардан фойдаланиб билишиңг керак.

- А) Асбобларга техник қаров ўтказишни.
- Б) Таъмирлаш ишларини кетма-кетлигини.
- В) Асбобларни иш холатига келтиришни.
- Г) Хавсизлик техника қоидалари.

II. Уддалашинг керак.

- А) Асбобларнинг иш холатига келтиришни.
- Б) Асбобларга техник қаров ўтказишни.
- В) Асбобларни таъмирлаш технологиясини.

10-жорий назорат.

Ёғочга ишлов берадиган станоклар ва улар хақида түшүнчә.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Ёғочни тилиш, ёғочга шакл бериш учун фойдаланиладиган чтанокларни.

Б) Станокларни ишга тайёрлаш тарзини.

В) Станокларнинг ишчи органларини.

Станокда ишлаш хавсизлик қоидаларини.

II. Уддалашинг керак.

А) Турли хил ишларни бажаришни.

Б) Станокни ва ўзингни амалий ишга тайёрлаш.

В) Станок ва қисмларини кўрсатиш ва уларда бажариладиган ишларни намоиш этиш.

Г) Станокни қўл билан ишлатиб кўриш.

11-жорий назорат.

Машинанинг асосий қисмлари: двигател, узатиш механизми, ички органлар.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Дурадгорликда ёғоч ишлаш машиналарининг иш фаолиятини.

Б) Ёғочни тилиш, кесиш ва тегишли шакл берадиган қисмларини.

В) Айланма, илгариланма ҳаракатини таъминлаш механизми.

Г) Машина қисмларининг чизмаларини.

II. Уддалашинг керак.

А) Машина қисмларини ўрганиш.

Б) Машинанинг қисмларини ўзаро узвий ҳаракатларини қузатиш.

В) Машинанинг ички қисмларига қаров ўтказиш.

Г) Машинани қўл билан ишлатишида мавжуд камчиликларни аниқлаш.

12-жорий назорат.

Машинанинг асосий деталлари: валлар, деталлар, дасталар, махкамлаш деталлари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Машинашунослик элементларини.

- Б) Машинанинг юриши, юргизиш, иш бажарадиган деталларини.
- В) Машинанинг уст қурилмасига махкамланган деталларини.
- Г) Харакат ва харакатни узатиш, ишларнинг кетма-кетлигини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Машинани бошқариш бошқариш учун дастлабки амалий ишларни..
- Б) Машинада тайёрланадиган буюмларга хос хом-ашёларни.
- В) Кинематик схема ёки технологик жараёнга хос амалий иш.
- Г) Бажарилиши.

13-жорий назорат.

Винтли механизм, унинг тузилиши ва вазифаси.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Машина қисмларини ажралувчи бирикмаларини.
- Б) Бирикма ва унга бириктириладиган бирикмаларни.
- В) Винтли механизmlарни машинада тутган ўрнини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Винтли механизм чизмасини тахлили.
- Б) Винтли механизмни қисмларга ажратиш.
- В) Механизмларни машинада бажарадиган ишларини.
- Г) Лаборатория иши.

14-жорий назорат.

Деталларнинг конструктив элементлари. С тешик, фаска, ўйик ва бошқалар.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Заготовкаларни тайёрлаш технологияси.
- Б) Иш кетма-кетлиги учун иш қуролларидан фойдаланиш.
- В) Деталларнинг конструктив элементлари хақида маълумот.

II. Уддалашинг керак.

- А) Заготовкаларнинг технологик конструкциясини тайёрлаш.
- Б) Конструктив элементлар техник расмини чизиш.
- В) Буриш ёки пармалаш ёрдамида амалий ишлар.
- Г) Қилинган ишларни ёзма ҳисоботини топшириш.

15-жорий назорат.

Ёғочга ишлов бериш токарлик станоги.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Ёғочга ишлов бериш токарлик станогини.
- B) Станокда бажариладиган ишлар мажмuinи.
- V) Станокни бошқариш учун фойдаланиш воситаларини.
- G) Хавсизлик техника қоидаларини.

II. Уддалашинг керак.

- A) Токарлик станогини иш ҳолатига келтириш.
- B) Станокка буюмларга тегишли хом-ашёни ўрнатиш, уни қўл билан олиш.
- V) Ёғочга ишлов бериш учун керакли асбоб ва андоза танлаш.
- G) Бажарилган ишларни ёзма шаклда ифодалаб бериш.

3 -оралиқ назорат

Машинашунослик элементлари. Ёғочга ишлов бериш станокларининг узатилиши, бу станокларда куч қаратқичнинг узатилиши, станокни ишга тайёрлаш босқичларини ўрганиш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Машинада куч ҳаракат узатилишини.
- B) Станокларда вал, плдшипник ва гидравлик узатмаларни.
- V) Узатмалардаги фойдали иш коэффицентини аниқлашни.
- G) Оғзаки ёки тест саволларига жавоб беришни.

II. Уддалашинг керак.

- A) Станокларни тузилишига кўра кинематик схемасини тузиш.
- B) Станок қисмларига техник қаров ишларини бажариш.
- V) Станокларни ишга тайёрлаш.
- G) Қилинган ишларни тахлил қилиш.

16-жорий назорат.

Дурадгорлик буюмлари деталларини бириктириш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Буюмлар деталларни бириктиришни.

- Б) Бириктириш технологиясини.
- В) Елимлаш ва пардозлаш технологиясини.
- Г) Турли технологиялар бирикмасини.

II. Уддалашинг керак.

- А) Бирикма қисмларини тахт холатига қелтириш.
- Б) Бирикмани бурчак ўлчамларини аниқлаш.
- В) Бирикмани елимлаш.
- Г) Турли бирикмалардан намуналар тайёрлаш.

17-жорий назорат.

Дуадгорлик бирикмалари тўғрисида техник маълумот.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Ёғочдан ва қўшимча оддий тайёрлашни.
- Б) Деталларни оддий михлар билан бириктиришни.
- В) Резбали бурма михлар билан бириктиришни.
- Г) Бирикмага таъсир этадиган кучни.

II. Уддалашинг керак.

- А) Бир дона тирнокли бирикма эскизини тайёрлаш.
- Б) Оддий мих ёрдамида бирикма тайёрлаш.
- В) Резбали бурама михлардан фойдаланиб бирикма тайёрлаш.
- Г) Тайёрланган бирикмага пардоз бериш.

18-жорий назорат.

Дурадгорлик буюмлар деталларини елимлаб бириктириш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Бирикмани елимлаш учун нималарга эътибор бериш керак.
- Б) Елимларни тайёрлаш ва фойдаланиш.
- В) Гигиеник қоидаларга риоя қилиш.
- Г) Елимлаш асбоби ва мосламаларидан фойдаланиш.

II. Уддалашинг керак.

- А) Бирикмаларни елимлаш иш жойини ташкил қилиш.
- Б) Бирор бирикмали намунани елимлаш.
- В) Амалиётда елимлаш усулларидан кенг фойдаланиш.

Г) Барча фойдаланилган воситаларни ўз жойига йиғиб қўйиш керак.

4-оралиқ назорат

Деталларни оддий михлар резбали бирикма михлар (шуруп) ва бошқа воситалар билан бириктириш, фанер тайёрлаш технологияси.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Бирикма хом ашёни тайёрлашни.
- B) Бирикма техник расмини чизишни.
- B) Бирикма аппаратураларни бажаришда.
- G) Бирикмаларни, аппаратураларни бажаришда тежамкорлик йўналишини.

II. Уддалашинг керак.

- A) Деталларни мих билан бириктириш керак.
- B) Деталларни шуруп билан бириктириш.
- B) Буюм деталларни резбали бирикмалар билан бириктириш.
- G) Фанерларни тайёрлаш.

19-жорий назорат.

Дурадгорлик буюмларнинг сиртини пардозлаш ва деталларни конструкциялаш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Буюмларни пардозлаш материалларини.
- B) Пардозлаш асбоб-мосламаларини.
- B) Пардозлаш технологиясини.
- G) Пардозлаш дизайн асосларидан унумли фойдаланишни.

II. Уддалашинг керак.

- A) Буюмларни оддий усулда пардозлаш.
- B) Уй-рўзғор буюмларини пардозлаш.
- B) Оддий мебелларни пардозлаш.
- G) Пардозлаш операциясиго хос буюмларни конструкциялаш.

20-жорий назорат.

Ёғочдан уй-рўзғор буюмлар тайёрлаш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Ёғочдан уй-рўзғор буюмлар тайёрлаш тарихини, аҳам иятини.

Б) Ёғочдан уй-рўзғор учун тайёрланган буюмлар турларини.

В) Ёғочдан тайёрланган уй-рўзғор буюмларини уйларда ўзига хос тутган ўрнини.

Г) Ёғочдан тайёрланган уй-рўзғорда қўлланиладиган буюмларда дизайн ечимлари, нақш ва ўймакорлик асосларини.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғочдан энг оддий шаклда буюмлар тайёрлаш.

Б) Ёғочдан тайёрланадиган буюмни тезхнологиясини ишлаб чиқиш.

В) Ёғоч билан энг оддий шаклда тайёрланган буюмга дизайн, нақш ва ўймакорлик безакларини қўлаш.

21-жорий назорат.

Ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиб буюмлар тайёрлаш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишишинг керак.

А) Ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиб буюмлар тайёрлаш тарихини.

Б) Ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиш технологиясини.

В) Қоғоз чиқиндиларидан фойдаланиб уй-рўзғор буюмларини тайёрлашни.

Г) Ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиб буюмларни пардозлашини.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғоч чиқиндиларини ўрнига қўйиб фойдаланиш.

Б) Ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиб оддий буюмлар тайёрлаш.

В) Ёғоч чиқиндиларидан тайёрланган буюмларда қўлланиладиган материаллар, пласттмасса ва бошқа элементлар.

22-жорий назорат.

Эгов ва жилвир қоғозлар ёрдамида ёғочдан тайёрланган буюмларни пардозлаш ва тозалаш ишлари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишишинг керак.

А) Ёғочдан тайёрланган буюмни эгов ва жилвир қоғозлардан фойдаланиш тарихини ва имкониятларини.

Б) Ёғочдан тайёрланган буюмларни тайёрлаш, пардозлаш ва тозалаш технологияда қўлланиладиган эгов ва жилвир турларини ҳам да уларнинг хусусиятларини.

В) Ёғочдан тайёрланган буюмни пардозлаш ва тозалаш жараёнидан сўнг алиф, лак ва бошқа бўёқлардан фойдаланиш, буларнинг сифат ва нархларини кўтаришига таъсирини.

Г) Ёғочдан тайёрланган буюмни пардозлаш ва тозалашни замонавий технологияга келтириш, ишни бозор иқтисодиёти билан боғланишини.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғочдан тайёрланган буюмларни пардозлаш.

Б) Ёғочдан тайёрланган буюмларни тозалаш

В) Ёғочдан тайёрланган буюмларни пардозлаш ва тозалашдан сўнг алифлаш, лаклаш ва бадиий бўёқларда бўяш.

Г) Оддий пардозлаш ва тозалаш технологиясида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни –дизайн, шакл ва ўймакорлик элементларидан фойдаланилган холда, буюмларни нархларини фарқини аниқлаш.

23-жорий назорат.

Тайёрланадиган буюмлар технологик картасини ишлаб чиқиши.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Ёғочдан тайёрланадиган буюмларни технологик картасини ишлаб чиқиши мохияти ва аҳам иятини.

Б) технологик картанинг элементларини.

В) Ёғочдан тайёрланадиган буюмларни тайёрлаш кетма-кетлигини аниқлаш хусусиятларини ва тамоиларини.

Г) Ёғочдан тайёрланадиган буюмларни технологик картасини тузиш хажмида уни таркибидаги расм, чизма ва эскизларни ўрни ва мохияти.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғочдан тайёрланадиган оддий 3-4 операциядан иборат буюмни технологик картасини тузиш.

Б) Ёғочдан тайёрланадиган 5-б операциядан иборат буюмни технологик картасини тузиш.

24-жорий назорат.

Тайёрланадиган 1-2 элементи бўлган призма шаклидаги ёғоч деталларни шаклига, техник расмiga қараб эскизини тузиш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Тайёрланадиган 1-2 элементи бўлган призма шаклидаги ёғоч деталларни шаклига, техник расмига қараб эскизини тузиш қоидалари.
- B) Тайёрланадиган 1-2 элементи бўлган призма шаклидаги аниқ ёғоч деталларни шаклига, техник расмига эскизини тузиш технологияси.

II. Уддалашинг керак.

- A) Тайёрланган 1-2 элементи бўлган призма шаклидаги ёғоч деталларни шаклига, техник расмига қараб эскизини ишлаб чиқиши.

5-мажмуавий оралиқ назорат

Хом-ашёни танлаш, режалаш ва тайёрлаш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- A) Тайёрланадиган буюмлар чизма ёки эскизларига қараб, хом-ашёни режалаб олиш қоидаларини ва усулларини.

Б) Режалаб олинган хом-ашёни технологик операцияларга тайёрлаш.

II. Уддалашинг керак.

- A) Тайёрланадиган буюмлар график хужжатларга асослаб хом-ашйни мажмуавий холатда танлаш, режалаш ва навбатдаги технологик операцияга тайёрлаш.

Б) 2-3 операцияга хос буюмларга хом-ашёларни танлаш, навбатдаги технологик операцияларга уларга тайёрлаш ҳамда амалий иш сифатини қуидагича баҳолаш.

- бажарилган амалий иш (тайёрланган буюм ёки уни қисмини) чизма асосида тўғри тайёрлашгани – 1балл.

- бажарилган ишнинг сифатини таъминлаш -4 балл

- асбобларни тўғри ишлатиш 3- балл.

- ўзлаштирилган назарий билимларга 2-балл

- мажмуавий оралиқ назорат балли –10 балл билан баҳоланади.

25-жорий назорат.

Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги касблари (ўймакорлик, бешикчи, сандиқчи ва бошқалар)

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги касбларини.
- Б) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги хар бир касбларни пайдо бўлиши (тариҳи), моҳияти, аҳам иятини.
- В) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги хар бир касбларини-асбобларини, мосламаларини, меҳнат харакатларини, ҳамда технологик усул ва операцияларини.
- Г) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги хар бир касбларга бажарадиган ишларни (тайёрланадиган буюмларни).

II. Уддалашинг керак.

- А) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги хар бир касбларининг асбобларини ишлатиш.
- Б) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилик касбларига хар 1-3 операциядан иборат бўлган буюмларни тайёрлаш.
- В) Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилик хар бир касбларига хар асбоб ва мосламаларни энг оддий карив ишларни бажариш.

26-жорий назорат.

Ёғочга ишлов берувчи хунармандларнинг хозирги пайтдаги тутган ўрни ва мавқелари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) Ёғочга ишлов берувчи хунармандларнинг тарихий жихатдан ривожланишини.
- Б) Ёғочга ишлов берувчи хунармандларнинг “Ота-касб” ва “Устоз-шогирд” чиларни ривожланишида тутган ўрни.
- В) Ёғочга ишлов берувчи хунармандлардан замонавий мухандис-педоғоллар тайёрлашда тутган ўрни ва мавқеини.
- Г) Ёғочга ишлов берувчи хунармандларни ““Устоз-шогирд” чилик мактаби тизимида хунарманд педагогчилар синфлар ташкил этишда ўрни ва мавқеини.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғочга ишлов берувчи хунармандларнинг тарихий жихатдан ривожланиш моделини ишлаб чиқиши.

Б) Ёғочга ишлов берувчи ўқитувчи-хунармандларни “Ота-касб” тизимида меҳнат қилишни ўрганиш ҳамда касбни танлашга доир моделини ва дастурини ишлаб чиқиши.

В) “Ота-касб” тизимида ўғил болаларнинг отаси, амакиси, тоғаси ва акаларининг касблари бўйича ўргатиш жараёни мазмуни киради. Қизлар учун мазкур тизимда, уларнинг аммаси, холаси ва опаларининг касблари бўйича меҳнат қилишларини тушуниш лозим.

2. “Устоз-шогирд” тизимида ташкил этилган меҳнат таълими-қизар ва ўғил болалалар учун бир қоида асосида устанинг иш жойида олиб борилади.

“Ота-касб” ва “Устоз-шогирд” тизимида ўтиладиган меҳнат таълими мактаб уставида акс эттириши лозим.

Мазкур тизимлар асосида меҳнат таълимини ўқийдиган ўқувчилар учун хар ўқув йилада мактаб раҳбарининг буйруғи қабул этилади.

Унда мактаб томонидан меҳнат ўқитувчиси, фидокор ҳамда меҳнат таълими йўналиши бўйича уйғунлаштирилган (профиллаштирилган) умумий таълим фанлар ўқитувчилар маъсуллик қилиш қайд этилиши лозим.

27-жорий назорат.

Хунармандчиликнинг замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корликлиги.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Хунармандчиликни замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан умумийлиги ва боғланишига хос ҳам корликлигига.

Б) Хунармандчиликни замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корлиги хусусиятларини.

В) Хунармандчиликни замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корлиқдаги қўлланиладиган асбоб-ускуналар.

Г) Хунармандчиликни замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корликлигидаги холатларда қўлланиладиган ноанъянавий технологияларни.

II. Уддалашинг керак.

А) Хунармандчиликни замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корлик асослари моделини ишлаб чиқиши.

Б) Хунармандчиликнинг замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корлигидаги мавжуд техник-технологик билимларни модел холатга келтириши.

В) Хунармандчиликни замонавий ишлаб чиқаришдаги касблари билан ҳам корликлигига мавжуд тамойилларни тизимга келтириши.

28-жорий назорат.

Ёғочга ишлов бериш соҳасида учта техник жихатдан узвий боғланган касбларни ўрганиш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта техник-технологик жихатдан боғланган касбларнинг мазмунини.

Б) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта техник-технологик жихатдан узвий боғланган касбларнинг мазмунини.

В) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта техник-технологик жихатдан узвий боғланган касбларни ўзлаштириш кетма-кетлиги.

Г) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта техник-технологик жихатдан узвий боғланган касбларни ўзгартиришда график элементлардан унумли фойдаланишни.

Д) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта техник-технологик жихатдан узвий боғлиқ касблар мазмунида мавжуд майин фанлар асослари билан тўлдириши.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғочга ишлов бериш соҳасида учрайдиган техник-технологик жихатдан узвий боғланган касблар юзасидан ўқиши давом эттирадиган худудий касб хунар коллежлари тўғрисида ахборотлар тўплаш.

Б) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта учрайдиган техник-технологик жихатдан узвий боғланган касбларни ўзлаштириш моделини ишлаб чиқиши.

В) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта учрайдиган техник-

технологик жихатдан узвий боғланган касблар юзасидан график элементларни чизиш.

Г) Ёғочга ишлов бериш соҳасида камида учта учрайдиган техник-технологик жихатдан узвий боғланган касблар мавжуд таъбий фанлар асосларини модел холатига келтириш.

29-жорий назорат.

Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ҳам да иш усулларини ўзлаштириш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ишлатишда график элементларни асосларини;

Б) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ишлатиш жараёнида мавжуд таъбий фанлар билан узвий боғланишини;

В) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар билан ишлашдаги иш усулларини ўрганиш;

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар хақида ахборотларни тўплаш.

Б) тузилиши ва ишлатиш қоидалари, амалий кўнималарни ўзлаштиришни моделаштириш;

В) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ишлатишда мавжуд график элементларни чизишни;

Г) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ишлатиш жараёнида мавжуд таъбий фанлар билан узвий боғланган асосларини модел холатига келтириш;

Д) Ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар билан ишлашда энг оддий усулларни қўллашни;

6-мажмуавий оралиқ назорат

Ўймакорлик асбоблари билан танишиш ҳамда уларни ишлатиш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Ўймакорлик асбобларини хар томонлама ўрганиш, уларда техник-технологик иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий маълумотларни маълум тизимга келтириш.

Б) 1-2 ўймакорлик касблар асбобларига хос хужжатларни ишлаб чиқиш, ҳамда улар асосида тайёрлаш холатини қуидагича баҳолаш:

- Бажарилган амалий ишларни чизма ёки эскиз асосида тўғри тайёрлашни - 1балл.

- Бажарилган ишнинг сифатини таъминлаш – 4 балл

- Асбобларни тўғри ишлатилиши -3 балл

- Ўзлаштирган назарий билимларга –2 балл

- Мажмуавий оралиқ назорат балли

- мажмуавий оралиқ назорат балли –10 балл билан баҳоланади.

30-жорий назорат.

Кутичилик касби ва унда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрганиш ҳамда уларни ишлатиш технологияси.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Кутичилик касбига хос қўлланиладиган асбоблар турларини.

Б) Кутичилик касбига хос асбобларни ишлатилиш жараёнида мавжуд таъбий фанлар билан узвий боғланишини.

В) Кутичилик касбига хос асбобларни ҳам да уларни ишлатилиш қоидаларини.

Г) Кутичилик касбига хос технологик жараёнларида учрайдиган график элементларни.

II. Уддалашинг керак.

А) Кутичилик касбига хос қўлланиладиган асбоблар тўғрисида мавжуд техник-технологик маълумотларни маҳсус жадвалга келтириш.

Б) Кутичилик касбига хос асбобларни тузилишини ҳамда қўллаш қоидаларини хар томонлама расмлари билан рефератга тарифланг.

В) Кутичилик касбига қўлланиладиган асбобларни ишлатиш жараёнида мавжуд техник-технологик маълумотларни таъбий фанларнинг мазмунлари билан узвий боғланишларини моделлаштириш.

Г) Қутичилик касбиға хос асбобларни ишлатиш технологик жараёнларида учрайдиган график элементларни чизиши.

31-жорий назорат.

Қолиплар, күчирма қоғозлар ва чизмалар билан ишлаш.

I. Дарслік ва құшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Қолиплар, күчирма қоғозлар ва чизмалар билан ишлашнинг мохияти ва аҳам иягини.

Б) Қолиплар, күчирма қоғозлар ва чизмалар турлари ҳамда уларни ишлатиш қоидалари.

В) Қолиплар, күчирма қоғозлар ва чизмаларни ишлатиш технологиясинини.

Г) Қолиплар, жараёнлари шаклланадиган билимларни таъбий фанлар билан узвий боғланишини.

II. Уддалашинг керак.

А) Миллий хунармандчилік касбларига хос ишларида-қолиплар, , күчирма қоғозлар ва чизмаларни қўллаш моделини ишлаб чиқиши.

Б) Ёғоч ишларига оид буюмларни тайёрлашда қўлланиладиган қолиплар, күчирма қоғозлар ва чизмаларни қўллаш технологияси.

32-жорий назорат.

Бўёқлар, лаклар ва турли хил суюқликлар билан ишлаш.

I. Дарслік ва құшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Ёғочга ишлов беришда бўёқлар, лаклар ва турли хил суюқликлар билан ишлашнинг мохияти, аҳам ияти ва турли суюқликлардан.

Б) Ёғочдан тайёрланган буюмларни бўёқлар, лаклар ва турли хил суюқликлардан фойдаланиб уларнинг сифатини яхшилаш технологиясини.

В) Ёғочдан тайёрланган буюмларни бўёқлашда, лаклашда ва бошқа суюқликлардан фойдаланишда қўлланиладиган асбоб ва мосламаларни.

Г) Ёғочсозликда қўлланиладиган бўёқлар, лаклар ва бошқа суюқликларни ишлатишида таъбий фанлар асослари билан узвийлигини.

II. Уддалашинг керак.

А) Ёғочсозликда қўлланиладиган бўёқлар, лаклар ва бошқа суюқликлар

юзасидан маълумотларни махсус жадвалга келтириш.

Б) Ёғочсозликда тайёрланадиган буюмларда қўлланиладиган бўёқлар, лаклар ва бошқа суюқликларни тайёрлаш ҳам да технологиясини ўзлаштириш.

33-жорий назорат.

Тайёрланадиган хунармандчилик буюмлари: сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган дизайн ишлари.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган дизайн асосларини.

Б) Сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган дизайн турларини.

В) Сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган дизайнни асосларини.

Г) Сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган ишларни қўллаш жараёни билан боғланган таъбий фанлар асосларини.

II. Уддалашинг керак.

А) Сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган дизайн асосларини махсус тизимга келтириш.

Б) Сандик, қути, ўйма нақш ва бошқа буюмларга кенг тарқалган дизайн асосларини қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш.

В) Дизайнерлик ишларида амалий машқлар бажариш.

Г) Танланган бирор буюм дизайнини аниқлаш ва ишлаб чиқиш.

33-жорий назорат.

Транспорт воситаси ёки содда меъморий композициянинг график тасвирини ва турли материаллардан ишланган макетини тайёрлаш.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

А) Транспорт воситаларини дизайн композициянинг график тасвирини.

Б) Транспорт воситаларига хос дизайн композициялар тайёрлаш технологияси.

В) Транспорт воситаларини дизайн композициясини танлашда умумий таълим фанлар асосларига таяниш моделини ишлаб чиқиш.

II. Уддалашинг керак.

- А) Транспорт воситаларининг дизайн композицияларини ишлаб чиқариш технологияси.
- Б) Транспорт воситаларининг дизайн композициянинг турли материаллардан ишланган макетини тайёрлаш.

6-мажмуавий оралиқ назорат

Халқ хунармандчилиги: “Устоз-шогирд” ва “Ота-касб” асосларини.

I. Дарслик ва қўшимча манбалардан фойдаланиб билишинг керак.

- А) “Устоз-шогирд” асосларини.
- Б) “Устоз-шогирд” асосида хунармандчилик.
- В) “” асосларини.
- Г) “Ота-касб” асососида хунармандчилик касбларини ўрганиш технологиясини.

II. Уддалашинг керак.

- А) “Устоз-шогирд” дастури асосида хунармандчиликни ўзлаштириш технологияси.
- Б) “Ота-касб” дастури асосида хунармандчиликни ўзлаштириш технологияси.

Мехнат дарсларидан сўнг ўқувчиларнинг мустақил равишда ўқув 1-бажарадиган материалларини ўзлаштириш режаси.

1. Машғулот мақсади: мазкур матн ва расмлардаги механизмларни ўрганишда.

2. Ўзлаштирадиган ДТС ва дастур мазмуни.

? _____

? _____

? _____

? _____

3. Ўзлаштиришга қаратилган манбалари:

а) Адабиётлар рўйхати:

? _____

? _____

? _____

? _____

б) Модел ва макетлар:

? _____

? _____

? _____

в) Амалий ишлар:

? _____

? _____

? _____

г) Кўлланиладиган асбоб-ускуналар:

? _____

? _____

? _____

д) Кўлланиладиган станок, мшина, мосламалр:

? _____

? _____

? _____

е) Бажарадиган техник –технологик операциялар:

? _____ Мехнат харакатлари _____

? _____ Мехнат усуллари _____

? _____ Мехнат операциялари _____

ж) Бажарадиган бадиий график ва миллий хунармандчиликка хос ишлар:

? _____ Расмлар _____

? _____ Эскизлар _____

? _____ Чизмалар _____

? _____ Дизайн _____

? _____ Нақошлик _____

4. Шакллантириладиган билимлар:

? _____

? _____

? _____

5. Ҳосил этилган күнікма, малака, махорат, тажриба, ижодкорлик асослари:

? _____

? _____

? _____

б. Бошқа бажардиган ишлар:

? _____

? _____

? _____

